



МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ  
ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ  
ҚИЛИШ БҮЙИЧА  
“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМГАРМАСИ

UZBRIDGE ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ



2020 ЙИЛ  
І СОН



Ўзбекистон, Тошкент ш.,  
Амир Темур - 13 уй



uzbridge@eyuf.uz



[www.uzbridge.eyuf.uz](http://www.uzbridge.eyuf.uz)

## МУНДАРИЖА

№	Муаллиф	Мақола номи	Саҳифа
1.	и.ф.д., проф., А.Ш. Бекмуродов, и.ф.д., проф. Н.Х. Жумаев	ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТҮЛОВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИХАТЛАРИ	3
2.	А. Бекмурадов, Ж. Исмаилов	О ПЕРСПЕКТИВАХ ПРИСОЕДИНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН К ИНДЕКСУ ГЛОБАЛЬНОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ВСЕМИРНОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО ФОРУМ	15
3.	Р.Х.Ташматов, и.ф.н.	ХУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	21
4.	Д.Р. Мамасоатов	ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ	30
5.	С.З. Аброров	ИСЛОМИЙ ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАРНИ ЖОРӢИ ЭТИШНИНГ МАЛАЙЗИЯ ТАЖРИБАСИ	37
6.	Ж.Ж. Ахмедов	ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ	45
7.	А.Т. Абсаламов	МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	53
8.	Н.П. Қорабоев, Ш.Р. Хамдамов	ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ	69

### Хорижда таълим олаётган ватандошларимизнинг очерклари

1.	Мусоева Азиза	БҮОК БРИТАНИЯНИНГ ЛОНДОН МЕТРОПОЛИТЕН УНИВЕРСИТЕТИ МАГИСТРАНТИ	70
2.	Расулов Шоҳруҳбек	ЛОНДОНДАГИ НЮКАСЛ УНИВЕРСИТЕТИ МАГИСТРАНТИ	79
3.	Азамат Акбаров	“ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ ВА АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖУРНАЛИ БОШ МУҲАРРИРИ	84

## ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТҮЛОВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

А.Ш. Бекмуродов и.ф.д., проф.,  
Н.Х. Жумаев и.ф.д., проф.

**Аннотация:** Ушбу мақолада валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида мамлакат түлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари ва механизmlари, түлов балансига таъсир этувчи омиллар ҳамда Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш шароитида түлов балансини тартибга солишнинг устувор йўналишлари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** түлов баланси, валюта сиёсати, валюта курси, девальвация, савдо баланси, жорий ҳисобварақ, капиталлар ҳаракати, ташқи қарз, хорижий инвестициялар, халқаро инвестицион позиция.

### Кириш

Тўлов баланси мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва иқтисодий ҳолатини акс эттиради. Айни пайтда, реал валюта курсининг тўлов баланси ва унинг таркибий қисмларига таъсирини тўғри баҳолаш самарали пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга оширишнинг зарурий шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича устувор йўналишларидан бири сифатида “макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш” белгиланган. Ушбу устувор йўналиш доирасидаги мухим вазифалар таркибидан халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш; илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ўрин олган.

Юқоридаги вазифаларнинг ижроси бевосита мамлакат тўлов баланси ҳолатига таъсир этгани ҳолда, уни тартибга солиш бўйича замонавий механизмларни ишлаб чиқишини ҳам тақозо этади. Тўлов баланси кўрсаткичлари мамлакатнинг халқаро ҳисобкитоблари, валюта-иктисодий ҳолатидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий операцияларни рағбатлантириш ёки чеклашга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуулларини танлаш ва фойдаланишда мухим роль ўйнайди. Айни пайтда, тўлов баланси қолдиги таҳлили иқтисодий сиёсатни аниқлаш учун зарурдир.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Тўлов баланси – статистик ҳисобот бўлиб, муайян давр учун иқтисодиётнинг қолган дунё билан иқтисодий транзакцияларини тизимли равишда умумлаштиради [(IMF, 1993)]<sup>1</sup>.

Тўлов баланси – муайян давр мобайнида резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни ялпи кўринишда ифодаловчи ҳисоботдир<sup>2</sup>.

Тўлов баланси монетар ҳодисами ёки йўқми деган савол монетар ва халқаро иқтисодиётга бағишлиган адабиётларнинг қизғин баҳс қилинадиган масалаларидан бўлиб келмоқда.

Тўлов баланси ҳолати мамлакат ички иқтисодий сиёсати учун мухим сигнал вазифасини ўташи мумкин. Чунончи истеъмол товарлари импорти миқдори жуда ҳам юқори бўлса, ички сиёsat импортни чеклаш ёки импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантиришга қаратилиши мумкин.

Тўлов балансини тузиш ХВФ томонидан ишлаб чиқилган маҳсус йўриқномага мувофиқ амалга оширилади. Тўлов баланси бўйича илк йўриқнома 1948 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, ундан кўзланган мақсад ХВФга мунтазам равишда халқаро стандартлар асосида ҳисобот тақдим қилиш учун асос яратиш бўлган. Тўлов баланси бўйича иккинчи йўриқнома 1950 йилда ишлаб чиқилиб, унда тўлов балансини тузиш концепциялари батафсил ёритилган. Сўнгра бирин-кетин йўриқномаларнинг янги нашрлари чоп этила бошланди. Хусусан, учинчи йўриқнома 1961 йилда, тўртинчи йўриқнома 1977 йилда ва узоқ тайёргарликдан сўнг бешинчи йўриқнома 1993 йилда чоп этилган. Тўлов баланси бўйича бешинчи йўриқномада тўлов баланси атамалари, унинг ҳисобвараклари тузилмасига сезиларли ўзгаришлар киритилди.

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича йўриқнома олтинчи нашр сифатида 2008 йилда чоп этилди. Янги нашрни ишлаб чиқишида қўйидаги учта мухим соҳаларга эътибор қаратилган:

1. Глобаллашув – қатор масалалар глобаллашув шароитида янгича, янада мухим аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, икки ва ундан ортиқ мамлакат билан боғлиқ бўлган жисмоний шахслар ва корхоналар сони, иқтисодий иттифоқ аъзоси бўлган давлатлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу боисдан Йўриқномада илк маротаба валюта иттифоқларининг фаолиятларини ҳисобга олишга ёндашиш бўйича аниқ кўрсатмалар келтирилган.

2. Янги ҳужжатда активлар ва пассивларнинг таҳлилига янада чуқур эътибор қаратилган. Хусусан, юзага келадиган молиявий рискларни ҳисобга олишга алоҳида эътибор берилган.

3. Молиявий инновациялар. Ҳужжатда янги молиявий инструментлар ва механизmlарнинг (ҳосилавий молиявий инструментлар, секьюритизация, индексларга боғланган қимматли қофозлар, “олтин ҳисобвараклар” ва бошқ.) пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳисобга олинган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, тўлов балансини тартибга солиш бўйича ёндашувлар ҳам вақт ўтиши билан такомиллашиб, мазмунан бойиб борган, инструментлар таркиби ҳам мунтазам янгиланиш хусусиятига эга бўлган. Айни пайтда, тўлов балансини тартибга солишга доир назария ва ёндашувларни таснифлаш бўйича тадқиқотчиларнинг қарашларида ҳам хилма-хиллик мавжуд [Stojanov, 2006]. Тадқиқотчиларнинг тўлов балансини тартибга солиш назариялари бўйича қарашларини умумлаштирган ҳолда, уларни қўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Тўлов балансининг автоматик тарзда ўз-ўзини тартибга солиши назарияси. Ушбу назария Д.Юм ва Д.Рикардо томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг пайдо бўлиши XVIII асрга бориб тақалади [Branson, 1930]. Тўлов балансининг пассив бўлиши шароитида мамлакатнинг олтин захираларининг чиқиб кетиши кузатилади, натижада мамлакатда нархлар пасаяди ва миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ортади ва пировардида экспорт кўпайиб тўлов баланси актив бўлиши кузатилади.

<sup>1</sup> International Monetary Fund Annual Report (1993) USA.

<sup>2</sup> Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича йўриқнома, 6-нашр, 2008 й.

**2. Түлов балансини тартибга солишнинг кейнсча назарияси.** Ушбу назария 1930-йилларда шакллантирилган бўлиб, Дж.М.Кейнс түлов балансини мувозанатлаштириш давлат томонидан тартибга солиш йўли билан амалга оширилиши кераклигини таклиф этди. Кейнсчилар түлов балансининг хронологик мувозанатсизлиги тушунчасини муомалага киритишиб, бу муаммони ҳал этиш эркин бозор кучлари ёрдамида имконсиз эканлигини ва шу боисдан давлат томонидан турли усууллар билан фаол тартибга солиниши зарурлигини таъкидлашган.

**3. Ички ва ташқи мувозанат назарияси.** (Р.Харрод, Т.Сцитовский, Р.Манделл ва бошқ. ) Ички мувозанат деганда иқтисодиётда баҳолар барқарорлиги ва тўлиқ бандликнинг бир пайтда таъминланиши ҳолати тушунилади. Ташқи мувозанат эса түлов балансининг узоқ муддатли барқарор мувозанатидир.

**4. Түлов балансини тартибга солишнинг инструмент-мақсадли усули.** (Дж.Мид, Я.Тинберген). Кўрсаткичларни давлат иқтисодий сиёсатининг инструментлари ва мақсадларига шартли ажаратиш орқали түлов балансини тартибга солишнинг эконометрик моделини ишлаб чиқишига ҳаракат қилишган [Meade, 1951].

**5. Түлов балансини норматив тартибга солиш назарияси.** Ушбу назариянинг намоёндалари бўлиб, Дж. Вильямс, Р. Миллер ва бошқ. ҳисобланишади. Назария кўйидагиларни кўзда тутади:

- аксил даврий (антициклик) ва инфляцияга қарши тартибга солишни халқаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш билан бирлаштириш;
- инфляция муаммолари ва инфляциянинг түлов балансига таъсирини тадқиқ қилишга киришиш;
- түлов баланси ва инфляцияни давлатлараро тартибга солишнинг зарурлиги.

**6. Түлов балансини тартибга солишнинг монетар назариялари.** Түлов баланси назариясига монетаристик ёндашувнинг дастлабки foялари Х.Джонсоннинг ишларида намоён бўлган бўлса, унинг ривожланиши 1970-80 йилларга бориб тақалади [Johnson, 1958]. Монетаризм түлов балансини ички нархлар тузилмасининг бузилишига олиб келувчи ҳамда талаб ва таклиф мувозанатига тўскинлик қилувчи бутун пул хўжалигининг диспропорцияси натижаси сифатида кўради. Түлов балансининг монетар концепцияси доирасида очиқ иқтисодиёт, товарлар, ишчи кучи ва капитал ҳаракатининг минимал чекланиши, миллий ва жаҳон иқтисодиётида бозор механизми фаолияти эркинлигини таъминлаш энг мақбул ҳолат сифатида қаралади.

**7. Түлов балансини давлатлараро тартибга солиш назариялари.** Ушбу назариялар бир пайтнинг ўзида кейнсчилик, неокейнсчилик ва монетаризмни ўзида мужассамлаштиради. Уларда түлов балансини жамоавий тартибга солишга катта урғу берилган бўлиб, XBFнинг уставида мазкур назарияларнинг кўп жиҳатлари ва қоидалари акс этган.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез, солиштирма таҳлил каби усууллардан фойдаланилган. Адабиётларни таҳлил қилишда Web of Science илмий маълумотлар базасидан фойдаланилган. Тузилмавий таҳлил учун АҚШ ва Ўзбекистон Республикасининг расмий статистик маълумотлари олинган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Түлов баланси қолдигининг актив ёки пассив эканлигини ўлчаш уни тартибга солишда тўғри ва самарали усууларни танлаш ва қўллаш учун аҳамиятли ҳисобланади.

2018 йилда АҚШ ташқи савдо баланси дефицити 622,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (1-жадвал). Айни пайтда, 2013-2018 йиллар мобайнида АҚШ ташқи савдо баланси дефицитининг ўсиш тенденцияси кузатилган. АҚШ ташқи савдо баланси дефицитининг пайдо бўлишига товарлар импортининг товарлар экспортидан юқори бўлгани асосий сабаб бўлган. Ваҳоланки, ҳисбот даврида АҚШда хизматлар бўйича савдо баланси профицит билан бажарилган.

1-жадвал

**АҚШ ташқи савдо баланси таркиби ва динамикаси, млрд. АҚШ долларыда**

Йиллар	Ташқи савдо баланси			Экспорт			Импорт		
	Умумий	товарлар	хизматлар	Умумий	товарлар	хизматлар	Умумий	товарлар	хизматлар
2013	-461,8	-702,2	240,3	2293,5	1592	701,5	2755,3	2294,2	461,1
2014	-490,3	-751,5	261,2	2375,9	1634	741,9	2866,2	2385,4	480,8
2015	-500,4	-761,9	261,4	2263,9	1510,8	753,1	2764,3	2272,6	491,7
2016	-504,8	-752,5	247,7	2208,1	1455,7	752,4	2712,9	2208,2	504,7
2017	-568,4	-811,2	242,8	2331,6	1550,7	780,9	2900	2361,9	538,1
<b>2018</b>	<b>-622,1</b>	<b>-891,3</b>	<b>269,2</b>	<b>2500,8</b>	<b>1672,3</b>	<b>828,4</b>	<b>3122,9</b>	<b>2563,6</b>	<b>559,2</b>

*Манба: U.S. Census Bureau, Economic Indicator Division*

Бундан ташқари, эксперталар томонидан АҚШ ташқи савдо дефицитининг юқори бўлишига сабаб сифатида доллар қадрининг ортиши кўрсатилмоқда. 2013-2016 йиллар мобайнида АҚШ долларининг еврого нисбатан алмашув курси 30,1 фоизга ошган (1-расм). Бирок, АҚШ тўлов баланси дефицити бир неча 10 йиллардан буён сурункали равишда юзага келмоқда. Унга сабаб сифатида иқтисодчи-олим ва эксперталарнинг қарашларида хилма-хилликни кузатиш мумкин. Масалан, П.Кругман АҚШ тўлов баланси дефицити юзага келишининг муҳим омили сифатида Хитойнинг АҚШ долларига миллий валютани паритет қийматидан паст ҳолда боғланишига асосланган экспортга йўналтирилган иқтисодий ўсиш стратегиясини келтиради [Krugman, 2010].


Баъзи таҳлилчилар АҚШ дефицитининг ўсишида АҚШ миллий жамғармалари нормасининг инвестициялар нормасига нисбати пасайиши муҳим роль ўйнашини қайд этишади. АҚШда жамғармалар нормаси ошмас экан, мамлакатга катта кўламдаги капитал кирими давом этаверади ва бу эса ўз навбатида жорий ҳисобварақ дефицитига олиб келади. Жамғармаларнинг юқори даражаси истеъмолни ва шу орқали савдо дефицитини камайтиради [Raheja, 2010].

“Жамғармаларнинг глобал ортиқчалиги” гипотезасига мувофиқ, тўлов баланси дефицитининг асосий сабаби ривожланаётган мамлакатлардан ортиқча жамғармаларнинг юзага келиши ҳисобланади. АҚШ иқтисодиёти, ўз навбатида, ушбу “ортиқча жамғармалар”ни жалб этмоқда [Bernanke, 2005].

Айрим иқтисодчи-олимлар АҚШнинг хориждаги инвестициялари даромадлилиги ва АҚШдаги хорижий инвестициялар даромадлилиги ўртасидаги фарқ АҚШга ижобий инвестицион сальдони таъминлайди ва йирик миқдордаги ташқи савдо дефицитини қўллаб қувватлайди. 1952-2009 йилларда АҚШнинг хориждаги инвестициялари даромадлилиги хорижликларнинг АҚШдаги инвестициялари даромадлилигидан 2,69%га юқори бўлган. Қолаверса, бу кўрсаткич 1952-1972 йиллардаги 1,3 фоиздан 1973-2009 йилларда 3,47 фоизгача ошган [Gourinchas ва бошк., 2010].

М.Филдштейн АҚШ жорий ҳисобварақ дефицитининг молиялаштирилиши характеристининг ўзгаришида хавф юзага келиши мумкинлигини таъкидлайди. XXI аср дастлабки ўн йиллигининг бошларида дефицит барқарор бўлган, чунки у хусусий инвесторлар томонидан молиялаштирилган, ўз навбатида, хусусий инвестициялар америка иқтисодиётига даромад ва самарадорлик келтирган. Ўн йилликнинг охирларига

келиб, АҚШ иқтисодиётига капиталнинг кириб келиши хорижий ҳукуматларнинг АҚШ қарз мажбуриятларини фаол харид қилишлари ортидан юз берган. Хазина мажбуриятларини хорижликлар томонидан харид қилинишига таяниб қолган АҚШ учун иқтисодий конъюнктуранинг тўсатдан ўзгариши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин [Feldstein, 2008].



**1-расм. АҚШ долларининг еврога нисбатан алмашув курси<sup>3</sup>**

Капитал киримининг кескин камайиши ёки буткул тўхтаб қолиши, ташқи савдо балансининг йирик дефицити каби тўлов баланси муаммоларини бартараф этишда ҳукуматларнинг тегишли ваколатли органлари тури чораларни амалга оширишлари мумкин. Хусусан:

- миллий валюта қадрини сақлаб қолиш учун хорижий валютадаги захираларни сотиш;
- мамлакатга хорижий капиталлар кириб келишини рағбатлантириш учун фоиз ставкаларини ошириш;
- ички активларни сотишга нисбатан капитал назорати шаклларини жорий этиш;
- ички талабни камайтириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида импорт тарифлари ва экспорт субсидияси комбинациясини қўллаш;
- миллий валюта девальвациясини амалга ошириш шулар жумласидандир.

Бироқ юқорида қайд этилган чоралар бир-бирини тўлдириши ёки бир-бирига ўринбосар бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, улардан энг оптималини танлаш ёки мақбул комбинациясини аниқлаш мухим саналади.

Айрим иқтисодчи-олимлар ҳукуматларнинг тўлов баланси муаммоларига қарши чораларини тизимли тадқиқ қилган ҳолда, даставвал хорижий захираларни сотиш чорасини қўллаш, тезкор самара юз бермаса ва муаммолар сақланиб қоладиган бўлса сўнгра капитал назорати шаклларини жорий этишларини аниқлашган. Худди шу сингари йирик девальвацияни қўллаш борасида ҳам эҳтиёткорлик кузатилган ва ҳукуматлар аввал кичикроқ девальвация ва фоиз ставкасини ошириш йўлини танлашлари, натижа кутилган самарани бермаган ҳолларда йирик девальвацияни амалга оширишлари мълум бўлган [Lawrence ва бошқ., 2016].


<sup>3</sup> Европа Марказий банки мълумотлар асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Шунга қарамай, девальвация сиёсати вақтинча түлов баланси ҳолатининг яхшиланишига олиб келса-да, мувофиқ ички монетар сиёсатисиз барқарор асосда түлов баланси ҳолатини такомиллаштириш имконини бермайди [Manuel Guitian, 1973].

Бундан кўринадики, ҳукуматлар түлов баланси муаммоларини ҳал этишда муайян кетма-кетликка риоя қиласидар, яъни дастлаб катта харажатлар ва сайъ-ҳаракатлар талаб қилмайдиган чораларни қўллаб кўрадилар ва муаммони бартараф этиш кутилганидек самара бермаган ҳолдагина катта харажат талаб қиласиган чора-тадбирларни амалга оширишга ўтадилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда түлов балансининг ижобий (актив) қолдиғини таъминлаш масаласига макроиктисодий барқарорликнинг муҳим шарти сифатида қаралди. Натижада мамлакатда ташқи қарзнинг мўътадил даражаси қўллаб-қувватланди, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига жалб қилишга устуворлик берилди, шунингдек, импортнинг экспорт ҳисобидан тўлиқ қопланиши, яъни ташқи савдо балансининг дефицит бўлмаслигини таъминлаш ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлик кўрсаткичи сифатида баҳоланди.

Шунга қарамай, 2010-2017 йилларда ташқи савдо баланси қолдиғи динамикасида бекарорлик кузатилди. 2010-2014 йилларда ташқи савдо баланси қолдиғи пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2014 йилда ҳатто ташқи савдо баланси дефицити юзага келган (2-расм). 2017 йил якуни бўйича ташқи савдо балансининг ижобий қолдиғи 854 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу эса сўнгги олти йилдаги энг яхши кўрсаткичидир.



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо баланси қолдиғи ва унинг ўзгариши динамикаси, млн. АҚШ доллари<sup>4</sup>**


Ҳозирги кунда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилмоқда. Бинобарин, 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузиленган.

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида иқтисодиётимизни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири эканлиги ва бу мақсадда экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишимиз, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантиришимиз зарурлиги таъкидланди.

Айни пайтда, капитал ҳаракатини тартибга солиш, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ҳам иқтисодий ўсиш нуқтайи-назаридан муҳим омиллардан ҳисобланади. 2018 йил якуни бўйича мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициянинг ялпи ҳажми 1,8 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Ваҳоланки, 2017 йилда бу кўрсаткич 2,6 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. Бунга асосий сабаб сифатида асосан нефть-газ секторига бўлган инвестицияларнинг камайишини келтириш мумкин.

Шу билан бирга, жорий йилда хорижий инвесторлар томонидан реинвестиция қилинган даромадлар миқдори 46%га ўсиб, 693 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг динамикаси, (млрд. долл.)<sup>5</sup>**

3-расм маълумотлари кўрсатишича, 2012-2018 йилларда Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзининг умумий ҳажми 2018 йил бошидан 9,5% га ёки 1,5 млрд. АҚШ долларига ошган ҳолда 2019 йил 1 январь ҳолатига 17,3 млрд. долларни ташкил қилди.

Хусусий ташқи қарзининг иқтисодиёт секторлари бўйича таҳлилиниң кўрсатишича, нефть, газ ва энергетика секторининг хусусий ташқи қарздаги салмоғи юқорилигича қолмоқда. Хусусан, ушбу сектор ҳиссасига 2018 йилда жами хусусий ташқи қарзининг қарийб 75 фоизи тўғри келган. Хусусий ташқи қарз бўйича навбатдаги етакчи сектор – бу банк сектори ҳисобланиб, унинг жорий йилдаги улуши 13,6 фоизга тенг бўлган.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Тўлов баланси, ҳалқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи. 2018 й. Ҳисоботи маълумотлари.

Таъкидлаш ўринлики, 2018 йил якунига кўра республикамиз умумий ташқи қарзи таркибида 10 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган қарз мажбуриятларининг салмоғи 88,6 фоизни ташкил этади.

Фикримизча, мамлакатимизда капиталлар ҳаракати бўйича валюта операциялари тўлиқ эркинлаштирилмаган шароитда, миллӣ иқтисодиётга хорижий инвесторларни жалб қилишда икки йўналишда ишларни ташкил этиш муҳимдир:

Биринчидан, мамлакат суверен кредит рейтингини яхшилаш орқали хорижий инвесторлар учун риск даражасини пасайтириш ва шундан келиб чиқиб жалб қилинадиган капитал нархини пасайтириш имкониятини яратиш.

Иккинчидан, акциядорлик жамиятлари ва хўжалик юритишнинг бошқа ташкилий-хуқуқий шаклларида хорижий инвесторлар улушини ошириш, хорижий инвесторларнинг мазкур корхоналар бошқарувидаги иштироки ва менежменти устидан назорат қилиш ваколатларини кафолатлаш.

Таъкидлаш лозимки, биринчи йўналишда олинган муҳим натижалардан бири мамлакатимизнинг халқаро суверен рейтингига эга бўлишидир. 2018 йилнинг охирига келиб, Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг миллӣ ва хорижий валютадаги узоқ муддатли рейтингини «BВ-» даражасида белгилади. Мамлакатимизнинг миллӣ ва хорижий валютадаги қисқа муддатли рейтинги эса «B» даражасида ўрнатилди.


2019 йилнинг февраль ойига келиб, Ўзбекистоннинг умумий 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги 5 ва 10 йил муддатга чиқарилган евро облигациялари Лондон фонд биржасида муваффақиятли жойлаштирилди. Евро облигацияларнинг сўндириш муддатлари мос равищда 2024 ва 2029 йилларнинг февраль ойларига тўғри келади.

Иккинчи йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган таъсирчан чоратадбирлар сифатида акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни фаол жалб этиш, хўжалик жамиятлари ижро органини тайинлашнинг фақатгина танлов асосида бўлиши ва унда хорижий менежерларнинг иштирок этиши мумкинлиги, бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезонларининг кучайтирилиши кабиларни келтириш мумкин.

Капиталлар ҳаракатини тўлиқ эркинлаштириш масаласи узоқ муддатли истиқболда долзарблиқ касб этса, жорий операциялар бўйича эркин конвертацияни таъминлаш нафақат ташқи савدونи ривожлантириш, балки миллӣ иқтисодиётга киритилган хорижий инвестициялардан олинган даромадлар репатриацияси учун ҳам бирдек муҳимдир. Расман жорий халқаро валюта операциялари бўйича конвертация 2003 йил 15 октябрда амалга оширилган бўлсада, амалиётда импортни чеклаш характеристидаги конверсион операциялардаги муддат жиҳатдан кечикишлар, биржадан ташқари банклараро валюта бозорида хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олишда қатор чекловлар сақланиб қолган эди. Натижада норасмий параллел бозор курси (“кора бозор” курси) ва расмий курс ўртасида сезиларли даражада тафовут юзага келди. Бу, ўз навбатида, миллӣ иқтисодиёт инвестицион жозибадорлигига, хусусан, ускуна ва жиҳозларлар импортининг кечикиши ҳисобига иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидағи модернизация жараёнларига салбий таъсир кўрсатди.

Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш шу вақтгача амалга ошириб келинган валюта сиёсатини қайта кўриб чиқиш, илфор жаҳон тажрибаси ва бозор механизмлари асосида уни эркинлаштиришни тақозо қилмоқда [Нурмуратов, 2017]. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони ўта муҳим қадам бўлди. Мазкур фармон билан республикамизда валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш хуқуқларини рӯёбга чиқарishни тўлиқ таъминлаш, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш, валюта сиёсатининг

янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш шулар жумласидандир.




#### **4-расм. Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан алмашув курси динамикаси**

2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сўмнинг АҚШ долларига нисбатан расмий курсини 8100,0 сўм этиб белгилади. Бу эса, сўмнинг юқори суръатдаги девальвацияланиши эди (4-расм). Таққослайдиган бўлсак, мазкур курс ўтган ҳафтадаги 4210,35 сўмдан 3889,65 сўмга юқори бўлиб, девальвация суръати 92,4 фоизни ташкил этган.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Ҳукумати томонидан эрkin валюта конвертациясининг жорий этилиши оқибатларини юмшатишга тезкор киришилди ва таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ва ликвидлиларини ошириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий аҳамиятга эга товарлар нархининг кескин ошишини олдини олиш каби чоралар кўрилди, иқтисодиётдаги инфляцион босимнинг ортганлиги ҳисобга олиниб, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси амалдаги 9 фоиздан 14 фоизга оширилди. 2018 йилнинг 25 сентябридан бўён Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 16 фоиз даражасида сақланиб келмоқда.

Айни пайтда, валютада бозорида сўмнинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан алмашув курси шаклланиши жараёнида бозор механизмларига таяниш валюта соҳасида амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсатига тўлиқ жавоб бергани ҳолда, алмашув курсларидаги тебранишлар даражасининг ортишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу эса Марказий банкнинг алмашув курсларидаги кескин тебранишларнинг олдини олиш мақсадида валюта бозоридаги талаб ва таклифга таъсир этиш имкониятига эга бўлиши ва шу мақсадда етарлича хорижий валютадаги активлар билан таъминланишини тақозо этади.



**5-расм. Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари, млн.АҚШ долларида<sup>6</sup>**

2019 йилнинг бошига келиб, Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари ўтган йил бошига нисбатан 3,5 фоизга камайган ва 27081,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган (5-расм). Бундан кўринадики, расмий олтин-валюта захираларининг ҳажми мамлакатимизнинг тўлов қобилияти ва халқаро ликвидилигини таъминлашнинг асосини ташкил этгани ҳолда, жорий шароитларда импортни қоплаш ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш борасида ортиқча рискларга эга эмаслигимиздан далолат беради. Бундан ташқари, олтин-валюта захиралари ҳажмининг етарли бўлиши Марказий банкнинг валюта сиёсатини самарали амалга ошириш салоҳияти нуқтайи-назаридан ҳам ижобий ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Умуман олганда, тўлов балансига монетар ҳодиса сифатида қараш ва уни тартибга солиш учун фақатгина пул-кредит ва валюта сиёсати дастакларидан фойдаланиш етарли бўлмайди. Чунончи, тўлов баланси мамлакатнинг умумий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳияти, ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ҳам ифодалайди. Шу боисдан, тўлов балансини тартибга солища монетар ва валюта механизмларидан фойдаланиш билан чекланмасдан, юқори қўшилган қийматни таъминловчи ишлаб чиқариши кенгайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатдаги тадбиркорлик ва инвестицион мухитни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва бу жараёнда монетар ва фискал-бюджет сиёсатининг дастаклари комбинациясидан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Хорижий инвесторлар учун ҳукумат облигациялари жозибадорлигини ошириш имконияти мамлакатнинг суверен кредит рейтинги мавжуд эмаслиги ҳисобига чекланиб қолмоқда. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун корпоратив сектор ролини оширишда компаниялар акцияларининг муайян улушини хорижий инвесторларга мажбурий тарзда сотишни белгилашдан кўра, хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятларидаги улушкини оширишни рағбатлантиришга

<sup>6</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари (<http://cbu.uz/uzc/press-tsentr/press-relizy/2018/04/107405/>).

**Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х.**  
**ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТҮЛОВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ  
ЖИҲАТЛАРИ**

қаратилган чораларни кўриш, солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни жорий этиш самаралироқ бўлиши мумкин.

Фикримизча, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишида қўйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- тўлов баланси ҳолатининг мамлакат тўлов қобилияти ва халқаро ликвидилигига таъсирини ҳисобга олиб, унинг актив салдосини қўллаб-қувватлашга доир комплекс чоралар ишлаб чиқилиши зарур. Хусусан, Ўзбекистонда ташқи савдо баланси дефицитига йўл қўймаслик учун етакчи тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш, юқори қўшилган қийматли илмий-сифимили товар ва хизматлар улушини ошириш, инновацияларни хўжалик бошқаруви ва ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жорий этиш, истиқболли бозорларни ахтариш ва уларга кириб боришнинг самарали йўлларини топиш муҳимdir;

- валюта алмашув курсининг тўлов баланси ва унинг таркибий қисмларига таъсири Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мунтазам равишида мониторинг қилиниши, сўмнинг асосий савдо ҳамкорлар валюталарига нисбатан реал алмашув курси ошиб кетмаслигига қаратилган сиёsat қўллаб-қувватланиши зарур;

- Марказий банкнинг зарур ҳолларда валюта бозоридаги талаб ва таклифга сезиларли таъсир эта олиши учун валюта захираларини етарли даражада сақлаб туриш, интервенцияни амалга оширишнинг аниқ стратегиясига эга бўлиш талаб этилади;

- иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш суръатларидан келиб чиқиб, ускуна ва жиҳозлар импортининг ошиши ҳисобига юзага келадиган ташқи савдо баланси дефицитини молиялаштиришда мўътадил ташқи қарз сиёsatига амал қилиш керак;

- миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада кенгайтириш мақсадида қисқа муддатли истиқболда мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини янада яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш ва амал ошириш зарур;

- хорижий инвесторлар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг инвестицияларини валюта рискидан ҳимоялаш мақсадида маҳаллий компаниялар томонидан хорижий валютадаги қимматли қофозлар эмиссиясини ташкил этиш лозим;

- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, экспорт салоҳиятини таъминлаш ва ўксалтириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолиги учун тайёргарлик жараёнларида миллий иқтисодиётнинг таъсирчан тармоқларини аниқлаш ва уларни давлат томонидан субсиядиялаш имкониятларини сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратиш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Нурмуратов М. Банк хизматлари халқ манфаати йўлида: янгиланиш, синовлар ва истиқбол // <http://cbu.uz/uzc/press-tsentr/stati/2017/09/93197/>.

Bernanke B. S. (2005). Remarks at Sandridge lecture. Virginia Association of Economics, The Global Saving Glut and the U.S. Current Account Deficit. Richmond, VA. March, – URL: <http://www.federalreserve.gov>

Broz, J. Lawrence; Duru, Maya J.; Frieden, Jeffry A. (2016). Policy Responses to Balance-of-Payments Crises: The Role of Elections// Open economies review, April, Volume 27, Issue 2, pp 207–227.

Feldstein M. (2008). Resolving the Global Imbalance: The Dollar and the U.S. Saving Rate // Journal of Economic Perspectives. -- Vol. 22(3).

Gourinchas, P.-O., Rey, H., Govillot N. (2010). Exorbitant Privilege and Exorbitant Duty. IMES Discussion Paper № -E-20, August 2010. P 6.

Johnson, H. G. (1958). Towards a general theory of the balance of payments. In International Trade and Economic Growth. Cambridge University Press, Cambridge,

**Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х.**  
**ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТҮЛӨВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ  
ЖИХАТЛАРИ**

Krugman, P. (2010). More On The Exchange Rate And The Trade Balance, April 7,-  
URL: <http://krugman.blogs.nytimes.com/2010/04/07/more-on-theexchange-rate-and-the-trade-balance>.

Guitton, M. (1973). "Credit versus Money as Instrument of Control" IMF Staff Paper.

Raheja, N. (2010). Cause of U.S. Current Account Deficit – Savings Rate or Pegged Exchange Rate? April 14, -[URL: http://seekingalpha.com/article/198705-causeof-u-s-current-account-deficit-savings-rate-or-peggedexchange-rate](http://seekingalpha.com/article/198705-causeof-u-s-current-account-deficit-savings-rate-or-peggedexchange-rate).

## О перспективах присоединения Республики Узбекистан к Индексу глобальной конкурентоспособности Всемирного экономического форума

А. Бекмурадов, Ж. Исмаилов

**Ключевые слова:** Индекс глобальной конкурентоспособности, выборка, размер и основа выборки, опрос.

**Аннотация:** Одной из задач Фонда «Эл-юрт умиди» является подготовка и широкое распространение журналов, научных сборников с аналитическими материалами, как отечественных, так и зарубежных экспертов, в том числе соотечественников, касательно хода реализации общественно-политических и социально-экономических реформ в Узбекистане. В структуре управления фонда действует отдел научных проектов и редакция журнала "Uzbridge", сотрудники которых осуществляют различные научные проекты. Однако не только они, но и другие специалисты Фонда вовлечены в научно-исследовательскую деятельность. В данной статье речь идет об одной из таких инициатив.

### Введение

Страны мира проводят активную работу по присоединению к глобальным индексам. Это связано со следующими причинами:

- иностранные инвесторы используют глобальные индексы для анализа и принятия инвестиционных решений: отсутствие сравниваемых в межстрановом формате данных по стране приводит к невозможности проведения такого анализа и в результате данная страна исключается из исследования;
- посредством участия в глобальных экономических индексах определяются глобальное место страны и его сравнительные преимущества; эта информация используется для различных PR-кампаний по продвижению иностранных инвестиций;
- участие в глобальных индексах позволяет выявлять сравнительные преимущества других стран, и в результате определять направления дальнейших реформ по улучшению инвестиционного климата.

Одним из таких индексов является Индекс глобальной конкурентоспособности (ИГК) Всемирного экономического форума (ВЭФ). Наша республика пока не участвует в данном индексе. Наши исследования показателей ИГК свидетельствуют, что они наиболее адекватно оценивают состояние инвестиционной привлекательности той или иной экономики. Например, в рамках определения указанного рейтинга путем использования международной статистики и опроса руководителей крупных компаний оцениваются такие показатели, как: качество институтов; инфраструктура; макроэкономическая стабильность; здоровье и начальное образование; высшее образование и профессиональная подготовка; эффективность рынка товаров и услуг; эффективность рынка труда; развитость финансового рынка; уровень технологического развития; размер внутреннего рынка; конкурентоспособность компаний; инновационный потенциал. Наша модель с панельными данными, состоящими из 127 стран за 10-летний период (с 2007 по 2017 годы) показал, что увеличение в индексе ИГК на один пункт приводит к 0,95%ному росту привлечения прямых иностранных инвестиций в страну.

Учитывая важность данной проблематики специалистами Фонда «Эл-юрт умиди» реализовывается научно-исследовательский проект «Ўзбекистонда инвестицион мұхитни янада яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш мақсадида глобал иқтисодий ва инновацион ривожлантириш индексларида иштирокини кенгайтиришни илмий-услубий тадқиқ қилиш».

## **Обзор литературы**

Реализация данного научно-исследовательского проекта сыграла одну из ключевых ролей в продвижении идеи о присоединении нашей страны к Индексу глобальной конкурентоспособности. В частности, члены научно-исследовательского проекта выступили более чем в 10 научно-практических конференциях и семинарах с презентациями, в которых обосновывались и продвигались идеи о необходимости присоединения республики к Индексу глобальной конкурентоспособности.<sup>1</sup>

Кроме того, членами научно-исследовательского проекта были подготовлены и опубликованы 7 статей по данной проблематике в ведущих национальных журналах и газетах, а также 6 тезисов.<sup>2</sup>

Данные предложения были услышаны государственными органами и с начала 2019 года были приняты два нормативно-правовых акта, в которых даются соответствующие поручения государственным органам по присоединению к Индексу глобальной конкурентоспособности.

Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5635 от 17 января 2019 г. «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» был утверждён Перечень министерств и ведомств, ответственных за улучшение позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и отдельных составных индикаторах (см. Приложение № 3 к Указу). Согласно данному документу Министерство финансов определено как ответственный орган за Индекс глобальной конкурентоспособности.

Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4210 от 25 февраля 2019 года «О мерах по повышению позиций Республики Узбекистан в международных индексах и рейтингах» поручено создание Национальной системы мониторинга и оценки позиции Республики Узбекистан в международных рейтингах. В качестве первоначального этапа формирования деятельности данной системы поручено закрепить за исследовательскими институтами республики отдельные международные индексы, возложив на них задачи по определению методологических и иных составляющих международных рейтингов, имплементации их в действующее законодательство, выявлению основных факторов, определяющих низкие показатели Республики Узбекистан в международных рейтингах и др.

За Институтом стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан был закреплён Индекс глобальной конкурентоспособности.

Таким образом, исследовательский проект сыграл одну из важных ролей в принятии идеи о необходимости вхождения Республики Узбекистан в Индекс глобальной конкурентоспособности.

В настоящее время перед научно-исследовательской группой стоят две задачи.

Первое, оценить положение Узбекистана в соответствие с методологией Всемирного экономического форума в целях определения возможного места страны в рейтинге

<sup>1</sup> Например, Бекмурадов А.Ш.. Драйверы экономического роста в Узбекистане на фоне международных сравнений: анализ ключевых индексов экономического и инновационного развития стран. Презентация в международной научно-практической конференции «Банковско-финансовая система и её роль в дальнейшем повышении конкурентоспособности национальной экономики», г. Ташкент, 24 октября 2017 года.

<sup>2</sup> Бекмурадов А.Ш., Исмаилов Ж.Н. Активное участие на международных индексах и рейтингах как важнейший инструмент усиления инвестиционного климата в Узбекистане. Экономический вестник Узбекистана №4 2018 г.

глобальной конкурентоспособности и разработать соответствующие предложения по улучшению позиции страны.


Второе, разработать и представить на рассмотрение Министерству финансов детальный план вхождения Республики Узбекистан в рейтинг Индекса глобальной конкурентоспособности.

В текущее время научно-исследовательская группа планирует организацию опроса для расчёта отдельных индикаторов ИГК для Узбекистана.

#### **Методология исследования**

С детальным обзором методологии расчёта Индекса глобальной конкурентоспособности можно ознакомиться в Отчётах глобальной конкурентоспособности.<sup>3</sup> Компоненты (показатели) данного индекса сгруппированы в нижеследующие 12 слагаемых (столпов) экономической конкурентоспособности:

**Рис.1. Составляющие Глобального индекса конкурентоспособности**



**Источник:** Klaus Schwab, World Economic Forum. Insight Report -The Global Competitiveness Report 2017–2018., С. 12.

Большинство показателей (двух трети) индекса рассчитывается по результатам опроса руководителей субъектов крупного, среднего и малого бизнеса.

<sup>3</sup> См отчёт за 2018 год по ссылке <https://www.weforum.org/reports/the-global-competitiveness-report-2018>

## Анализ и Обсуждение

Текущий вопросник опроса содержит 148 вопросов, разделённых на 15 разделов. В большинстве вопросов респондентам предлагается оценить по шкале от 1 (считающейся одной из худших в мире) до 7 (считающейся одной из лучших в мире) конкретные аспекты деловой среды в стране, в которой осуществляется предпринимательскую деятельность респондент.

Опрос должен быть проведён в определенно сжатые сроки для нивелирования сезонных и иных факторов при сборе данных.

**Рисунок 2. Основа выборки**



сельское хозяйство, обрабатывающая промышленность (добычи полезных ископаемых, электроэнергетика, газ и водоснабжение, строительство) и услуги.

- Обеспечивая представленность как больших (более 250 занятых), так и средних и малых предприятий (249 и менее), и опять же в разрезе секторов экономики. По крайней мере, одна треть компаний должны быть крупными, другая треть малыми, а оставшаяся третья должна быть определена структурой экономики через доли ВВП и размером компаний.
- Обеспечивающая достаточно широкий географический охват.

Опрос может быть проведён в различных форматах, включая очные (лицом к лицу) или телефонные интервью с руководителями предприятий, посредством направления бумажных вопросников или онлайн опросов. Для снижения временных и финансовых затрат ВЭФ рекомендует использование онлайн инструментов для опроса.

Наш опрос может включать проведение очных интервью или онлайн опроса посредством использования инструментария SurveyMonkey (<https://ru.surveymonkey.com/> ).

Нижеследующее формула расчёта размера выборки (при использовании метода простого случайного отбора).

Для осуществления выборки субъектов предпринимательства необходимо составить так называемую основу выборки (сведения о генеральной совокупности), представляющую собой полный (или хотя бы достаточно большой) список (руководителей) субъектов предпринимательства из различных секторов экономики (см. рис.2).

Основа выборки должна быть разделена на два списка: один список должен включать только крупные предприятия, а второй все остальные (оба списка должны включать предприятия различных секторов экономики). Для снижения возникновения смещённых оценок, компании отбираются из обоих списков.

Основа выборки должна отражать структуру экономики/страны:

- Через доли секторов в ВВП:

сельское хозяйство, обрабатывающая промышленность, необрабатывающая

промышленность (добычи полезных ископаемых, электроэнергетика, газ и

водоснабжение, строительство) и услуги.

$$n = \frac{z^2 \cdot p \cdot q}{e^2}$$

где

n – объем выборки;

z – нормированное отклонение, определяемое исходя из выбранного уровня доверительности. Этот показатель характеризует возможность, вероятность попадания ответов в специальный - доверительный интервал. На практике уровень доверительности часто принимают за 95%. Тогда значения z будут соответственно 1,96

p – вариация для выборки, в долях. По сути, p - это вероятность того, что респонденты выберут той или иной вариант ответа. Допустим, если мы считаем, что четверть опрашиваемых выберут ответ «Да», то p будет равно 25%, то есть p = 0,25, в этом случае q=1-p, то есть 0,75.

Если значения вариации не известны (как в нашем случае), то за p берут значение 0,5. В этом случае обеспечивается наибольшее значение стандартных ошибок.

Таким образом, используя данную формулу и значение p, равное 0,5, мы получаем объём выборки в размере 384 единиц.

Кроме этого, данное значение необходимо умножить на коэффициент неполучения ответов. В Узбекистане уровень отказов составляет примерно 5-10%. Соответственно объём выборки увеличиваются на 5-10%. Учитывая временные и финансовые ограничения предлагается опросить 400 руководителей предприятия.

## **Заключение**

Данный объём выборки обеспечит получение данных по одному домену, т.е. по Республики в целом и по всем предприятиям в целом. После сбора данных необходимо будет произвести редактирование базы посредством нескольких статистических тестов и регрессий (univariate linear regression, inter-quartile range test и т.д.) для нахождения и удаления из базы данных резко отклоняющихся значений переменных (outliers).

Данные опроса послужат для расчёта значений показателей Индекса глобальной конкурентоспособности для Узбекистана, которые будут проанализированы и представлены на ваше внимание в последующих наших статьях.

## **Литература**

Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5635 от 17 января 2019 г. «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития»».

Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4210 от 25 февраля 2019 года «О мерах по повышению позиций Республики Узбекистан в международных индексах и рейтингах».

Dillman, D. A., Smyth, J. D. PhD, Christian, L. M. PhD. (2014). Internet, Phone, Mail, and Mixed-Mode Surveys: The Tailored Design Method. Wiley; 4 edition (August 18).

**Бекмуродов А.Ш., Исмаилов Ж.**

*О перспективах присоединения Республики Узбекистан к Индексу глобальной конкурентоспособности  
Всемирного экономического форума*

Fowler, F. J. (2013). Survey Research Methods (Applied Social Research Methods). SAGE Publications, Inc; Fifth edition (September 18).

Schwab, K. (2018). The Global Competitiveness Report. World Economic Forum

William G. Cochran. Sampling Techniques, 3rd Edition

## ХУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Р.Х.Ташматов, и.ф.н.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази,  
докторант (DcS)

Email: rustam9837@mail.ru

**Аннотация:** Мазкур мақолада ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ер майдонидан самарали фойдаланиш муаммолари аниқланган, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ёритилган ҳамда маҳаллий ва хорижий амалиётидан келиб чиқсан ҳолда ердан фойдаланиш институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** аграр соҳа, дехқон хўжалиги, фермер хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхонаси, ердан фойдаланиш, институционал механизм.

**Аннотация.** В данной статье выявлены проблемы эффективного использования сельскохозяйственных угодий в регионах, раскрыты причины их возникновения, а также исходя из местного и зарубежного опыта, даны научно обоснованные предложения по совершенствованию институциональных механизмов землепользования.

**Ключевые слова:** аграрная сфера, дехканское хозяйство, фермерское хозяйство, сельскохозяйственное предприятие, землепользование, институциональный механизм.

**Abstract.** This article identifies the problems of effective use of agricultural land in the regions, reveals the causes of their occurrence, as well as, provides evidence-based proposals to improve the institutional mechanisms of land use on the basis of local and foreign experience.

**Keywords:** agriculture, dehkan farm, farm, agricultural enterprise, land use, institutional mechanism.

### Кириш

Маълумки, Республикаизда аграр соҳаси етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Яқин истиқболда ушбу тармоқ ўз мавқейини сақлаб қолади, Республикаизда аҳоли сони ўсмоқда, айниқса қишлоқ жойларда, бу эса озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланади. Республикаизда ер ресурслари, айниқса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар чекланганлиги инобатга олиб, бу муаммо янада кескин тус олиши мумкин. Шу муносабат билан охирги пайтларда аграр соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, яқин ва узоқ муддатда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришни белгилаб берувчи асосий ҳужжат – «Ҳаракатлар стратегияси» учинчи йўналишнинг З банди «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш» деб олиниши бунга яқол мисол бўла олади [1]. Шуни инобатга олиб, 2017-2019 йилларда қабул қилинган давлат дастурлари [2-4]да бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ҳам республикаизда қишлоқ хўжалиги муҳим тармоқларидан бири эканлигини тасдиқлайди. Бироқ қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамай, бу борада салбий тенденция кузатилмоқда. Жумладан, 2017

йилда 2016 йилга нисбатан деярли барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кесимида ишлаб чиқариш ҳажми пасайган. Ушбу кўрсаткичлар экиладиган майдонларнинг таркибида ўзгаришлар туфайли рўй берди. 2016-2017 йилларда умумий экин майдони 3706,7 минг гектардан 3474,5 минг гектаргача, яъни 232 минг гектарга (6,7 фоиз), шундан дон экинлари 2,0 фоиз, пахта 5,3 фоиз, картошка - 7,4 фоиз, сабзавотлар - 8,6 фоиз, полиз экинлари - 12,4 фоиз, узум - 2,9 фоиз, узум - 14,6 фоиз, озуқа экинлари 37,0 фоизга камайган. Шунингдек, экинлар ҳосилдорлиги ҳам (гарчи 1991-2017 йиллар мобайнида барча экинлар (пахтадан ташқари) ҳосилдорлиги ошган бўлса ҳам) 2016-2017 йилларда (пахта ва узумдан ташқари) камайиши кузатилган. Хусусан, дон ҳосилдорлиги 11,8 фоиз, картошка - 3,2 фоиз, сабзавот - 6,5 фоиз, полиз - 5,5 фоиз, мевалар - 11,8 фоизга камайган [47]. Бу эса ердан фойдаланиш самарадорлик даражаси пасайганлигидан далолат беради. Мазкур мақола айнан ушбу муаммонинг ечимини топишга бағишлиланган.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили**

Ердан самарали фойдаланиш бўйича назарий ва методологик асослари кўплаб чет эл ва республикамиз олимлар-назариячилари ва мутахассис-амалиётчилари томонидан яратилган. Хусусан мазкур муаммо Max Weber [16] ва ҳозирги замон тадқиқотчи ва олимлари Karen E., Steve Padgett Vásquez, Jaap Jan Schröder, Dunstan Gabriel Msuya, Mohamed Ali Mohamed, Tilman, D., Cassman, K.G., Matson, P.A., Naylor, R. and Polasky, S, Kotschi, J, Gerbens-Leenes, P.W. and Nonhebel, S., Oleson, J.E. and Bind, M. [7,8, 10-16] ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, ер муносабатлари ва ердан самарали фойдаланиш масалалари Чаянов А.В., Еренов А.Е., Югай А.М., Строева Е.С., Милосердов В.В., Петриков А., Садков В., Юданов А.Ю, Быстров Г.Е. [42, 28, 45, 29, 30, 33, 35, 44, 27] ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ер муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари Республикализ олимлари Р.Хусанов, Б. Беркинов, Ў.Умурзоқов, Т.Фармонов, Н.Хушматов, З.Абдуллаев [40, 26, 37, 38, 41, 17] ва бошқа олимларнинг тадқиқотида ўз аксини топган.

Аммо ушбу олимларнинг тадқиқотларида Республикализда охирги пайтларда юзага келган тенденция ва истиқболда "Ҳаракатлар стратегияси"да амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларнинг амалга ошириш натижалари инобатга олинмаган. Бу эса мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, хусусан қишлоқ хўжалиги ер майдонлари чекланган шароитида улардан янада самаралироқ фойдаланишни тақозо қилмоқда.

### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақоланинг мақсади худуд ва мулкчилик шакллари кесимида ердан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат. Ушбу мақола мавзусини ёритишида статистик, таққослама, эксперт баҳолаш, таҳлил ва бошқа усувлардан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Маълумки, айни пайтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликлари етакчилик қилмоқда. Бу хўжаликларда 63,6 фоиздан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти яратилмоқда. Шу билан бирга фермер хўжаликлари ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришга салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Уларнинг улуши 34,7 фоизни ташкил қиласди [47].

Шуни таъкидлаш керакки, 2017 йил боши ҳолатига кўра, умумий экин майдонида 83,8 фоиз, шу жумладан дон экинлари ер майдони – 85,2 фоиз, пахта экин майдони 83,8 фоиз фермер хўжаликларига тегишли, картошка ва сабзавот экин майдони эса кўпроқ дехқон

хўжаликларига улушларига тўғри келади (уларга мос равища 86,4 ва 68,4 фоизни ташкил этган). Аммо дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибини кўрадиган бўлсак, дехқон хўжалигига 50,8 фоиз, фермер хўжаликларига 48,3 фоиз тўғри келди. Бунда дон ва пахта ҳосили асосан фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда (уларга мос равища 78,7 ва 99,4 фоиз). Қолган дехқончилик маҳсулотлари (картошка, сабзавот, мева, резаворлар ва узум) дехқон хўжаликлари томонидан яратилмоқда (1-жадвал).

**1-жадвал****Турли мулкчилик шаклдаги қишлоқ хўжалиги субъектларининг ялпи қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши (2017 йил), (фоиз)1**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги корхоналари</b>	<b>Дехқон хўжаликлар</b>	<b>Фермер хўжалилар</b>
Ер майдонидаги улуши	2,6	13,6	83,8
Шу жумладан: дон экинлари	2,6	12,2	85,2
пахта	0,8	0,0	99,2
картошка	1,4	86,4	12,2
сабзавотлар	2,6	68,4	29,0
Дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши	0,9	50,8	48,3
шу жумладан: дон экинлари	1,6	19,7	78,7
пахта	0,6	-	99,4
картошка	0,6	84,0	15,4
сабзавот	1,3	69,4	29,3
мева ва резаворлар	1,8	61,4	36,8
узум	1,4	53,0	45,6

Ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги нуқтаи назардан кўрадиган бўлсак, асосий экин турлари бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичи дехқон хўжаликларида юқори. Аммо 1 гектар ер майдонидан олинган ўртача тушум фермер хўжаликларига тегишли. Бу фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдони кўп ва бир гектар ерга тўғри келадиган сарф-харажатлар (минерал ўғит, ерни ҳайдаш, ҳосилни йиғиш ва бошқа харажатлар) камлиги билан изоҳланади (2-жадвал).

**2-жадвал.****Турли мулкчилик шаклдаги қишлоқ хўжалиги субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги (2017 йил), (фоиз)2**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги корхоналари</b>	<b>Дехқон хўжаликлар</b>	<b>Фермер хўжалилар</b>
<b>Ҳосилдорлик</b>				
дон экинлари	ц/га	27,1	54,6	37,9
картошка	ц/га	91,4	225,3	178,1
сабзавотлар	ц/га	206,4	272,8	212,0
полиз	ц/га	67,9	233,3	169,8
<b>Ишлаб чиқаришунумдорлиги</b>				
1 гектар экин майдонидан олинган ўртача тушум	минг сўм/га	4658,0	50413,6	7779,1
<b>Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (ўтган 2016 йилга нисбатан)</b>				
дон экинлари	%	98,6	95,5	112,9
пахта	%	98,0	-	110,1
картошка	%	94,2	104,3	99,8
сабзавот	%	96,2	104,3	95,4
полиз	%	98,6	106,2	108,4
мева резаворлар	%	98,3	103,7	96,4


<sup>1</sup> Манба: жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Манба: жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Гўшт (тирик вазнда)	%	119,2	104,6	104,8
сут	%	101,8	103,9	117,3
тухум	%	98,3	113,8	98,8
жун	%	86,2	102,3	84,4
қоракўл тери	%	105,2	102,6	107,7
пилла	%	45,8	-	74,0

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш суръатини кузатадиган бўлсак, дон экинлари, пахта, сут маҳсулотлари ва қоракўл терини ишлаб чиқариш ҳамда қўй ва эчкилар сони ўсиш суръатлари фермер хўжаликлари, гўштни ишлаб чиқариш ҳамда паррандалар сони ўсиш суръати эса – қишлоқ хўжалиги корхоналарда юқори, қолган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръатлари дехқон хўжаликларида кузатилган.


Худудлар кесимида кузатадиган бўлсак, дехқон хўжаликларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотидаги энг юқори улуши Сурхондарё (69,3 %), Навоий (68,0 %), Бухоро (68,4 %), Наманган (68,0 %) вилоятларда, фермер хўжаликларининг энг юқори улуши - Самарқанд (42,5 %), Сирдарё (40,9 %), қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши Тошкент (4,3 %), Навоий (3,1 %) вилоятларда энг юқори эканлиги кузатилган (1-расм).



**1-расм. Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тақсимоти (2017 йил)<sup>3</sup>**

Ердан фойдаланиш үнумдорлигини кузатадиган бўлсак, гарчи Қашқадарё (13,6 %), Жizzах (10,3 %) ва Самарқанд (10,1 %) вилоятларда энг кўп экин майдони бўлса ҳам, аммо 1 гектар ер майдонидан олинган даромад Навоий (39813,0 минг сўм), Андижон (33889,9 минг сўм) ва Тошкент (28091,7 минг сўм) вилоятида юқори (2-расм).

<sup>3</sup> Манба: расм ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



**2-расм. Худудларда экин майдони (минг га) ва 1 гектар ер майдони ҳисобига олинган тушум (минг сўм) (2017 йил)<sup>4</sup>**

#### Тақдиidot натижалари муҳокамаси

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аграр соҳага асосланган ҳолда олиб борилаётган институционал ислоҳотлар туфайли учта тоифадаги хўжаликлар (фермер, дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари) шаклланди ва ривожланмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, дехқон хўжаликлари кўп йиллар мобайнида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини яратмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кесимида олиб борилган таҳлиллар асосий дехқончилик маҳсулотлари (дон ва пахтадан ташқари) ҳамда аксарият чорвачилик маҳсулотлари (уларга мос равишда 50,8 % ва 92,1%) дехқон хўжаликлари улушига тўғри келганлигини кўрсатди. Бунинг асосий сабаби дехқон хўжаликларида мавжуд ресурслар (шу жумладан ер ресурслар)дан унумли фойдаланилмоқда. Хусусан, асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (дон ва пахтадан ташқари) бошқа хўжалик субъектларига қараганда юқори. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ҳам юқори. Дехқон хўжалигида 2011-2017 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йиллик ўсиш суръати ўртача 107,5%ни ташкил этган, фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 106,6 %, қишлоқ хўжалиги корхоналарида 103,7 %ни ташкил этган. Бундай ҳолат ҳудудларда ҳам кузатилмоқда. Буни бир нечта сабаблари билан изоҳлаш мумкин:

- биринчиidan, мамлакатимиз ҳудудида дехқон хўжаликлари азалдан фаолият кўрсатмоқда, яъни ушбу хўжаликларда асрлар давомида шаклланган хўжалик юритиш анъаналари сақланган;
- иккинчиidan, дехқон хўжаликларига ажратилган ер майдони нисбатан кичик, бу эса экин майдондан янада самарали фойдаланишга имкон беради;
- учинчиidan, дехқон хўжаликлари оила аъзолари меҳнатига асосланган хўжалик бўлиб, унда норасмий институтлар кўпроқ амал қиласди. Бу эса дехқончилик аъзолари ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш ва бажариш пайтида кам харажат (вақт йўқотишлар)га олиб келади;
- тўртинчиidan, дехқон хўжаликларига ер майдони умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан берилади. Бу ҳам ер майдонидан унумли фойдаланиш учун муҳим омил ҳисобланади;

<sup>4</sup> Манба: расм ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

- бешинчидан, дәхқон хўжаликларининг мобиллик даражаси юқори, яъни бозордаги ўзгаришларга тезроқ мослашади;

- олтинчидан, дәхқон хўжаликлари оиласибий бизнеснинг бир тури ҳисобланади, бу эса оила даромадини кўпайтиришга хизмат қилди. Бу жараёнда вояга етмаган оила аъзолари ҳам меҳнатга жалб қилинган.

Шуларни инобатга олиб, келгусида иқтисодиётимизнинг, шу жумладан қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатини таъминлашда дәхқон хўжаликларида ҳукм сураётган мухитни охирги пайтларда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий институти ҳисобланган фермер хўжалигига жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Охирги йилларда ҳудудларни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ҳусусан, олимларимиз томонидан Ўзбекистон минтақалари рақобатбардошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш [32], ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш [21], ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш [24], аграр сиёсатни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш [23], ер ресурсларини тармоқлараро тақсимотида қишлоқ хўжалигининг устуворлигини таъминлаш [34], қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш [19], қишлоқ хўжалигига ўсимликларни биологик усулда ҳимоялаш тизими самарадорлигини ошириш [19], қишлоқ хўжалигига сувни тежовчи инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш [22], сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари [18], яйловлардан фойдаланиш тизимини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш [31], агрoserвисни ривожлантириш асосида қорамолчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини [19], қишлоқ жойларида уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш фаолиятини ривожлантириш [20], сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш [36], қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш [39] йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Аммо шу билан бирга, Республикаиз ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш институционал механизмы чуқур ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан олиб борилган тадқиқот натижалари бошқа тадқиқотлардан фарқ қиласди ва айни дамда мухим аҳамият касб этади.

## **Хулоса ва тақлифлар**

Шуни таъкидлаш керакки, Республикаизда 10 йилдан зиёд давр мобайнида фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонларини мақбуллаштириш ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Яқинда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари» ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги [4] бунга далил сифатида хизмат қиласди.

Аммо, иқтисодий ривожланган мамлакатларда аграр муносабатларнинг рентабеллиги ва иқтисодий самарадорлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий шаклларига ва табиийки, уларнинг ҳажмига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. АҚШда фермер хўжаликларининг ер участканинг ўртача майдони – 189 гектарни ташкил этади, Европа мамлакатларида эса, масалан, Австрияда – 15 гектар, Германияда – 18 гектар, яъни фермернинг ер участкаси ҳажми қишлоқ хўжалигига мўлжалланган умумий ер майдонига боғлиқ. Аммо ушбу мамлакатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни экспорт қилувчи давлатлар сирасига киради. Демак, ернинг ҳажми ва ерга бўлган мулкчилик шаклидаги фарқи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига ва маҳсулдорлигига таъсир кўрсатмайди [6].

Агар Осиё мамлакатларида ер муносабатларини кўриб чиқадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда асосий омил – ер билан таъминланганлик даражаси пастлигидадир. Бу ҳолат, албатта, хўжалик шаклларида таъсир кўрсатди, яъни уларда

асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг кичик шакллари ривож топган. Масалан, Япония, Жанубий Корея, Хитойда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш хўжалик бирлиги дехқонлар ҳисобланади. Ер участкалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг мулки ҳисобланади, аммо ерни олди-сотди операциялари давлат органларининг қатъий назорат остида амалга оширилади [9].

Республикамизда эса ер ислоҳотлари тарихий ривожланган бўлиб, ҳозирги кунгача бир нечта босқичларни босиб ўтган. Аммо, ер ҳар доим ҳам давлат мулки ҳисобланган. Яъни давлат ер ҳолатини назорат қилиш, уни ҳисобга олиш ва шу билан боғлиқ бошқа вазифаларни ўз зиммасига олган. Булар ҳаммаси республикамизда миллий бойлиги ҳисобланган ердан самарали фойдаланишга қаратилган. Аммо “Давергеодезкадастр” қўмитаси томонидан 2018 йил I чораги давомида 34 та хўжалик юритувчи субъектларнинг 147,4 гектар ер майдонида ердан фойдаланиши юзасидан режали текширишлар ўтказилиб, унинг натижасида 33 та ҳолатда (жами текширишга нисбатан 97 фоиз) фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар томонидан 20,3 гектар майдонда турли ер қонун бузилиш ҳолатлари бузилганлиги аниқланди [32].

Юқоридагиларни инобатга олиб, Республикаимизда фермер хўжаликлари томонидан ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун, кўп тармоқли фермер хўжаликлари билан биргаликда янги турдаги, яъни оиласи фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги кунда фермер хўжаликларида асосан ёлланма ишчилар меҳнат қилмоқда, бу эса самарадорликка таъсир кўрсатмоқда. Улар самарали фаолият кўрсатиши учун хукуқий асос яратиш лозим. Хусусан, янги таҳрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига алоҳида модда сифатида “Оиласи фермер хўжалиги - оила аъзолари (биргаликда яшаётган ва фермер хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлар) меҳнати асосида фаолият юритувчи фермер хўжалиги” деб киритиш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Gerbens-Leenes, P.W. and Nonhebel, S. (2002). Consumption Patterns and Their Effects on Land Required for Food. Ecological Economics, 42, 185-199.
- FAO (2015). Statistical Pocketbook. World food and agriculture 2015.
- Schröder, J. (2014). The Position of Mineral Nitrogen Fertilizer in Efficient Use of Nitrogen and Land: A Review // Natural Resources Vol.05 No.15,12 pages.
- Kotschi, J. (2013). A Soiled Reputation: Adverse Impacts of Mineral Fertilizers in Tropical Agriculture. Commissioned by World Wildlife Fund (Germany) to Heinrich Böll Stiftung, 58 p.;
- Mohamed, A.M. (2014). Monitoring of Temporal and Spatial Changes of LandUse and Land Cover in Metropolitan Regions through Remote Sensing and GIS // Natural Resources. Vol.05 No.15, Article ID:52650,12 pages.
- Oleson, J.E. and Bindi, M. (2002). Consequences of Climate Change for European Agricultural Productivity, Land Use and Policy. European Journal of Agronomy, 16, 239-262 p.
- Padgett, S.V. (2017). Forest cover, development, and sustainability in Costa Rica: Can one policy fit all?// Land Use Policy. Volume 67, Pages 212-221.
- Tilman, D., Cassman, K.G., Matson, P.A., Naylor, R. and Polasky, S. (2002) Agricultural Sustainability and Intensive Production Practices. Nature, 418, p. 671-677.
- Weber M. (2001). The Agrarian History of the Ancient World / Weber. - Moscow: Canon C-Press, S. 429.
- Абдуллаев З.С. (2013). Ер ресурслари қийматини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашириёти. —198 б.
- Абдуллаева С.С. (2018). Сут йўналишидаги қорамолчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари./ Фан доктори (PhD) диссертацияси, 08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.

- Абруев А.И. (2018). Агросервисни ривожлантириш асосида қорамолчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш./ Фан доктори (PhD) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.
- Ахмедов У.Қ. (2018). Қишлоқ жойларида уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш фаолиятини ривожлантириш./ Фан доктори (PhD) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.
- Алматова Д.С. (2018). Минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш. / Фан доктори (DSc) диссертацияси, 08.00.12–Минтақавий иқтисодиёт, 08.00.15–Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари). Тошкент.
- Алиев Я.Э. (2018). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш / Фан доктори (DSc) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.
- Аллаяров Ш.А. (2017). Аграр сиёсатни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш./ Фан доктори (DSc) диссертацияси, 08.00.01–«Иқтисодиёт назарияси», 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари).
- Алтиев А.С. (2018). Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш./ Фан доктори (DSc) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва 06.01.10–Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари). Тошкент.
- Ахмедов А.К. (2018). Қишлоқ хўжалигига сувни тежовчи инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш./ Фан доктори (PhD) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.
- Беркинов Б.Б., Рахмонкулова Б.О., Каримова Х.Х. (2014). Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва ривожланиш жараёнларини моделлаштириш. Тошкент. “Иқтисодиёт”, – 147 б.
- Быстров Г.Е. (2001). Правовые проблемы земельной и аграрной реформ в зарубежных странах: теория, практика, итоги, перспективы. – Минск: БГЭУ, – 124 с.(205 с.).
- Еренов А.Е. (1976). Опыт земельных преобразований на Советском Востоке. - Алматы: Наука, – 198 с.
- Е. С. Строев, В. В. Бабашкин, Н. А. Борхунов и др. (1999). Земельный вопрос; Под ред. Е. С. Строева. - 536 с., [30] л. ил. 25 см.
- Милосердов В.В. (1998). Земельные отношения: формирование и необходимость корректировки.//Сб. научных трудов ВНИЭТУСХ, вып. 1 «Земельная и аграрная реформа России: проблемы и опыт». М., г.- 236 с.
- Нарбаев Ш.К. (2018). Яйловлардан фойдаланиш тизимини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси материаллари мисолида)./ Фан доктори (PhD) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.
- Назаров Ш.Ҳ. (2016). Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш./ Фан доктори (DSc) диссертацияси, 08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт. Тошкент.
- Петриков А., Узун В. (1999). Земельные отношения: проблемы и решения. //АПК: экономика, управление - № 6 - с. 25-28.
- Рахмонов Ш. К. (2018). Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимотида қишлоқ хўжалигининг устуворлигини таъминлаш./ Фан доктори (PhD) диссертацияси, 08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва 06.01.10–Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари). Тошкент.
- Садков В., Попова О. (2000). Становление, проблемы и перспективы развития рынка земель в России.//АПК: экономика, управление - № 3 - с. 12-15.
- Умаров С.Р. (2018). Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш./ Фан доктори (DSc) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.
- Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. (2008). Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. – Т.: “Iqtisod-moliya”, – 268 б.

Фармонов Т. (2006). Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: – 50 б.

Хасанов Ш.Т. (2018). Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш./ Фан доктори (DSc) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.

Хусанов Р.Х.(2003). Агросаноат комплекси иқтисодиёти. – Т.: Кувасой, 771 б.

Хушматов, Н.С. (2002). Проблемы устойчивого развития экономики хлопкосеющих регионов Узбекистана в условиях маловодья // Достижения науки и техники АПК. - N 11. - С. 43-44.

Чаянов А. В. (1989). Крестьянское хозяйство. Избранные труды. — М.: Экономика, — 492 с.

Эрхонова М. А. (2018). Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усуулда ҳимоялаш тизими самарадорлигини ошириш./ Фан доктори (PhD) диссертацияси, 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент.

Юданов А.Ю. (2000). Конкуренция: теория и практика: Учеб. Пос., 3-е изд., перераб. И доп. – М.: Гном-Пресс, – 254 с.

Югай А.М.(1997). Современные отношения земельной собственности в России. //Экономика сельского хозяйства России.- № 10 – с. 17-21.

“Давергеодезкадастр” (2018). Қўмита томонидан I чорак давомида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисботи. - <https://ygk.uz/uz/node/392>

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

(2017). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

(2017). 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манбаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони.

(2018). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони.

(2019). Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони.

(2019). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 14-сон қарори.

OECD (1998). Adjustment in OECD: Reforming Farmland Policies. - Paris: OECD, - p. - 63.

Dunstan, J. Msuya, G. (2013). Farming systems and crop-livestock land use consensus. // Open Journal of Ecology. Vol.3 No.7, 9 p.

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

**Д.Р. Мамасоатов**

ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази кичик илмий ходими

**Email:** dilshodbek11@mail.ru

**Аннотация:** Маколада тадбиркорлик субъектлари экспортини таҳлили ва улар томонидан маҳсулотларни электрон савдо майдончалари орқали сотишни ташкил қилиш йўллари, шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида электрон савдо майдончаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** экспорт, ташқи савдо, тадбиркорлик субъектлари, экспорт салоҳияти, ички ресурслар, технология, инфратузилма, инвестиция.

**Аннотация:** В данной статье проанализирован экспорт субъектов предпринимательства и пути организации продажи предпринимателями продукции через электронные торговые площадки, а также в результате изучения опыта зарубежных стран приведены пути основные направления развития электронных торговых площадок.

**Ключевые слова:** экспорт, внешняя торговля, хозяйствующие субъекты, экспортный потенциал, внутренние ресурсы, технологии, инфраструктура, инвестиции.

**Abstract.** The article covers the main directions of development of e-commerce platforms as a result of the analysis of exports of business entities and the organization of the sale of products by them through electronic trading platforms, as well as the study of the experience of foreign countries.

**Keywords:** export, foreign trade, business entities, export potential, domestic resources, technology, infrastructure, investment.

### Кириш

Бугунги кунда ахборот технологиялари ривожланган даврида онлайн-савдо майдончаларининг роли ички ва ташқи савдода жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Интернет-технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жуда чуқур кириб бориши натижасида жаҳон савдоси модели ҳам жуда кўп ўзгарди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулотларни савдо майдонча-ларида кенгроқ ва кўпроқ сотилиши натижасида уларнинг рақобатбардошлиги даражасини янада оширади.


Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинган бўлиб, унда мамлакатда электрон тижоратнинг тўлақонли бозорини яратишга, товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди[1].

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ташқи бозорларда тўлиқ равишда рақобатлашишида, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имкониятини яратишда, электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда ва шу билан биргаликда электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга

қўйилмаган, бу эса иқтисодиётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда.

Авваламбор, мамлакатимизда экспорт жараёнларига эътибор берадиган бўлсак, ўсиш кузатилганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан; 2019 йил январь-март ҳолатига кўра ҳудудлар бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт жараёнлари амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт (товар, хизмат)ларнинг жами экспортдаги энг кўп улуши Сурхондарё вилоятида - 91,1 %, Хоразм вилояти - 89,8 %, Сирдарё вилояти - 87,5 %, Наманган вилояти - 85,5 %, Самарқанд вилояти - 82,2 %, Бухоро вилояти - 74,5 %, Жиззах вилояти - 69,2 %, Андижон вилояти - 69,2 % ва Фарғона вилоятида - 43,1 %, энг паст кўрсаткични Қорақалпоғистон Республикаси - 13,5 % ни ташкил этди (1-расм).



**1-расм. Кичик тадбиркорлик субъектларининг экспорт (товар, хизмат) нинг, жами экспорт ҳажмидаги улуши, %**

Юқорида берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳудудлар бўйича экспорт кўрсаткичлари 14 та ҳудуддан фақатгина 8 та ҳудудда экспорт даражаси 50 % дан юқорини ташкил этмоқда. Қолган 7 та ҳудудда 50 % дан паст кўрсаткичга эга. Шу жараёнларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда экспорт жараёнларни янада ривожлантириш мақсадида электрон савдо майдончаларини ташкил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

### Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Хорижда электрон савдо майдончалари ва уларни ривожлантириш масалалари бўйича қатор хорижий ва маҳаллий олимлари томонидан ўрганилган. Мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижлик олим

Ян Новак (Jan Nowak) электрон тижорат тартиб тамойилларини соддалаштиришнинг хусусиятлари, мақсадлари, функциялари ва афзалликларини ўрганиб чиқсан. Унга кўра турли савдо майдонлари, халқаро миқёсидаги босқичма-бочқич ривожланишни тавсифловчи моделни таклиф қилган[3]. Шунингдек хорижлик олимлардан Мажид Мунир Искандарни ва Файез Салим Ҳаддад ҳам электрон савдо майдончалари бўйича илмий изланишлар олиб бориб, электрон савдонинг бозор ликвидлигига тъсири, савдо тизимида электрон савдо майдончаларининг ўрни юқорилигини илмий тадқиқотларида кўриб чиқканлар[4].

Россиялик олимлардан Н.М.Фоменко ва Е.Н. Ефимовлар электрон савдо майдончаларининг тавсифлари, электрон савдо майдончаларини интернетда ташкил қилиш

ва савдо майдончаларидан фойдаланишнинг стратегик ва молиявий фойдаларини асослаб берганлар.[5].

М.В.Лосева, Е.В.Миголь, Д.А.Миндичлар ҳам ушбу масала юзасидан ўз илмий изланишларини олиб борганлар. Хусусан, М.В.Лосева ўз тадқиқот ишида электрон савдо майдончаларида рақобат жараёнларини амалга ошириш орқали компаниялар қандай афзалликка эга эканлиги масалаларини таҳлил қилган бўлса[6], Е.В.Миголь илмий ишида Россия электрон тижорат бозорининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали электрон савдо майдончаларида савдо-сотиқ жараёнларни қиёсий таҳлилини амалга оширган[7]. Д.А.Миндич ўз илмий тадқиқотида Россия иқтисодий ўсишида электрон савдонинг таъсир доирасини таҳлили ўрганилган. [8]


### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг электрон савдо майдончалари орқали экспорт жараёнларини амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши ҳам катта самара бериши келтириб ўтилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Экспорт жараёнларини янада ривожлантириш ва худудларнинг экспорт жозибадорлигини ошириш учун электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Бугун кунда мамлакатимизда 2018 ва 2019 йиллар оралиғида экспортёр корхоналарининг экспортдаги улуши ҳам анча яхшиланди(2-расм).



**2-расм. Мамлакатимизда 2018 ва 2019 йиллар оралиғида экспортёр корхоналарининг ўсиш кўрсаткичлари.**

2019 йил ҳолатига кўра - 1010,8. млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 24,5 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2018 йилга нисбатан 289,9 млн.АҚШ долларига teng ёки 40,2 % га кўп. Бу эса ўз навбатида экспортни жадал равишда ўсишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатган.

Ҳукуматимиз томонидан ҳам "Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб қарорга кўра тадбиркорлар томонидан товар (иш, хизматлар) экспортини амалга ошириш жараёнлари соддалаштирилди[2].

2017 йил 1 декабрдан тадбиркорлик субъектларига товарларни (маҳсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт шартномалари тузмасдан, инвойслар асосида, экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидағи ҳисоб рақамларига

олдиндан тўлов 100 фоиз тушгандан сўнг ва Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға маълумотларни киритиш шарти билан экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Бу чора-тадбирлар амалда тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини қўллаб-кувватлашга ва мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.


Экспорт жараёнларига қулайлик яратиш учун электрон савдо майдончаси яратилган бўлиб ундан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан бир қанча қулайликлар мавжуд(2-расм). Яъни тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини тўғридан-тўғри онлайн тарзда мижозларни топиши ва шартномалар тузиши мумкин.

Унга кўра тадбиркорлик субъектлари электрон савдо майдончаси орқали ташкилий, ахборот ва техник қарорларнинг дастурий-аппарат мажмуйидан фойдаланган ҳолда, товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш учун ахборот тизими орқали сотувчи ва харидорнинг (буортмачининг) ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган интернет-дўкондан фойдаланиши мумкин.

Ривожланган давлатлар тажрибасини таҳлил қиласиган бўлсак, уларда бир нечта савдо майдончалари мавжуд бўлиб ундан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини сотишида кенг фойдаланмоқда. Тадбиркорлик субъектлари биринчи навбатда қайси бозорлардан фойдаланиш бўйича қарорларни мустақил қабул қабул қилиши керак. Шу билан биргаликда ҳар бир экспортчи маҳсулотларини сотиши учун ўз бозорига эга бўлиши ҳам лозим. Шу ҳисобга олган ҳолда ўзбек маҳсулотларининг асосий бозорларидан фойдаланиш жараёнларини таҳлил қиласиган бўлсак, 2016 йилда ушбу рўйхатга Швейцария, Россия, Хитой, Қозогистон, Афғонистон ва Европа Иттифоқи кирган эди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз экспортини 55% Европа (жумладан, Россия Федерацияси), 44% - Осиёга, экспортнинг 1 фоиздан камроғи Шимолий Америкага тўғри келган. Бир томондан, бу жуда яхши натижа эмас, бироқ бошқа томондан, бу фойдаланиш керак бўлган ажойиб имконият, чунки Шимолий Америка улкан бозор эканлиги яхши маълум. Шу билан бирга, Америка бозорлари ёрдамида тадбиркорлик субъектлари у ерда ўз маҳсулотларини муваффақиятли тарзда сотиши мумкин. Бунинг учун аваламбор, тадбиркорлик субъектлари томонидан ташқи бозорни мукаммал тарзда ўрганиб чиқиши ва экспорт қилиш жараёнларини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқишлиари зарур.

Шундай қилиб, биз экспорт учун З та асосий йўналишни ва, шунга асосан, савдо майдончамизнинг Зта гурухини таҳлил қиласиз:

**Осие** - Маълумки, сўнгги йилларда Хитой савдо-сотиқнинг дунё марказига айланди. Шу билан бирга, ушбу сайтлар ўтган йилга нисбатан 40 фоизга кўп. Бу бизни Alibaba, Tmall, JD, Aliexpress ва Taobao каби савдо майдончаларини батафсил кўриб чиқишига ундайди. Alibaba B2B (Business to business) сегментида дунёдаги энг йирик савдо майдончадир. У чакана ёки улгуржи савдо учун мўлжалланган. Аксарият одамлар Alibaba Groupнинг факат Хитой компаниялари савдоси қиласиган платформа деб нотўғри талқин қилишади. Аслида эса Alibaba сайти узоқ вақтдан буён бутун дунё бўйлаб кўплаб мамлакатларнинг мол ва хизматларини намойиш этмоқда. Мисол учун, сайтдан Ўзбекистондан 400 сотувчи савдо қиласиган. Сайтга жойлашиш бепул, аммо сайт орқали муваффақиятли сотиш учун бепул тўлаш пакетларини сотиб олишингиз керак, бу ҳар йили 1,399 \$ дан тўғри келади. Чакана савдо ва кичик товарларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган компаниялар учун Tmall қизиқарли бўлиши мумкин, бу Таобао (иккала сайт



З-расм. Электрон савдо майдончаси ва ундан фойдаланиш тизими<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲСУЛОТЛарНИ ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАЛАРИ ОРҚали СОТИШНИ  
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

ҳам Alibaba Group таркибиға киради) каби оригинал бренд маҳсулотларини сотади. Чакана савдо ва кичик товарларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган компаниялар учун Tmall қизиқ бўлиши мумкин, бу Таобао (иккала сайт ҳам Alibaba Group таркибиға киради) каби оригинал бренд маҳсулотларини сотади. Фақатгина хитойлик компаниялар Tmall.com да Хитой бозорига йўналтирилган бўлиши мумкин, хорижий компаниялар учун Tmall.hk сайтининг яна бир версияси мавжуд. Хитойнинг яна бир йирик бозори - ЖД - Tmall каби жуда кўп. Иккала сайтга жойлаштириш учун сотувчилар 15 минг АҚШ доллари миқдорида сүфурта депозити қилишлари керак, бу эса сайтдан чиқиб кетганда унга қайтарилади. Барча компаниялар сайтларнинг ҳар бирида депозит қўйишга қодир бўлмагани учун уларнинг баъзилари миллий павилонларни очиб, сайтга ўз мамлакатларидаги бошқа компанияларга янада қулайроқ жойлаштиришни таъминлайдилар.

Хитойнинг энг машҳур чакана бозори - Aliexpress. Хитой компаниясига фақатгина мезбонлик қила олади, бироқ ўзбек компаниялари учун ҳали ҳам Россияга боришга имконият бор."Aliexpress" аллақачон Россия компаниялари жойлашиши мумкин бўлган маҳаллий платформани очган. Бу шуни англатадики, ўзбекистонлик ишбилармонлар буни жуда яхши билади.

Осиё минтақасида Корея Ec21 ва Ecplaza ҳам диққатга сазовордир, улар ўзларини глобал савдо майдончалари сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун улар Осиёда жуда кучли таъсирга эгадир.

Ҳар иккаласида ҳам бепул турар жой ва пуллик пакетлар мавжуд. Чакана савдо соҳасида Япония Rakutenning энг йирик савдо майдончаси сифатида аниқланиши мумкин. Rakuten.com халқаро нашрида бутун дунёдаги компанияларни қабул қилиши мумкин.

**Farb** - Farbий бозорлардан оддий харидорлар учун Amazon ва Ebaу анча машҳур. Биринчиси, дунёдаги энг машҳур чакана бозорлардан бири. Унга жойлаштириш бепул, аммо Амазон ҳар бир харид учун маълум бир тўловни амалга оширади. Ушбу савдо майдончасининг энг муҳим афзалликларидан бири Амазон дастурининг бажарилиши. Ушбу дастур туфайли сотувчи кабинетга, логистика ва хавотирдан ташвишга тушмайди маҳсулотларини рағбатлантириш. Сизнинг маҳсулотингизни Амазон омборига етказиб бериш ва улар тўғри миқдорни тақдим этишни давом эттиришдир. Амазон қолганларни ғамхўрлик қиласи. Кўриниб турадиган яна бир бозор жойи - Etsy. У қўлда ясалган санъат асарлари ва ноёб маҳсулотларини сотади. Etsy ўз маҳсулотларини экспортга сотмоқчи бўлган ўзбек тадбиркорлари учун яхши имкониятдир. Унга қўйилгач, сотувчи ҳар бир лот учун \$ 0.20 тўлайди.

**MДХ** - MДХ мамлакатларидағи савдо платформалариға келадиган бўлсак, Россия ва Українанинг улуши кўпроқни ташкил этади. Prom.ua, Tiu.ru ва Satu.kz, каби сайтлар ҳам Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон бозорларида улгуржи ва чакана савдо учун қилиш учун кенг имкониятларга эгадир. Яна бир катта савдо майдончаси - Яндех Маркет, Россия Федерацияси ва Қозоғистон бозорларида фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, MДХ мамлакатлари бозорларида фаолият кўрсатадиган секторал савдо майдончалари жуда фойдали бўлиши мумкин. Ушбу платформалардан бири Agroru.com, ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ихтисослашган. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳсулотни ушбу сайтга жойлаштириш бепул. Бундан ташқари, Ўзбекистон экспортчилари ва ташувчилари учун мижозларга ва ижрочиларга тезда бир-бирларини топишга имкон берувчи " Lardi-Trans" ва " Della" компаниялари учун сайтларга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Бу икки сайт фақат Украина ва Россияда эмас, балки Марказий Осиё мамлакатларида ҳам фаол фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам тижорат платформалари яратилган бўлиб, ички ва ташқи савдони ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзбекистондаги B2B сегментининг энг йирик савдо майдончаси Prom.uz - бунга мисолдир. Унда асосий жойлашиш бепул, бироқ реклама пакетлари ҳам тўланади. Яқинда Prom.uz Халқаро Бизнес ва Технологиялар Юшмаси билан биргаликда бир неча маҳсус платформалардан ташкил топган "Экспорт ва импортни ривожлантириш" ўзбек-савдо тизимини ишга туширди: инглиз тилидаги экспортчилар учун портал Uzbek-Trade.com ва шунга ўхшаш портал Русча Uzbek-Trade.ru. Агар биринчи сайт хорижий мамлакатлар учун ўзбек маҳсулотларининг

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲСУЛОТЛарНИ ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

кўргазмаси бўлишга мўлжалланган бўлса, рус тилидаги бозор бу МДХ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё бозорларига қаратилган бўлиб, у ўз қўшнилари билан чегара савдоларига ижобий таъсир кўрсатиши керак. Бундан ташқари, импортерлар ва хорижий брендлар учун мўлжалланган Uzbek-Trade.uz платформаси ишга туширилди.

### Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқадики, яратилган электрон савдо майдончалари электрон тижоратда экспортни амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) электрон тижорат шаклидаги экспорти божхона қонунчилигининг барча талабларига мажбурий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Электрон тижорат сотувчиси томонидан электрон рақами имзолардан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат тарзида шартнома — экспорт контракти тузиши мумкин. Шартнома-экспорт контракти бўйича ахборотни Ташки савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға кириши, шунингдек уларни бажариш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган Ташки савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади [7].

Электрон савдо майдончалари фаолиятни янада такомиллаштириш ва шу билан биргаликда ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт жараёнларини амалга оширишни ташкиллаштириш зарурдир.

Ривожланган давлатлардан бири Жанубий Корея билан ҳамкорликда 2019-йил 1-январдан бошлаб, маҳаллий экспортёр корхоналарнинг товарларини хорижий харидорлар томонидан сотиб олиш имкониятини берадиган Ўзбекистон миллий савдо электрон майдончасини ишга туширилди. Бунинг натижасида савдо майдончасидан фойдаланишни тўғри йўлга қўйилиши тадбиркорлик субъектлари экспорти имкониятларини анча оширишга олиб келади.

Интернет тармоғида "TradeUzbekistan.com" электрон савдо майдончаси ҳамда электрон жараённинг барча босқичларини реал вақт режимида кузатиш имкони берувчи Мева – сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот портали ҳам мамлакатда "Global GAP". "Halal" va "Organic" стандартлари талабларига мувофиқ Мева-сабзавот етиштирувчи маҳаллий корхоналарни сертификатлаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлаб беради. Натижада бу борада мутахассислар ҳам электрон савдо майдончасидан фойдаланишни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

### Хулоса ва таклифлар

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фойдаланадиган савдо майдончалари қанчалик кўп бўлса, сизнинг молингиз ёки хизматларингизни қидириб топиш осонлашади. Ҳар бир таклифларни қаердан келаётганини кузатиш ва энг самарали сайтларни аниқлаш жуда муҳим, уларга инвестицияларни кўпайтириш лозим. Натижада, тўғри савдо майдончаларини танлаш, меҳнатни енгиллаштиришда ва хорижий ҳамкорлар топишда деярли ҳар қандай экспортчининг муваффақияти учун қалит ҳисобланади.

Бунинг учун электрон савдо майдончаларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қўйидаги омилларни бартараф этиш даркор:

тадбиркорлик субъектларига ташки бозорларда тўлиқ рақобатлашиш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини бермаётган электрон савдо майдонлари орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари бартараф этиш чораларини кўриш;

электрон савдо майдончаларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодиётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда;

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲСУЛОТЛарНИ ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИШНИ  
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

маҳаллий тўлов тизимларининг машҳур хорижий аналоглари билан интеграцияси йўқлиги, мамлакат тадбиркорлик субъектларининг электрон савдо майдончалари соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар билан тўлиқ халқаро ҳамкорлика ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;

электрон савдо майдончаларини имкониятлари ва афзаликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу эса хуфиёна иқтисодиёт ҳажмининг ошишига ва давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда;

амалдаги солиққа тортиш тизими электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса Интернет тармоғи орқали маҳсулотларни хуфёна айирбошлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунингдек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш ва мамлакатимизда электрон савдо майдончаларини фаолиятини янада кенгайтириш маҳаллий тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантиришга, бу эса мамлакат тараққиётига олиб келиши шубҳасиздир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

(2018). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3724-сон қарори.

(2017). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Nowak, J. (2007). “The Evolution of Electronic Trade Facilitation: Towards a Global Single Window Trade Portal” Jim McMaster, University of the South Pacific Graduate School of Business Suva, Fiji Islands.

Munir, M.I. and Fayez, S. H. (2012). “The Effect of Electronic Trading on Market Liquidity and Stock Price Behavior: An Empirical Study on Amman Stock Exchange” Jordan Journal of Business Administration, Volume 8, No. 3.

Н.М.Фоменко, Е.Н. Ефимов (2009). “Общая характеристика электронных торговых площадок” TERRA ECONOMICUS (Экономический вестник Ростовского государственного университета) Том 7 № 2

М.В.Лосева (2016). “Преимущества проведения конкурентных процедур на электронных торговых площадках”. Этология. Журнал Citizen.Seldon

Миголь Е.В. (2016). Электронная торговая площадка: новое звено в цепочке создания ценности розничной торговли в интернет-пространстве // Креативная экономика. - Т. 10.- № 10. - С. 1139–1156.

Д.А.Миндич (2014). “ЭТП в России” Стратегии бизнеса электронные научные-экономический журнал № 6 (8).

(2003). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 416-сон Қарори.

(2003). Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги 416-сон Низом.

## ИСЛОМИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЖОРӢӢ ЭТИШНИНГ МАЛАЙЗИЯ ТАЖРИБАСИ

### С.З. Аброров

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази, таянч докторант

Email: [sirojiddin\\_2463@mail.uz](mailto:sirojiddin_2463@mail.uz)

**Аннотация.** Мақолада жаҳонда сезиларли даражада ривожланиб бораётган исломий қимматли қоғозлар эмиссия қилиш бўйича энг катта тажрибага эга мамлакат – Малайзия тажрибаси ёритиб берилган. Малайзия тажрибасида сукукларнинг жорӣ этилиши, кадрлар тайёрлаш ва ҳуқуқий асосларни шакллантириш билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида тӯхталиб ўтилган. Ушбу тажрибадан Ўзбекистонга мос келувчи муҳим жиҳатларидан фойдаланиш мумкинлиги илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** Сукук, ислом молияси, ислом банки, ислом дарчалари, тақофул, эмиссия, шариат кенгаши.

**Аннотация.** Статья посвящена опыту Малайзии, считающейся самой большой по эмиссии исламских ценных бумаг, который быстро развиваются в мире. Особое внимание обращается в опыте Малайзии на внедрению сукуков, подготовка кадров и формирование правовых основ. Выдвигается предположение по использованию основных аспектов данного опыта, подходящих для Узбекистана.

**Ключевые слова:** Сукук, исламское финансирование, исламский банк, исламских окон, тақофул, эмиссия, шариатский совет.

**Abstract.** Given article is devoted to the experience of Malaysia, which is considered the largest in terms of issuing Islamic securities, which is developing rapidly in the world. Particular attention is drawn to the experience of Malaysia on the introduction of sukuks, training and the formation of legal foundations. It is suggested to use the main aspects of this experience, suitable for Uzbekistan.

**Key words:** Sukuk, Islamic finance, Islamic bank, Islamic windows, takaful, emission, Shariah Board.

### Кириш

Мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантириш ва у орқали сармоя жалб қилиш самарадорлигини ошириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сонли “Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида бир қатор устувор йўналишларни ўз ичига олган Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси юкланганд, хусусан:

- хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувлардан фойдаланиш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш;
- банк томонидан кредитлашнинг самарали муқобил механизмини яратиш;
- капитал бозорини замонавий талабларга мос кадрлар билан таъминлашнинг барқарор тизимини ривожлантириш.

Биз қўйида тадқиқот обьекти сифатида кўриб ўтадиган исломий қимматли қоғозлар айнан ушбу бандларга тўлиқ мос келиши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон фонд бозорига янги молиявий инструмент сифатида исломий қимматли қоғозларни жорӣ этиш мобайнида энг аввало бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мақола Малайзия тажрибаси танланганлигининг асосланиши, Малайзияда исломий қимматли қоғозларга эҳтиёжнинг юзага келиши, янги молиявий инструментнинг жорӣ этилиши ва давлат томонидан тартибга солиниши каби қисмлардан таркиб топади.

### **Мавзууга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили**

Ислом молияси ва банк ишининг фундаментал асослари ва тамойиллари хусусан, сукукларнинг ишлаш механизmlари ва унинг истиқболлари бўйича Малайзиялик олимлар Седин Хорун ва Ван Нурсофиза Ван Азми (Sudin & Wan Nursofiza, 2009), ғарб олимларидан Брайн Кеттел (Kettell, 2011) иш олиб борган. МДҲ вакилларидан Л.С.Мокина (Мокина, 2017) ва Яқин шарқ олимлари Ж.Насиф, Абдулкадир Томас (Nathif & Abdulkader, 2005) исломий қимматли қоғозлар молиялаштиришнинг янги манбалари сифати намоён бўлишини очиб берган. бундан ташқари М.У.Чапра (Chapra, 2011) исломий қимматли қоғозларнинг жаҳон молиявий-иктисодий инқизори шароитидан кам таъсир билан чиққанига тўхталиб ўтган.

Ўзбекистон олимларидан Равшан Абдуллаев (Абдуллаев ва Дусанов, 2007), таржомонлардан Ботирхўжа Жўраевлар (Жўраев, 2014) бу борада илмий ишларни бошлаб беришган.

Умуман олганда мавзу жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, Ўзбекистон учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот методологияси сифатида исломий қимматли қоғозларнинг жорӣ қилинишида Малайзия тажрибаси ва Ўзбекистон имкониятлари қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усууларидан фойдаланилган. Малайзияда исломий қимматли қоғозларнинг жорӣ қилинишда иктисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда қаралиб, тизимли ёндашув услуги қўлланилди. Маълумотлардан хуроса чиқаришда мантиқий таҳлил ва умумлаштириш усууларидан фойдаланилди.


### **Таҳлил ва натижалар**

Молия бозори ўзининг ривожланиш тарихи давомида бозор талабига кўра кўплаб янги молиявий инструментларни таклиф этиб келган. XXI асрга келиб жаҳоннинг деярли барча минтақасида ислом иктисодиёти, ислом молияси ва исломий қимматли қоғозлар жадал тараққий эта бошлади. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизор шароитида кам даражада таъсир билан чиқиши унга бўлган қизиқишни янада орттириб юборди. Ислом молиясининг янги инструментларидан бири сукук ҳисобланади.

Сукук (исломий қимматли қоғоз) – активнинг ёки тадбиркорлик фаолиятининг фойда ва зарарида кўрсатилган улушда иштирок этишини билдирувчи қимматли қоғоз. Инглиз манбаларида исломий облигация сифатида кенг қўлланилди.

Янги молиявий инструментни ишлаб чиқаришни Малайзия бошлаб берганлиги ва энг асосийси, ушбу мамлакатда катта тажриба тўпланганлиги сабабли сукук эмиссия қилишда Малайзия андоза сифатида қаралади. 2017 йил якунига қадар амалга оширилган жаҳондаги жами эмиссиянинг 62,5% ёки 612,3 млрд. АҚШ доллари Малайзия ҳиссасига тўғри келади (1-расм). Малайзия 6 минг маротабага яқин эмиссияни амалга оширган. Бу эса ўзидан кейин турувчи 392 маротаба сукук эмиссия қилган Баҳрайндан 14,5 баробар кўп. Шу ўринда савол туғилади: Саудия Арабистони, БАА, Туркия ва Покистон каби мамлакатлар потенциали Малайзиядан кам бўлмаган ҳолатда, нега фарқ жуда катта? Бу ҳолат шундай изоҳланадики, ушбу мамлакатларда ички молиявий ресурслар етарли даражада шаклланиб келмоқда, Малайзия хориж ресурсларини жалб қилиш мақсадида халқаро сукукларни эмиссия қилади. Юқоридаги мамлакатларда

исломий қимматли қоғозлар секторидан кўра ислом банкчилиги сектори нисбатан кенгроқ ривожланган. Бундан ташқари, шариат нуқтаи назаридан мазҳаблар ўртасидаги фарқларни унутмаслик лозим.



Манба: *International Islamic Financial Market, 2018, pp57-58*

**1-расм. Жаҳоннинг алоҳида мамлакатларида сукук эмиссиясининг ҳажми  
(2001-2017 йиллар, млрд. АҚШ доллари)**

Юқорида сукук фаолияти бўйича энг катта улуш ҳам, тажриба ҳам Малайзияга тегишли эканлигини кўрдик. Сукукларнинг қиймати бўйича кейинги ўринларда турувчи Саудия Арабистони ва БАА ёки сукук чиқариш бўйича тажрибани акс эттирувчи кўрсаткич – эмиссиялар сони бўйича иккинчи бўлган Бахрайн мамлакатларининг иқтисодиёти нефт-газ саноатига юқори даражада боғлиқлиги, иқтисодиётининг таркибий тузилишида мамлакатимиздан кескин фарқланиши ҳамда макроиктисодий кўрсаткичларининг Ўзбекистонга мос эмаслиги сабаб ушбу мамлакатларга нисбатан кўпроқ Малайзия тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, Малайзия тажрибасини ўрганаётгандан сукукларнинг жорӣ қилиниш босқичлари, тартибга солиниш фаолияти ва ҳуқуқий асосларига алоҳида урғу берамиз. Сукукларнинг ишлаш механизмлари ва методологияси халқаро стандартлардан ўрганиш лозим бўлади.

Сукук бўйича Малайзия тажрибасининг кўплиги ва юқорида кўрилган мамлакатларга нисбатан Малайзия иқтисодиётининг таркибий тузилиши Ўзбекистонга анчагина яқинлиги (1-жадвал) сукук билан боғлиқ тажрибани ўрганишга иқтисодиётимиз учун энг мақбул мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, Малайзия Глобал ислом молияси индекси (GIFR) бўйича 2016-2017 йилларда энг юқори ўринда қайд этилган (GIFR, 2017).

Малайзияда XX асрнинг иккинчи декадасида сукуклар эмиссияси энг фаол нуқтага етди (2-расм). Жаҳон миқёсда Малайзиянинг салмоғи катталиги боис, мамлакатдаги ўзгариш бевосита жаҳон тенденциясига ҳам таъсир қиласди. Юқоридаги

барча факторларни ҳисобга олган ҳолда Малайзия сукукларни жорӣ этиш бӯйича бутун жаҳонда андоза мамлакат сифатида қаралади.


1-жадвал

### **Ўзбекистон ва Малайзия 2017 йил макроиктисодий кўрсаткичлари**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>Ўзбекистон</b>	<b>Малайзия</b>
<b>1.</b>	ЯИМ (млрд. АҚШ доллари)	48,2	314,5
<b>2.</b>	ЯИМ харид қобилияти паритети бӯйича (млрд. АҚШ доллари)	222,34	930,75
<b>3.</b>	ЯИМ аҳоли жон бошига (АҚШ доллари)	1 504	9 945
<b>4.</b>	ЯИМ аҳоли жон бошига харид қобилияти паритети бӯйича (АҚШ доллари)	6 865	29 432
<b>5.</b>	ЯИМ ўсиш суръати (%)	5,3	5,9
<b>6.</b>	ЯИМ секторлар кесимида (%) қишлоқ хўжалиги саноат хизмат кўрсатиш	17,9 33,7 48,5	8,8 37,6 53,6
<b>7.</b>	Аҳоли сони (млн. нафар)	32,39	31,62
<b>8.</b>	Мусулмон аҳолининг улуши (%)	88	61,3

Манба: [data.worldbank.org](http://data.worldbank.org) ва [www.cia.gov](http://www.cia.gov) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Шунингдек, қўшни мамлакат сифатида Қозоғистон тажрибаси ҳам бефарқ қолдирмайди. Қозоғистон бир маротаба 77 млн. АҚШ доллари қийматидаги сукук эмиссия қилган (International Islamic Financial Market, 2018).



Манба: International Islamic Financial Market, 2013-2018 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

### **2-расм. Малайзияда сукукларнинг йиллар кесимидағи эмиссияси (млн. АҚШ долли)**

Икки компонентли молия тизимига эга Малайзиянинг молия тизими тарихида биринчи банк сифатида *Chartered Merchantile Bank of India, London and China* 1856 йилда очилган бўлиб, унда ҳали Британия таркибида эди. Малайзия 1957 йилга келиб мустақилликка эришади ва уни 31 августда эълон қиласди. Ислом молияси бӯйича илк қадам 1969 йили ташланади. Ўша йили ҳукумат томонидан мамлакатдаги биринчи исломий молиявий муассаса – Ҳожилар фондига (*Lembaga Tabun Hajj*) тузилади (Зарипов, 2016). Фонд ҳажга бориш истагида бўлганлар учун ҳаж ибодатини адо этишга маблағ

Йиғиб бориш мақсадида ташкил этилган. Аввалига маблағлар Малайзия Молия вазирлигидаги махсус ҳисоб рақамда йиғилиб борилган бўлса, кейинчалик маблағлар тез суръатларда ортиб бориши сабабли улардан самарали фойдаланиш мақсадида ислом тамойилларига мос келувчи махсус банк очиш лозимлиги намоён бўлиб борди.


1980 йилда Малайзияда ўтказилган иқтисодий конгрессда ислом банкларини очиш бўйича ҳукуматга таклиф билан чиқилади. 1981 йили Ислом тараққиёти концепцияси бўйича миллий семинар иштирокчилари эса ислом банклари тўғрисида қонун қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилишади. Малайзия ҳукумати таклифларга жавобан таклифларни кўриб чиқиш ва масалани ўрганиш учун Ислом банклари фаолиятини ўрганиш бўйича миллий ижро қўмитаси (*National Executive Islamic Banking Committee*)ни ташкил этади. Қўмита Миср ва Судан ислом банклари фаолиятини ўрганган ҳолда 1982 йили ислом тамойилларига асосланган банк ташкил этиш, ислом банклари тўғрисида махсус қонун қабул қилиш, ислом банкларининг ҳар бирида шариат кенгашларини тузилиши лозимлиги каби таклифларни ўз ичига олган хуносасини тақдим этади. Бунинг натижасида 1983 йилда “Ислом банклари фаолияти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинади. Бундан ташқари “Қимматли қоғозлар индустряси тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар тўғрисида”ги қонунларга ислом тамойилларига асосланган қимматли қоғозларни эмиссия қилиш имкониятини беришни кўзда тутувчи тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шу йилнинг ўзида Малайзияда биринчи ислом банки – Bank Islam Malaysia Berhad фаолиятини бошлайди. Банкка ҳожилар фонди маблағларининг катта қисми ўтказилади. Келгуси йилда эса “Ислом суғуртаси (такофул) тўғрисида”ги қонун қабул қилинади.

Малайзия қимматли қоғозлар бозори ташкил этилгандан бўён 5 та ташкилот томонидан назорат қилиб келинар эди. Ривожланаётган бозорда тартибга солувчи органларининг кўплиги ва турли туманлиги бозор иштирокчиларига қийинчилик туғдириб келганлиги кенгайиб бораётган бозор муаммоларини ҳал қилишни устувор масалага айлантиради. Муаммоларни ўрганиш ва ечими юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш учун махсус ишчи груп тузилади. Ишчи груп 1988 йилда қимматли қоғозлар бозорида жумладан, исломий қимматли қоғозларни ҳам тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона ташкилот тузиш бўйича якуний хуносасини беради. Мамлакатнинг Молия вазирлиги бошчилигига 1991 йилда яна бир ишчи груп тузилади. Ишчи груп олдига капитал бозорида ечимини кутаётган устувор масала – “Қимматли қоғозлар бўйича комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилади.

Малайзия қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ягона орган тузиш учун ишлаб чиқилган ҳужжат 1992 йил мамлакат парламентида тасдиқланади. Қонун кучга кириш вақти – 1993 йил 1 марта Қимматли қоғозлар бўйича комиссия расмий фаолиятини бошлайди.

Қимматли қоғозлар бўйича комиссия капитал бозорини, хусусан, сукук ва ислом капитал бозорини ривожлантиришга масъул орган ҳисобланади (*About the SC, n.d.*). Комиссия Молия вазирлигига ва парламентга фаолияти юзасидан ҳисбот беради. Шу билан бирга ўз ўзини молиялаштирувчи орган ҳисобланади.

Комиссия фаолиятини унинг раиси бошқаради ва унинг Кузатув кенгаши орқали тайинланади. Кузатув кенгаши таркиби 9 кишидан иборат (3-расм). Кенгаш аъзолари Малайзия Молия вазирлиги томонидан тайинланади. Комиссия таркибида исломий қимматли қоғозлар методологиясини ва бозорини ривожлантириш учун алоҳида шариат департаменти ва ислом капитал бозорини ривожлантириш бўлими фаолият юритади. Бундан ташқари, исломий қимматли қоғозлар бўйича юзага келадиган саволларга ислом тамойилларига асосланган жавоб излаш ва муаммоли вазиятларни ечиш мақсадида Комиссия таркибида мустақил Шариат маслаҳат кенгаши тузилади. Кенгаш чиқарилаётган исломий қимматли қоғозларни ислом тамойилларига мос келиши ёки мос келмаслиги юзасидан текширувлар ўтказади, Комиссиянинг ислом капитал бозори фаолиятига оид таклифларини беради, маълум вақтлар оралиғида ислом тамойилларига мос келувчи қимматли қоғозлар рўйхатини эълон қилиб боради. Шариат маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини 1996 йилдан бошлаган ва ислом капитал бозоридаги баҳслар юзасидан олий инстанция органи ҳисобланади.



Манба: *Securities Commission Malaysia Act 1993* ва [www.sc.com.my](http://www.sc.com.my) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

### З-расм. Малайзия қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тизимининг таркибий тузилмаси

Қимматли қоғозлар бўйича комиссия ташкил этилган вақтда Малайзия ислом молия бозорини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган йўл харитаси ишлаб чиқилган эди. Эътиборли жиҳати йўл харитаси мамлакатнинг бутун молиявий тизимини ислоҳ қилиш билан бир вақтда амалга оширилган.

2000 йилда ҳам ислом молиясини ривожлантириш бўйича 10 йиллик (2001-2010 йиллар) режа (Financial Sector, n.d.) қабул қилинади. Унда кўплаб муҳим вазифалар қўйилган бўлиб, хусусан:

- Малайзияни минтақа ва халқаро миқёсда ислом молияси марказига айлантириш;
- ислом молия ташкилотларидағи шариат кенгашлари ҳар бир инструментни тасдиқлаши ва назорат қилишига эришиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ислом ҳамда анъанавий молия тизимлари учун тенг шароит яратиб бериши лозим;
- замон талабидан келиб чиқсан ҳолда ислом молияси соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими йўлга қўйиш.

2004 йилдан бошлаб Малайзия Вақф ва Закот фонdlари ривожи учун алоҳида эътибор берила бошланган бўлса, 2006 йилдан халқаро даражада ислом молия тизими тараққиётiga жиддий туртки берувчи қадам ташланган. Соҳа бўйича фан ва таълим институтларнинг ташкил этилиши бугунги кунда Малайзияни халқаро миқёсда етакчилардан бўлишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Малайзия Марказий банки ва Қимматли қоғозлар бўйича комиссия ташабbusи билан қўйидагилар ташкил этилган:

- Малайзия халқаро ислом молия маркази (*Malaysia International Islamic Financial Centre – MIFC*);
- Ислом молияси таълими халқаро маркази (*International Centre Education for Islamic Finance – INCEIF*);
- Ислом молияси бўйича халқаро шариат тадқиқот академияси (*International Shari’ah Research Academy for Islamic Finance – ISRA*).

2-жадвал

**Малайзияда исломий қимматли қоғозлар ривожланишининг асосий босқичлари**

Йил	Амалга оширилган чора-тадбирлар
<b>1969</b>	Хожилар фонди тузилиши.
<b>1983</b>	- "Ислом банклари тӯғрисида"ги қонун қабул қилиниши; - Биринчи исломий банк фаолияти йўлга қўйилиши; - "Қимматли қоғозлар индустрияси тӯғрисида"ги ва "Қимматли қоғозлар тӯғрисида"ги қонунларга тегишли ўзgartаришлар киритилиши.
<b>1990</b>	Биринчи сукук эмиссия қилиниши.
<b>1993</b>	Қимматли қоғозлар бўйича комиссия ташкил этилиши.
<b>1996</b>	Қимматли қоғозлар бўйича комиссия таркибида Шариат кенгаси тузилиши.
<b>2000</b>	Ислом молиясини ривожлантириш бўйича 10 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси қабул қилиниши.
<b>2006</b>	Малайзия халқаро ислом молия маркази (MIFC), Ислом молияси таълими халқаро маркази (INCEIF) ва Ислом молияси бўйича халқаро шариат тадқиқот академияси (ISRA) ташкил этилиши.
<b>2007</b>	"Капитал бозори ва қимматли қоғозлар тӯғрисида"ги қонун қабул қилиниши.
<b>2013</b>	"Исломий молиявий хизматлар тӯғрисида"ги ва "Молиявий хизматлар тӯғрисида"ги қонунлар қабул қилиниши.

*Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган*

Бундан ташқари кўплаб олий таълим муассасалари, илмий ва халқаро марказлар ислом молияси билан шуғулланиб келади. Малайзия ислом молияси бўйича жаҳон марказига айланиб бормоқда. Ислом молияси бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи Ислом молиявий хизматлари кенгаси (*Islamic Financial Services Board - IFSB*)нинг штаб квартираси Куала-Лумпурда жойлашган.

2007 йилда исломий қимматли қоғозларни чиқаришнинг асосий тамойилларини ҳам ўз ичига олувчи "Капитал бозори ва қимматли қоғозлар тӯғрисида"ги қонун қабул қилинади. 2013 йилда Малайзия молия тизими икки компонентли эканлигининг ҳуқуқий асосини кўрсатувчи иккита қонун қабул қилинади: "Исломий молиявий хизматлар тӯғрисида"ги ва "Молиявий хизматлар тӯғрисида"ги қонунлар.

### **Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси**

Малайзияни ислом молияси бўйича халқаро марказ деб атай олмасакда, исломий қимматли қоғозлар бўйича жаҳон локомотиви деб аташ мумкин. Шунингдек, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва форум, конференция ҳамда саммитлар ўтказиш бўйича халқаро марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳолисининг 88%и мусулмонлар эканлиги ислом тамойилларига асосланган қимматли қоғозларга талаб мавжуд бўлишини англаради. Аммо энг катта муаммо кенг жамоатчиликнинг сукуклар борасида етарлича тушунчага эга эмаслиги ва соҳа мутахассисларининг етишмаслигидир. Ушбу муаммолар сукукларни Ўзбекистон фонд бозорига жорий этишни бир неча босқичларда амалга оширишни талаб этади.

Сукукнинг шаклланиши, ривожланиш тенденцияси ва бугунги кундаги фаолияти бўйича Малайзия тажрибаси ҳамда мамлакатимиз шароитини ўрганган ҳолда, сукукларни Ўзбекистон фонд бозорига жорий этишни уч босқичда амалга оширишни таклиф этамиз.

1. Институционал асосларни яратиш. Ушбу босқич баравар давом этувчи икки йўналишдан иборат бўлади:

- кадрлар тайёрлаш, молиялаштириш инфратузилмасини шакллантириш ва аҳоли саводхонлигини ошириш.

- ҳуқуқий асосларни яратиш.

2. Давлат томонидан сукук эмиссия қилиниши.

3. Исломий қимматли қоғозларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш.

## **Хулоса ва таклифлар**

Биринчидан. Жаҳондаги сукук эмиссиясининг 60%дан ортиғи Малайзия ҳиссасига тӯғри келади. Бу борада энг йирик тажрибага ҳам эга ва жаҳондаги ягона локомотив ҳисобланади.

Иккинчидан. Икки компонентли молия тизими ресурсларни жалб этиш жиҳатидан мұхим аҳамият касб этади ва мамлакат иқтисодиётида инвестицияга бўлган талабни қондиришга кўмаклашади.

Учинчидан. Ўзбекистон фонд бозорини ислоҳ этилиш жараёнида сукуклар янги молиявий инструмент сифатида жорӣ этишга эҳтиёж мавжуд бўлиб, фонд бозоридан четда қолаётган қатлам учун қулайлик яратади.

Тўртингидан. Ўзбекистонга фонд бозорига исломий қимматли қоғозларни жалб этиш бир неча босқичда амалга ошириш лозим бўлади: Кадрлар тайёрлаш, молиялаштириш инфратузилмасини шакллантириш ва аҳоли саводхонлигини ошириш, институционал асосларни яратиш, дастлабки сукук эмиссиясини амалга ошириш ҳамда сукукларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

About the SC, viewed 13 February 2019, <<https://www.sc.com.my/about/about-the-sc>>;

ACT 498, Securities Commission Malaysia Act 1993 (Incorporating latest amendment – Act A1539/2017), Malaysia;

Brian Kettell 2011, *Introduction to Islamic Banking and Finance*, John Wiley & Sons, United States;

Chapra M.U. 2011, *The Global Financial Crisis: Can Islamic Finance Help?*, Islamic Economics and Finance: A European Perspective, edited by J.Langton, C.Trullols and A.Turkistani, Palgrave Macmillan, London;

Financial Sector, n.d. viewed 25 February 2019,  
<[http://www.bnm.gov.my/index.php?ch=en\\_publication&pg=en\\_fsmp&ac=7&en](http://www.bnm.gov.my/index.php?ch=en_publication&pg=en_fsmp&ac=7&en)>

GIFR 2017, Global islamic finance report;

International Islamic Financial Market 2013-2018, *Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market*;

M. Kabir Hassan, Rasem N. Kayed & Umar A. Oseni 2013, *Introduction to Islamic Banking & Finance*, Pearson Education, United Kingdom;

Nathif Jama Adam & Abdulkader Thomas 2005, *Islamic bonds: your guide to issuing, structuring and investing in sukuk*, Euromoney, United Kingdom;

Sudin Haron & Wan Nursofiza Wan Azmi 2009, *Islamic finance and banking system*, McGraw-Hill Professional, United States;

Зарипов И.А. 2016, Малайзия – флагман исламских финансов, Вестник финансового университета. №4. С118-129;

Исломий молиялар ва бинк тизими, Таржимон: Ботирхўжа Жўраев, Тошкент, O'zbekiston;

Мокина Л.С. 2017, «Исламские ценные бумаги как источник финансирования инвестиционных проектов и перспективы их размещения на финансовом рынке России», Российское предпринимательство. Том 18. №22. С.3429

Р.В.Абдуллаев ва С.М.Дусанов, 2007, Ислом иқтисодиётида молиявий муносабатлар, Ўзбекистон, Тошкент ислом университети;

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ

**Ж.Ж. Ахмедов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи

**Email:** axmedovjavohir90@gmail.com

**Аннотация.** Фармацевтика саноати замонавий иқтисодиётнинг мухим тармоқларидан бири ҳисобланади. Айниқса, фан-техника тараққиёти ва инновацион ривожланишнинг кучайиб бориши мазкур тармоқнинг сезиларли равишда кенгайишига таъсир кўрсатмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистон фармацевтика саноатини модернизациялаш жараёнида хорижий инвестицияларнинг ролини халқаро даражадаги илмий мақолаларни таҳлил қилиш асосида фармацевтика саноатининг мустақил тармоқ сифатида таркиб топиши ҳамда ривожланишида хорижий инвестицияларни аҳамияти очиб берилган. Шу билан бир қаторда тармоқни модернизациялаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги унда фармацевтика саноатининг тутган роли, унинг таркиб топиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган асосий шарт-шароит ва омиллар, тармоқ ишлаб чиқариш - инвестиция жиҳатидан тавсифининг таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** фармацевтика саноати, модернизациялаш ва диверсификациялаш, Ўзбекистонда фармацевтика корхоналари, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг омиллари, фармацевтика саноатига амалга оширилган инвестиция лойиҳалар, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурларни ишлаб чиқиш, тармоқнинг ишлаб чиқариш инвестиция жиҳатидан тавсифи.

**Аннотация.** Фармацевтическая промышленность является одним из важнейших отраслей современной экономики. В частности, развитие науки и техники, а также инновационное развитие способствовали значительному расширению данной отрасли. В данной статье на основе анализа научных статей международного уровня объясняется роль и развитие иностранных инвестиций в развитии фармацевтической промышленности как самостоятельной отрасли в процессе модернизации фармацевтической промышленности Узбекистана. В то же время необходимо обратить особое внимание на процесс модернизации отрасли, с учетом этого проанализирована роль фармацевтической отрасли, основные условия и факторы, влияющие на ее формирование и развитие, а также отраслевые производственно-инвестиционные характеристики.

**Ключевые слова:** фармацевтическая промышленность, модернизация и диверсификация, фармацевтические компании Узбекистана, факторы привлечения иностранных инвестиций, инвестиционные проекты в фармацевтической отрасли, разработка программ привлечения среднесрочных и долгосрочных иностранных инвестиций, производственно-инвестиционные характеристики отрасли.

**Abstract.** The pharmaceutical industry is one of the most important branches of the modern economy. In particular, the development of science and technology, as well as

*innovative development contributed to a significant expansion of the industry. In this article, based on the analysis of scientific articles of international level, the role and development of foreign investments in the development of the pharmaceutical industry as an independent industry in the process of modernization of the pharmaceutical industry of Uzbekistan is explained. At the same time, it is necessary to pay special attention to the process of modernization of the industry, taking into account this, the role of the pharmaceutical industry, the main conditions and factors influencing its formation and development, as well as industry-specific production and investment characteristics are analyzed.*

**Keywords:** pharmaceutical industry, modernization and diversification, pharmaceutical companies of Uzbekistan, factors of attracting foreign investment, investment projects in the pharmaceutical industry, development of programs to attract medium and long-term foreign investment, production and investment characteristics of the industry.

### Кириш

Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиб бориши билан миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Жумладан, ҳозирда ва бундан кейинги даврда Ўзбекистон олдида турган “энг устувор вазифа – бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир”.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларда иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, бунинг учун эса фаол инвестиция сиёсатини юритишнинг ўрни жуда муҳимdir. Бу борада амалга оширилган кўплаб чора-тадбирлар қаторида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари, шу жумладан, фармацевтика саноати тармоғини жадал ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини сифатли ва арzon дори воситалари билан таъминлаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707 сонли “2019-2021 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Президент Фармони фикримизнинг тасдигидир. Унга кўра, Фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётни тубдан ўзgartириш, жумладан, юқори технологик саноат ишлаб чиқаришига ўтиш жараёнларига эътибор қаратилаётган экан, фармацевтика саноатини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнига ҳам катта эҳтиёж сезилмоқда. Айниқса, тармоқни модернизациялашга алоҳида тўхталадиган бўлсак, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги таркибига кирувчи корхоналарнинг фаолиятига тўхталсак мақсадга мувофиқ саналади. Асосий ишлаб чиқариш фондлари таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, корхоналарнинг техника ва технологияларнинг аксарият қисми жисмоний жиҳатдан эскирган. Шу билан бирга, тармоқдаги техника ва технологияларнинг маънавий эскиришини ҳам ҳисобга олсак, у ҳолда модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш жараёнларининг объектив зарурлиги яққол намоён бўлади.

### Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар хорижлик иқтисодчи олимларидан Ю.А.Чайран, А.А.Лукъянова, М.П.Кукла, И.Б.Бродский,

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ГРОЛИ

Г.А.Шмарловская, Е.Н.Петрушкевич, Д.В.Муха ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўзифодасини топган. Ўзбекистон шароитида инвестициялар, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг турли масалаларига оид илмий изланишларни қатор олим ва мутахассислар, жумладан А.Ш.Бекмуродов, Ф.М.Рахматуллаева, Ф.Ў.Шомиев, Э.А.Махмудов, Ж.М.Азимов, С.А.Абдурахимова, Ж.А.Акрамов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Фармацевтика саноатига инвестицияларни жалб этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари М.Йованович, John L. McGuire, Horst Hasskarl, Gerd Bode, Ingrid Klingmann, Manuel Zahn, В.Б.Кондратьев, А.Иващенко, Д.Кравченко, Т.А.Холн, Н.В.Юргель, Н.С.Клунко ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган инвестицияларга оид кўплаб тадқиқот ишлар амалга оширилганига қарамасдан, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари, хусусан, фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи илмий тадқиқотлар етарли эмас. Айниқса, фармацевтика саноати тараққиётидаги тегишли ўсиш нуқталарига инвестицияларнинг мультиплекатив самарасининг таъсиридан фойдаланиш имконини берувчи аниқ ва мақсадга мувофиқ иқтисодий механизmlарни таркиб топтириш муаммоларига етарлича эътибор қаратилмаган.

### Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган. Ўзбекистон фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳолати, омиллари ва натижаларини тадқиқ этиш ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Тадқиқот ёзиш жараёнида илмий абстракт усули, объективлик тамойили, кузатиш, тақослаш, статистик гурухлаш, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Бугунги кунда, Ўзбекистон фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги муаммолари тизимини тадқиқ этишнинг зарурлиги ҳамда инвестицияларни киритиш обьектлари, уларнинг жозибадорлиги билан боғлиқ қатор назарий-услубий ва амалий масалаларига оид илмий изланишлар олиб борилмаганлиги мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини оширади.

### Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳолати, омиллари ва натижаларини тадқиқ этиш ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқишни мақсад қилиб белгиланди, ушбу мақсадларга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни бажарилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистонда иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, жумладан, юқори технологик саноат ишлаб чиқаришига ўтиш жараёнлари жадаллик билан амалга ошмоқда.

Ўзбекистонда фармацевтика саноати тармоғига мустақиллик йилларида янгидан асос солинди. Мустақилликка эришгунга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг деярли барчаси четдан келтирилар эди.

Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маълумотларига таянган ҳолда, охирги 10 йилда, мамлакат фармацевтика саноатига 1.2 млрд. доллардан ортиқ ҳажмда инвестициялар жалб этилган бўлиб, улардан 400 млн. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. Амалдаги фармацевтика корхоналари капитали таркибининг 36% хорижий ҳамкорлар ҳиссасига, 64% маҳаллий

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ГРОЛИ

иштирокчилар ҳиссасига тўғри келади. Бундай натижаларнинг қўлга киритилишида мамлакатимизда хорижий инвестицияларни рафбатлантириш ҳамда инвестиция мұхитини ривожлантириш борасидаги амалий чора-тадбирлар мұхим ўрин тутмоқда.

Хозирда мамлакатимизда 152 дан ортиқ фармацевтика корхонаси фаолият юритмоқда. Бу корхоналар бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси истеъмол қилаётган дори препаратларини атиги 35% ни ишлаб чиқармоқда.



**1-расм. Ўзбекистонда фармацевтика корхоналари сонининг ўсиши динамикаси**

Бундан ташқари, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган дори препаратлар дунёning 15 мамлакатига экспорт қилмоқда. Ачинарлиси шундаки, барча корхоналаримиз оригинал препаратлар эмас балки женерик дори воситаларини ишлаб чиқармоқда, бу эса аҳолининг дори дармонга бўлган реал эҳтиёжини тўла тўкис қоплай олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, фармацевтика тармоғига инвестиция киритишнинг ҳудудий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада олиб борилган таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз ҳудудлари бўйича фармацевтика корхоналарининг ташкил этилишида сезиларли даражада тафовутлар мавжуд. Барча корхоналарнинг 60 фоизи Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида жойлашган. Бу кўрсаткич Самарқанд (8 фоиз), Андижон (7 фоиз), Бухоро (6,2 фоиз), Сирдарё (5,8 фоиз), Наманган (4,8 фоиз), Сурхондарё (2,2 фоиз) вилоятларида нисбатан аҳамиятли даражада бўлса-да, Қашқадарё, ва Хоразм вилоятларида 1 фоизга ҳам бормайди. Шунга кўра, фармацевтика тармоғига инвестицияларни киритишда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам корхоналар ташкил этишга ҳамда мавжудларини модернизация қилишга устувор аҳамият қаратиш лозим.

Мамлакатимизда фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишда тармоқ хомашё базасини янада кенгайтириш ҳам мұхим ўрин тутади. Жумладан, Ўзбекистоннинг 23 туманида 50 гектардан зиёд майдонда заъфарон плантацияларини ташкил этиш, унинг хомашёсидан фармацевтика саноатида фойдаланиш, маҳсулотни экспортга йўналтириш режалаштирилган. Заъфарондан олинадиган доривор хомашё – қизил рангли гул устунчasi октябр-ноябрь ойларида терилади ва заъфарон тайёрлаш пунктларига юборилади. Бир гектар плантациядан ўртача 4 килограмм, иккинчи йили 7-8, кейинги йилларда 15-16 килограмм доривор ҳосил олинади. Жаҳон бозорида 1 килограмм хомашёнинг нархи 400 доллардан 1000 долларгача баҳоланади. Бугунги кунда заъфарон Эрон, Туркия, Озарбайжон, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Австралия каби ўн бешдан ортиқ мамлакатда етиштирилади.

2017-2019 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастиридан кўринадики, ушбу даврда фармацевтика тармоғида илгари импорт қилинган дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича 179 та лойиха амалга оширилиши режалаштирилган.

Жумладан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва Фанлар академияси 2019 йилдан бошлаб доривор ўсимликлар асосида 80% маҳаллийлаштириш даражасида субстанцияларнинг бир неча турларини ишлаб чиқаришга ўтади.

Тармоқка хорижий инвестицияларни жалб этишнинг омилларидан бири – уларга инвестицияни қабул қилувчи давлат томонидан аҳамиятли имтиёзларнинг яратиб берилиши ҳисобланади.



## 2-расм. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда тармоқ хусусиятларининг таъсири

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда тармоқ хусусиятларининг эътиборга олиниши муҳим ўрин тутади. Бу ўринда тармоқ хусусияти деганда жалб этилаётган хорижий инвестициянинг ҳажми, таркиби, амал қилиш муддатлари, фойда меъёри ва бошқа кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тармоқ фаолияти билан боғлиқdir. Шу каби вазифаларни амалга ошириш давлат томонидан хорижий инвесторларга бир қатор имтиёзлар беришни талаб этади.

Ушбу солиқ имтиёzlari табакалаштирилган тарзда, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар обьектига қараб турли муддатга тақдим этилади. Замонавий технологик асбоб-ускуна ёки ЭАВ кўринишидаги инвестициялар маъқул кўрилади. Бундан ташқари, барча минтақалар тенг маромда ва мақбул тарзда ривожланиши учун, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари, мамлакатнинг исталган ҳудудида жойлашган корхоналарга молиявий имтиёзлар берилади. Имтиёзларни қўллаш муддати давомида улардан олинган даромаднинг камида 50% қайта инвестициялашга ўйналтирилиши лозим.

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ГРОЛИ

Фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда аввало тармоқнинг замонавий тавсифидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳозирги шароитда жаҳонда фармацевтика бозорининг жадаллик билан кенгайиб боришида фармацевтика саноати маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг кучайиши катта таъсир кўрсатмоқда. Жумладан:

жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида аҳолининг турмуш даражаси ва моддий фаровонлик ошиб бориш билан соғлиқни сақлаш ва узоқ умр кўришга бўлган эҳтиёж тобора кучайиб бориши;


жаҳон ҳамжамияти томонидан инсоннинг соғлиғи ва умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи аҳамиятининг ошиб бориши;

аҳоли сонининг ўсиб бориши билан унга зарур бўлган дори-дармон ҳажмининг кўпайиши;

янгидан-янги касалликларнинг аниқланиши ва уларни даволаш усул ва воситаларининг кенгайиши ва ҳ.к.

Ўзбекистон фармацевтика саноатини ривожлантиришда инвестиция маблағларининг етарли даражада жалб этилиши мухим. Табиийки, ҳозирги иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва инновацион тараққиёт йўлига ўтиш шароитида фармацевтика саноати фаолиятини самарали ташкил этиш учун ички инвестиция маблағларининг етарли бўлмаслиги табиий. Шунга кўра, мазкур соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиз фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий тенденцияларини таҳлил этишда, энг аввало, мазкур тармоқда амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ҳамда улар асосида ишга туширилган обьектлар сонини кўриб чиқиш мухим саналади. Жумладан:



**3-расм. Ўзбекистон фармацевтика саноатида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари**

Таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки, тармоқда инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган фармацевтика корхоналари сони ўсиб борган. Улардаги инвестиция лойиҳалари сони таҳлил даврининг боши (2011-2013 йиллар) да қисқариб борган бўлса, 2014-2019 йилларда 35 тадан 52 тагача ўсган. Корхоналар ўсишида нисбатан барқарорлик кузатилсада, инвестиция лойиҳалари сонида бекарорлик мавжуд: 2011-2013 йиллар лойиҳалар сони 34 тадан 22 тага қадар қисқарган бўлса, 2014-2016 йилларда 42 тадан 54 тага қадар ўсган. 2017 йилда яна 20 тагача пасайиб, 2019 йилда 101 тагача ўсган.

Бунинг натижасида, тармоқдаги ишга туширилган обьектлар сони ҳам 2011 йилдаги 12 тадан 2015 йилда 23 тага қадар ошган. 2016 йилдан кейин бу кўрсаткичда пасайиш кузатилмоқда. Факат 2018 йилда 21 тага қадар ошган. Умумий

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ГРОЛИ

ҳолда, фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши жараёнида ижобий тенденцияларни кузатиш мумкин.

Фикримизча, фармацевтика саноати кесимида ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда қуидаги энг муҳим принциплар эътиборга олиниши лозим:

1) жалб этилиши кўзда тутилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг тармоқ фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг маҳсулотларига бўлган ички бозордаги эҳтиёжни қондириб бориш ва ташқи бозорга экспортни ошириб бориш талабидан келиб чиқкан ҳолда белгилаш;

2) хорижий инвестицияларни жалб этишни фармацевтика саноати тармоғини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда ташкил этиш. Бу ўринда стратегик ривожлантириш мақсадлари қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

республиканинг фармацевтика ишлаб чиқариш салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаётган ҳудудларида янги корхоналарни барпо этиш;

тармоқнинг мавжуд рақобатбардош хомашё базасидан самарали фойдаланиш;

тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ташқи бозорларга чиқишнинг алоҳида, қулай имкониятларидан фойдаланиш;

замонавий техника ва технологияларни жорий этиш орқали моддий-техникавий базани такомиллаштириш;

жаҳондаги таникли ва етакчи фармацевтика компанияларининг брендларидан фойдаланиш ва ҳ.к.;

### **Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан келгусида фармацевтика саноатида хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш ҳамда иқтисодий ва молиявий самарадорлигини оширишга бағишлиланган маҳсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг инвестицион фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуйини ишлаб чиқиша қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

### **Хуносас ва таклифлар**

1. Ўзбекистонда маҳаллий ресурс базаси асосидаги янги самарали дори воситалари ва препаратларини ишлаб чиқиш соҳасидаги инновацион лойиҳалар, илмий-тадқиқот ишланмалари ва лаборатория тадқиқотларини кучайтириш; инновацион лойиҳаларни турли корхоналар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан улушли молиялаштириш; қўшма корхоналарни ташкил этиш; фармацевтика саноатида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш; замонавий билим ва кўнингмага эга мутахассислар билан таъминлаш; маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фармацевтика саноатининг инвестицион жозибадорлигини кучайтиришга таъсир кўрсатади.

2. Фармацевтика саноати кесимида ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиша жалб этилиши кўзда тутилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг тармоқ фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг маҳсулотларига бўлган ички бозордаги эҳтиёжни қондириб бориш ва ташқи бозорга экспортни ошириб бориш талабидан келиб чиқкан ҳолда белгилаш; хорижий инвестицияларни жалб этишни фармацевтика саноати тармоғини стратегик ривожлантириш мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда ташкил этиш; хорижий

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ГРОЛИ

инвестицияларни жалб этишни фармацевтика саноати тармоғини стратегик ривожлантириш мақсадлари сари йўналтиришда бозор механизмлари ва давлатнинг тартибида солиш дастакларидан уйғун ҳолда фойдаланиш мухим аҳамият касб этади.

3. Табиийки, хорижий инвесторларнинг фармацевтика соҳасига инвестициялар киритишдан кўзлаган мақсадларининг устуворлиги кетма-кетлиги билан уни жалб этувчиларнинг мақсадлари устуворлиги кетма-кетлиги доимо ҳам мувофиқ тушмаслиги мумкин. Шунга кўра, фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни мақсадли жалб этиш механизмига мазкур мақсадларни мувофиқлаштириш жараёнини киритиш мухим ҳисобланади. Бундан кўринадики, маҳаллий хом ашё негизида юқори қўшилган қийматли тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишни Ўзбекистон фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш мумкин.

Умуман олганда, юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, шу жумладан маҳаллий дори воситаларининг халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилишини изчил йўлга қўйиш, асл фармацевтика ишланмаларини кўпайтириш, шунингдек, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арzon ва сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжининг тўлиқ қондириш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Американинг Ўзбекистондаги Us incorporated компанияси иштироқида эксклюзив тақдимот ўтказилди. - <http://www.uzpharmsanoat.uz/>

В Узбекистане до 2019 года реализуется 179 проектов в области локализации производства лекарств. - <https://gmpnews.ru/2017/03/v-uzbekistane-do-2019-goda-realizuetsya-179-proektov-v-oblasti-lokalizacii-proizvodstva-lekarstv/>

В Узбекистане утверждены 67 инвестиционных проектов по созданию новых фармпроизводств <https://gmpnews.ru/2017/03/v-uzbekistane-utverzhdeny-67-investprojektov-po-sozdaniyu-novyx-farmproizvodstv/>

Глобальная фармацевтическая промышленность , Кондратьев Владимир Борисович - руководитель Центра промышленных и инвестиционных исследований Института мировой экономики и международных отношений РАН, доктор экономических наук.<http://www.perspektivy.info/>

Заманов О. Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. - [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/sogliqni\\_saqlash\\_vazirligi\\_huzurida\\_farmacevtika\\_tarmogini\\_rivojlantirish\\_agentligi\\_tashkil\\_etildi](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/sogliqni_saqlash_vazirligi_huzurida_farmacevtika_tarmogini_rivojlantirish_agentligi_tashkil_etildi)

Иващенко А., Кравченко Д. Концепция инновационного развития отечественной фармацевтической отрасли. // Фарма 2020: Проблемы и перспективы. – 2009. – С. 19-26.

Инвестиционный гайд по фармацевтической отрасли Республики Узбекистан. Ташкент, 2013. – С.5.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – [www.uz.uz](http://www.uz.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига шарҳ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. ПҚ-2595-сон. 2016 йил 16 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. ПҚ-2595-сон. 2016 йил 16 сентябрь.

## МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**A.T. Абсаламов**

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

**Email:** akramabsalamov24@gmail.com

**Аннотация.** Ушбу мақолада Марказий банк пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмининг фоиз ставка каналининг моҳияти, макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири борасида олимлар қарашлари, фоиз ставка канали самарадорлигини белгиловчи омиллар таҳлил қилинган ҳамда мамлакатимизда унинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Шунингдек мазкур илмий мақолада мамлакатимизда трансмиссион механизм фоиз ставка каналининг фаолиятидаги муаммолар тадқиқ этилиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** трансмиссион механизм, механизм каналлари, пул-кредит сиёсати, пул бозори, индикатив фоиз ставка, қайта молиялаштириш фоиз ставкаси, реал бозор фоиз ставкаси, қимматли қофозлар бозори, давлат қарз мажбуриятлари, Филипс эгри чизиги, пул-кредит сиёсатида таргерлаш.

**Аннотация.** В этой статье центральный банк представляет сущность процентного канала трансмиссионного механизма денежно-кредитной политики, взгляды ученых на влияние макроэкономических показателей, а также проанализированы факторы, определяющие эффективность канала процентных ставок и раскрыты особенности в нашей стране. В этой научной статье мы также рассмотрели проблемы трансмиссионного механизма процентных ставок в нашей стране и разработали предложения и рекомендации по устранению этих проблем.

**Ключевые слова:** трансмиссионный механизм, каналы механизма, денежно-кредитная политика, денежный рынок, индикативный процентный ставка, ставка рефинансирования, рыночная процентная ставка, рынок ценных бумаг, государственные долговые обязательства, кривая линия Филипса, таргетирования в денежно-кредитной политике.

**Abstract.** This article analyzes the views of the Central Bank on the nature of interest rate channel of the monetary policy transmission mechanism on macroeconomic indicators, the factors determining the effectiveness of the interest rate channel and also revealing peculiarities of the interest rate channel in our country. In this article we have also examined the problems of the interest rate channel of the transmission mechanism in our country and developed proposals and recommendations on eliminating these problems.

**Key words:** transmission mechanism, channels of the mechanism, monetary policy, money market, indicative interest rate, refinancing interest rate, market interest rate, securities market, government debts, Phillips curve, monetary policy targeting.

### Кириш

Пул – кредит сиёсатининг трансмиссион механизми ўзига хос каналларга эга бўлиб, улар орқали пул – кредит сиёсатининг иқтисодиётга кўрсатадиган таъсир импульслари узатилади. Трансмиссион механизм каналлари монетар сиёсат қарорлар тўғрисидаги эълонлардан тортиб, пул – кредит сиёсати ва иқтисодиёт реал секторининг

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

бир бирига бўлган айрим ўзаро таъсир механизмларини ифодалайди. Трансмиссион каналларнинг узатувчи механизмлари бир бири билан боғлиқ макроиктисодий ўзгарувчан кўрсаткичлардан иборат бўлиб, улар пул - кредит сиёсатида содир бўлаётган ўзгаришларни узатиш учун мўлжалланган. Шунингдек, улар миллий иқтисодиётнинг ўзига хослигига, молиявий тизимга ва пул - кредит орқали мувофиқлаштиришни амалга ошириш методларига боғлиқдир. Шу ўринда қайд этиш жоизки бозор иқтисодиётида мамлакат марказий банкининг пул-кредит сиёсати катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга Марказий банк пул-кредит сиёсати фоиз ставка каналининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини, яъни трансмиссион механизм ҳолатини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

### Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Трансмиссион механизмга олимларнинг ёндашувларидан механизмнинг иқтисодиётга таъсир этиш каналлари вужудга келади. Ушбу каналлар бир қанча бўлиб, уларнинг моҳияти, таркиби ва уларнинг ишлаши борасида иқтисодий адабиётларда ягона фикр мавжуд эмас.

Пул-кредит сиёсати фоиз ставкаси канали моҳиятини биринчи бўлиб Дж.М.Кейнс очиб берган. Шунга қарамай олимлар ушбу каналнинг моҳиятига турлича қарашган. Жумладан Ирвенг Фишер (Irving Fisher, 1963) ва Уикселл Кнут (Wicksell Knut, 1950) қисқа мuddатда трансмиссия фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида таъсир этса, аммо узоқ муддатда корхона ва аҳолининг балансидаги ўзгаришлар натижасида таъсир этади деган фикрга келишган. Уларнинг фикрича пул массасининг ошиши дарҳол нарх даражасини оширмасдан, балки аҳоли бойлигини оширади, ҳамда улар ўзларининг балансларини мувофиқлаштириб кўпроқ истеъмол қиласди. Бунинг натижасида узоқ муддатда нарх ошишига олиб келади. Дж.Кейнс ҳам Ирвенг Фишер ва Уикселл Кнутларнинг бойлик эффектини ўзининг илмий ишларида кўриб чиқсан. Кейинчалик Дж.Тобин (Tobin James 1978) ҳамда М.Фридман (Friedman Milton, 1970) фоиз ставка канали билан нарх динамикаси ўртасида узоқ муддатда боғлиқлик мавжудлигини таҳлил қилган. Уларнинг таъкидлашича фоиз ставка канали трансмиссион механизм каналлари ичида энг муҳими бўлиб, унинг ўзгариши реал иқтисодиётга (товарлар бозорига) таъсир этишга қараганда молия бозорига тезроқ таъсир этади.

Трансмиссион механизмнинг фоиз канали хусусида тарихда жуда кўп олимлар ўз фикрларини билдириб ўтган. Уларга юқоридаги олимлар билан биргаликда Б.Бернанке ва А.Блиндерлар (B.Bernanke, A.Binder, 1992), Ж.Ротенберг ва М.Вудфордлар (J.Rotenberg, M.Woodford, 1988), Дж.Тейлор (J.Taylor, 1995), Ф.Мишキン (Frederic S. Mishkin, 1996), рус олимларидан С. Моисеев (Моисеев С.Р., 2002), Е. Леонтьева (Леонтьева Е.А., 2013) С. Дробышевскийларни (Дробышевский С.М., ва бошқ. 2008) ҳам келтирсак бўлади. Ушбу олимларнинг изланишлари асосан номинал фоиз ставка билан реал фоиз ставка ўртасида боғлиқликка ва фоиз ставканинг инфляцияга бўлган таъсирига қаратилган.

С.Сабаровский ҳамда С.Веберларнинг шартли импульс реакцияси функцияси (conditional impulse response function) орқали трансмиссион механизмнинг фоиз ставкаси канали детерминациясига баҳо беришга бағишланган илмий ишида улар устунли VAR таҳлилида йиллик статистик кўрсаткичларнинг ўрнига ойлик статистик кўрсаткичларни қўллаган. Бу орқали улар фоиз ставкаси каналининг иқтисодиётга таъсирини баҳолашда узоқ муддатли таъсирини кўриш билан бир қаторда ушбу каналнинг қисқа вақт оралиғида таъсир динамикасини ҳам кузатишган. Шу билан бирга, ушбу таҳлил модели ҳар бир давлатда фоиз ставка каналининг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш йўлларини, ҳамда ҳар бир давлат хусусиятидан келиб чиқиб, олинган натижаларни тақсимлаб ўрганиш мумкин. Олинган натижаларнинг тавсия беришига кўра фоиз ставкаси фаолиятининг структуравий характеристикаси ўша давлатдаги алмашинув курси эгилувчанлигига, регуляторларнинг сифатига, молия бозорининг ривожланганлигига, долларизация даражасига, инфляция кўрсаткичига, ҳамда банк тизимининг барқарорлигига, жумладан, банк тизимидағи рақобат даражасига, ликвидлилиги ва активларнинг сифатини баҳоловчи индикаторларга ва банк кредит портфелига боғлиқ. VAR натижаларига кўра банк ликвидлилигининг 20 фоиздан 80

фоизгача кўтарилиши фоиз ставка канали узатилиши кучининг 20 фоиз пунктга камайганлиги билан боғлик. Агар давлатда алмашинув курси фиксиранланган курс режимидан эркин сузига юрувчи курс режимига ўтилса, фоиз ставка каналининг узатилиш кучи 25 – 50 фоиз пункт атрофида ошади (Saborowski C., Weber S. 2013).


Юқоридаги илмий изланишлардан келиб чиқиб, фоиз ставкаси каналининг ишлаши борасида фикр юритар эканмиз, биринчи галда ушбу каналнинг фаолияти жуда оддий кўринади. Яъни нарх даражасини ўзгармас деб қараганимизда (қисқа муддатда фоиз ставкаси ўзгариши нарх даражасига таъсир қилмайди) марказий банк томонидан номинал фоиз ставкасининг туширилиши реал фоиз ставканинг ҳам тушишига олиб келади. Бу корхоналар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш харажатларининг камайишига ва ялпи талабнинг ошишига сабаб бўлади. Ялпи талабнинг ошиши натижасида ялпи ишлаб чиқариш ҳам ошади. Ёки аксинча ҳолат.

$$M \downarrow \rightarrow r \uparrow \rightarrow I \downarrow \rightarrow Y \downarrow$$

Бу ерда:

$M$  – пул массаси,  $r$  – фоиз ставка,  $I$  – корхоналарнинг инвестицион харожатлари,  $Y$  – ялпи ички маҳсулот.

Ушбу боғлиқлик фоиз ставка каналини бизга жуда оддий кўрсатади. Бизнинг фикримизча, аслида фоиз ставканинг иқтисодиётга таъсiri уч босқичда бўлиб уни қўйидаги чизмамида келтирамиз.



### 1-чизма. Трансмиссион механизм фоиз ставка каналининг иқтисодиётга таъсiri<sup>1</sup>

#### Тадқиқот методологияси

Фоиз ставка канали трансмиссион механизм каналлари ичida асосий канал ҳисобланади. Фоиз ставка каналининг фаолияти хўжалик юритувчи субъектларнинг марказий банк фоиз ставкаларига қанчалик таъсирча эканлигига боғлик. Агар марказий банк фоиз ставкалари ўзгаришининг пул бозоридаги фоиз ставкаларга таъсир кучли бўлса, бу ўз навбатида юридик шахсларнинг инвестицион фаолиятига ҳамда жисмоний шахсларнинг истеъмол харажатларига таъсир этади. Фоиз ставкалари ўзгариши ишлаб чиқариш фаолиятидаги кредит ва капитал ресурсларга ва ишлаб чиқариш рентабеллигига таъсiri орқали ЯИМ ҳамда ишсизлик даражаларининг ўзгаришига олиб келади.

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилди.

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, марказий банк реал фоиз ставкаларга таъсир этади деб қаралади. Шу билан бирга ривожланаётган давлатларда алмашинув курсини тартибга солиш мақсади кучлилиги марказий банкларнинг фоиз сиёсати таъсирини сусайтиради. Фоиз сиёсати асосий ролни ўйнайдиган давлатларда эса, марказий банкларнинг индикатив фоиз ставкаси мавжуд бўлади. Индикатив фоиз ставка – бу шундай фоиз ставка бўлиб, ушбу фоиз ставка иқтисодиётдаги бошқа фоиз ставкалар учун “мўлжал” вазифасини бажаради. Яъни иқтисодий субъектлар ўзларининг фоиз ставкаларини ушбу марказий банк фоиз ставкасининг ўзгаришига қараб мослаштиради. Мисол учун АҚШ Федерал Резерв Тизимининг Федерал фонд ставкаси, Европа Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси, Англия банкининг ҳисоб ставкаси, Россия Банкининг РЕПО операциялар фоиз ставкаларини индикатив фоиз ставкалар сифатида келтирсан бўлади.

Одатда марказий банкларнинг бу фоиз ставкаси кредит ташкилотларини қисқа муддатли кредитлаш фоиз ставкасини билдиради. Индикатив фоиз ставкани ўзгаришига орқали марказий банк иқтисодий субъектларга қандай сиёсат юритаётганини ҳақида хабар беради. Индикатив фоиз ставканинг ўзгаририлиши қисқа муддатли бозор фоиз ставкаларининг ўзгаришига ва биринчи босқичда ушбу пул бозоридаги қисқа муддатли фоиз ставкалар ичida банклараро кредит фоиз ставканинг ўзгаришига таъсир қилади. Кейинчалик ушбу фоиз ставканинг ўзгариши қисқа ва узоқ муддатли молиявий инструментлар фоиз ставкаларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Индикатив фоиз ставка бир вақтнинг ўзида тўғридан-тўғри ҳамда ўзининг психологик сигнали орқали бозор фоиз ставкаларига таъсир қилиш кучига эга.

Агар индикатив фоиз ставка иқтисодиётда, бозор фоиз ставкаларига таъсири етарли даражада бўлмаса, марказий банк очиқ бозор операцияси каби бошқа инструментлардан фойдаланиш мумкин. Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсати мамлакатда давлат қарз мажбуриятларини билдирувчи облигациялар бозори етарли даражада ривожланганлигига боғлиқ. Агар мазкур қимматли қоғозлар бозори кенг ва ликвид бўлса ушбу инструмент яхши ишлайди, агарда мамлакатда қимматли қоғозлар бозори хажми тор ва ликвид бўлмаса марказий банкнинг мазкур инструменти ишламайди.

Марказий банк томонидан реал бозор фоиз ставкаларига таъсир этишидан ташқари монетар сиёсатни олиб борища битта аниқ мақсадни белгилаб олиш зарур. Ушбу мақсад монетар сиёсат олиб бориш усусларидан яъни таргетлаш турларидан бирини танлаб олишини билдиради. Монетар сиёсатда таргетлашнинг тўртта тури мавжуд бўлиб, булар фоиз ставкани таргетлаш, пул массаси ўсишини таргетлаш, алмашинув курсини таргетлаш ҳамда инфляцияни таргетлашдир. Таргетлашни қўллаганда иккита аҳамиятли жиҳати бор, яъни булар таргетлаш частотасини (коридорини) ҳамда таргетлаш муддатини аниқлаб олиш керак. Монетар сиёсатда таргетлашнинг муҳимлиги шундаки, бунда марказий банк таргетлаш турини танлаш орқали иқтисодий субъектларга келажакда марказий банк узоқ муддатли мақсадига қандай йўлдан боришини билдиради. Агар марказий банк бир вақтнинг ўзида бир нечта таргетлашни мақсад қилиб олса (мисол учун алмашинув курсини таргетлаш ҳамда инфляцияни таргетлаш) унда марказий банкнинг иқтисодиётга таъсири ҳамда иқтисодий субъектларга йўллаётган сигнали тушунарсиз бўлади ва монетар сиёсат трансмиссион механизм каналларининг таъсири сусаяди. Шундай экан марказий банк реал фоиз ставкаларга таъсир этиш билан бир вақтда монетар сиёсат таргетини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аксарият марказий банкларнинг бош мақсади мамлакатда инфляцияни тартибга солиб туриш ҳисобланади. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин марказий банкларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти кучайиб борди. Улар юқорида келтирган мақсаддага эришиш йўлида бир қанча усуслардан фойдаланишган. Аммо 1990 йилдан кейин айрим давлатлар марказий банклари инфляцияни билвосита эмас балки бевосита тартибга солиш учун тўғридан-тўғри инфляцияни таргетлашга ўтишган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам инфляцияни тўғридан-тўғри таргетлашга босқичмабосқич ўтишни ўзининг олдига мақсад қилиб олди. Бунга Президентимиз Шавкат

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори асос бўлди.

Марказий банк монетар сиёсат трансмиссион механизм фоиз ставка каналининг молия бозорига таъсирини кучайтирувчи омиллардан бири тижорат банклари пассивларида марказий банкдан олган кредит ресурслари салмоғига ҳам боғлиқ. Агар тижорат банклари марказий банкдан қайта молиялаштириш операцияси асосида олган кредитлари умумий баланс пассивида катта салмоққа эга бўлса, у ҳолда марказий банк томонидан фоиз ставканинг ўзгартирилиши банклараро кредит фоиз ставкасининг, тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларининг ўзгаришига олиб келади.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда айтишимиз мумкинки марказий банк трансмиссион механизм фоиз ставка каналининг реал фоиз ставкаларга таъсир этиши қўйидаги омилларга боғлиқ:

**Трансмиссион механизм фоиз ставка каналининг реал фоиз ставкаларга таъсирини белгиловчи омиллар**

- Марказий банкда аниқ бир индикатив фоиз ставканинг бўлиши;
- Давлат қўмматли қофозлар бозорининг ривожланганлик даражаси;
- Марказий банкнинг олдида битта аниқ мақсад (таргет) бўлиши.
- Тижорат банклари баланс пассивида марказий банкдан олган кредитлар салмоғи.

**Таҳлил ва натижалар**

**Марказий банкда аниқ бир индикатив фоиз ставканинг бўлиши**

Ҳозирги даврда дунёning кўпчилик марказий банкларида трансмиссион механизм каналлари ичida асосийси фоиз ставка канали бўлиб қолмоқда. Марказий банклар асосий индикатор фоиз ставка чегарасини белгилаш орқали биринчи навбатда пул бозоридаги фоиз ставкаларга таъсир кўрсатади. Сўнгра ушбу пул бозоридаги фоиз ставкаларнинг ўзгаришига тўғри пропорционал шаклда депозит ва кредит фоиз ставкалари мослашади. Иқтисодий муҳит ва иқтисодий субъектлар ушбу ўзгаришга мос ўз фаолиятларини мослаштиришади.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки учун индикатив фоиз ставка сифатида қайта молиялаштириш фоиз ставкасини олишимиз мумкин. Аксарият давлатлар марказий банкларининг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси пул бозоридаги фоиз ставкаларнинг юқори чегарасини белгилайди. Пул бозоридаги фоиз ставкаларнинг қўйи чегарасини марказий банкларнинг депозит фоиз ставкаси белгилайди. Аммо бизнинг марказий банкимизда депозит фоиз ставка энди жорий қилинмоқда. Шундай экан Марказий банк фақат қайта молиялаштириш фоиз ставкасидан реал бозор фоиз ставкаларга таъсир қилиш учун фойдаланади.

Марказий банк фоиз ставкасининг реал фоиз ставкаларга таъсири ва бунинг натижасида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишимизда биз асосли равишда таҳлил муддатларини икки қисмга бўлиб ўрганишимиз мақсадга мувоғиқ бўлади. Чунки Ўзбекистон Марказий банки 2016 йилга қадар қайта молиялаштириш фоиз ставкасидан тижорат банкларини кредитлаш сифатида фойдаланилмаган. Ушбу фоиз ставканинг реал бозор фоиз ставкаларга таъсир канали фақат икки омил орқали вужудга келган. Булар ушбу фоиз ставкага боғлиқ бўлган имтиёзли кредитлар фоиз ставкалари ҳамда бу фоиз ставканиг психологик таъсири орқали реал бозор фоиз ставкалар ўзгарган.

2017 йилда Марказий банк пул-кредит сиёсатидаги кескин ўзгариш, валюта сиёсатини либераллаштирилиши ҳамда банк тизими фаолиятининг янада эркинлаштирилиши қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг реал иқтисодиётга таъсири, инфляцияни жиловлашда қисман сезиларли кучга айланди.

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шундай экан биз қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг реал фоиз ставкаларга таъсирини баҳолашда шартли равишда 2013-2016 йилларга ҳамда 2017-2018 йилларга бўлиб ўрганамиз.



**1-расм. Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан пул бозоридаги фоиз ставка ўртасидаги алоқадорлик<sup>2</sup>.**

Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан пул бозоридаги фоиз ставка ўртасидаги алоқадорлик 2013-2016 йилларда мавжуд бўлмаган. Тартиб бўйича тўғри пропорционалликка эга бўлган икки кўрсаткичларнинг юқори боғлиқлигини билдириш учун корреляция коэффициенти  $0,85 < \rho < 1,00$  орасида бўлиши керак. 2013-2016 йиллар кесимида таҳлил қилганимизда корреляция коэффициенти 0,41 га тенг бўлиши қайта молиялаштириш фоизи билан пул бозоридаги фоиз ўртасида боғлиқлик қонунияти йўқлигидан дарак беради. 2013 йилдан олдинги даврни ҳам кузатсак шундай ҳолатга дуч келишимиз табиий.

2017-2018 йилларда Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан пул бозоридаги фоиз ставка ўртасида сезиларли боғлиқлик бўлиб, корреляция коэффициенти  $\rho=0,95$  га яқин бўлмоқда. Бу ушбу икки фоиз ставка ўртасида боғлиқлик юқори эканлигини, ҳамда Марказий банк пул бозорига фоиз ставкаси орқали таъсир этиши тўғри чизиқли функция орқали ифодаланишини кўришимиз мумкин. Ушбу функцияни ҳамда бу функция Марказий банк фоиз ставкасининг реал бозор фоиз ставкага таъсирини прогноз қилишга ёрдам беради.

Ривожланган давлатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси биринчи галда банклараро кредит фоиз ставкасига таъсир кўрсатади. Бу фоиз ставкани пул бо зоридаги фоиз ставка ҳам деб аташади. Иккинчи босқичда ушбу пул бозоридаги фоиз ставка тижорат банкларининг қисқа муддатли (асосан 1 йиллик) депозит ҳамда кредит фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади. Шундай экан, биз кейинги таҳлилимини пул бозоридаги фоиз ставканинг тижорат банклар депозит ҳамда кредит фоиз ставкаларига таъсирини ўрганамиз.


Шуни таъкидлаш жоизки, биз юқорида фақат тижорат банкларининг депозит ҳамда кредит фоиз ставкалари ҳақида гапирмоқдамиз. Аммо ривожланган давлатларда реал фоиз ставкаларнинг таъсири нафақат тижорат банклар депозит ёки кредит фоиз ставкаларига балки, нобанк кредит ташкилотларининг ҳам ушбу фоиз ставкаларига таъсиричанлиги ўрганилади. Бизнинг мамлакатимизда нобанк кредит ташкилотларининг

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти <http://cbu.uz/en/statistics/e-gdds/data/111576/> олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан хисоблаб чиқилди.

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда ушбу молиявий ташкилотлардаги ресурсларнинг тижорат банкларидағи ресурслар билан рақобат қила оладиган даражада эмаслиги мазкур нобанк кредит ташкилотлари фоиз ставкаларининг ўзгариши таҳлилимиз эътиборидан четда қолдирилмоқда.

2013-2016 йиллар мобайнида қайта молиялаштириш фоиз ставкаси паст бўлсада аҳолининг депозит фоиз ставкалари юқори бўлган. Жумладан 2013 йил биринчи чорагида Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси 12% бўлсада аҳолининг 1 йилгача бўлган муддатли депозитларининг ўртача чораклик фоиз ставкаси 22,13% бўлган. Хатто 2014 йил мобайнида Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг 10% ҳолатида сақланиши ҳам аҳолининг қисқа муддатли депозитлари фоиз ставкасини туширишга олиб келмаган. Жумладан, 2014 йил мобайнида қайта молиялаштириш фоиз ставкаси 10% ҳолатида бўлган бўлса, аҳолининг қисқа муддатли депозитлари фоиз ставкаси 22% ҳолатида сақланган. Бундан ҳулоса қилсак бўладики Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси белгиланган бўлсада, тижорат банкларига ушбу фоизда кредитлар бермаган. Шундай экан тижорат банклари ресурс жалб қилиш мақсадида аҳолининг қисқа муддатли депозитларига юқори фоиз таклиф қилишган. Бу ҳолат 2016 йилнинг охирига қабар давом этган. 2017 йилдан бошлаб аҳолининг қисқа муддатли депозитлар фоизи Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасига мослашган.



**2-расм. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ҳамда пул бозоридаги фоиз ставканинг тижорат банкларининг 1 йиллик муддатга жисмоний ва юридик шахслардан жалб қилган депозитларига таъсири<sup>3</sup>.**

Ушбу расмдаги маълумотлар асосида юқоридаги таҳлил натижаларимизни тижорат банкларнинг юридик шахслардан жалб қилган қисқа муддатли депозит фоиз ставкаси билан Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқликеа ҳам қўлласак бўлади. Яъни Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси қандай ўзгармасин тижорат банкларининг юридик шахслардан жалб қилган қисқа муддатли депозит ставкалари бетартиб ўзгарган.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти <http://cbu.uz/en/statistics/e-gdds/data/111576/> олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан хисоблаб чиқилди.

## 3-жадвал

**Асосий қисқа муддатли фоиз ставкаларнинг ўзаро корреляцияси<sup>4</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Корреляция коэффициенти ( $\eta$ )	
		2013-2016 йиллар	2017-2018 йиллар
1.	Қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан қисқа муддатли <u>ахоли</u> депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,83	-0,69
2	Қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан қисқа муддатли <u>юридик шахслар</u> депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,26	0,99
3	Пул бозоридаги фоиз ставка билан қисқа муддатли <u>ахоли</u> депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,67	-0,63
4	Пул бозоридаги фоиз ставка билан қисқа муддатли <u>юридик шахслар</u> депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,46	0,97

Тижорат банкларининг аҳолидан ҳамда юридик шахслардан жалб қилган қисқа муддатли депозит фоиз ставкаси 2013-2016 йиллар оралиғида нафақат Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасига балки пул бозоридаги фоиз ставкага ҳам алоқадорлиги бўлмаган. Буни биз юқоридаги жадвал маълумотларидан янада яққол кўришимиз мумкин.


Ушбу жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ҳамда пул бозоридаги фоиз ставка билан тижорат банкларининг қисқа муддатли депозитлари фоиз ставкалари ўртасида 2013-2016 йиллар мобайнида корреляцион боғлиқлик бўлмаган. Бунга сабаб сифатида Марказий банк тижорат банкларига кредит бермаганилиги, ҳамда пул бозори ҳажмининг торлиги натижасида тижорат банклари ушбу бозордан етарлича ресурс жалб қила олмаганилиги оқибатида банклар учун аҳолининг ҳамда юридик шахсларнинг депозитларидан бошқа ресурс манбаси йўқлигини билдиради.

2017-2018 йиллар оралиғини таҳлил қиласак, Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг ҳамда пул бозоридаги фоиз ставканинг қисқа муддатли депозитларга корреляцияси жуда юқори бўлган. Яъни ушбу индикатив фоиз ставканинг қисқа муддатли фоиз ставкаларга тўғридан-тўғри таъсир кучига эга. Жумладан қайта молиялаштириш фоиз ставканинг юридик шахсларнинг қисқа муддатли депозит фоиз ставкаси билан корреляцияси 0,99 бўлган бўлса, пул бозоридаги фоиз ставканинг ушбу депозит фоиз ставкаси корреляцияси 0,97 ни кўрсатмоқда.

Қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг ҳамда пул бозоридаги фоиз ставканинг қисқа муддатли аҳолининг депозит фоиз ставкаларига таъсири тескари корреляцияга эгалигидан (мос равишда -0,69 ва -0,63) қўйидагиларни хуроса қилсан бўлади. Яъни ушбу индикатив фоиз ставканинг 2013-2016 йиллар мобайнида паст бўлишига қарамасдан аҳоли депозит фоиз ставкалари фоизи юқорилигича қолган. Бу масалада биз юқорида мулоҳаза қиласак, 2017-2018 йиллар мобайнида қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг ошишига қарамасдан аҳолининг қисқа муддатли депозит фоиз ставкаларининг пасайишига сабаб олдинги даврда мазкур фоиз ставкалари ўртасидаги фарқнинг юқори бўлганлигидадир. Яъни Марказий банк тижорат банкларига кредит беришни бошлагандан кейин ушбу фоиз ставкалар бир-бирига яқинлашишни бошлашган. Шунинг учун ҳам улар орасидаги корреляция манфий бўлмоқда.

<sup>4</sup>Фоиз ставкаларнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустакил хисобланди.

Мантиқан олиб қараганда Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси депозит бозорига қараганда кредит бозорига сезиларли таъсир қилиши керак. Чунки Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси кредит бозоридаги фоиз ставканинг қўйи чегарасини билдиради. Қўйида биз ушбу индикатив фоиз ставкаларнинг кредит бозорига таъсирини кўриб чиқамиз.



**4-расм. Кредит фоиз ставкалари билан индикатив фоиз ставкалар ўртасидаги боғлиқлиги<sup>5</sup>.**

Расмдаги маълумотлардан кўрсак бўладики, Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасига тижорат банкларининг қисқа муддатли кредит фоиз ставкаси кўпроқ таъсирчан экан. Нафақат бу боғлиқлик 2017 йилдан кейин кузатилмоқда балки ундан олдинги даврларда ҳам таъсирчан эканлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда марказий банкларнинг тижорат банкларини кредитлаш фоиз ставкасига тижорат банкларнинг қисқа муддатли кредит фоиз ставкаси таъсирчан ҳисобланади. Марказий банкларнинг тижорат банкларини кредитлаш фоиз ставкалари, жумладан, қайта молиялаштириш фоиз ставкаси, дисконт фоиз ставка, ҳисоб фоиз ставка, РЕПО фоиз ставкалари, овернайт фоиз ставкалари шулар жумласидандир. Ушбу фоиз ставкалар кредит бозоридаги фоиз ставкаларнинг қўйи чегарасини аниқлаш беради.

Ўзбекистон Республикасида ушбу алоқадорликни янада яққолроқ кузатиш учун ушбу фоиз ставкалар ўртасидаги корреляцияни кўришимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Кредит бозоридаги корреляцион боғлиқликни кузатадиган бўлсак, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан тижорат банкларининг қисқа муддатли кредит фоиз ставкалари ўртасидаги боғлиқлик узок муддатли кредит фоиз ставкаси ўртасидаги корреляцияга қараганда кучлироқ экан. Жумладан, 2013-2016 йиллар ўртасида ушбу кўрсаткичлар ўртасида корреляция 0,81 ни ташкил этган бўлса, 2017-2018 йилларда бу кўрсаткич 0,91 ни ташкил этмоқда. Буни қуйидагича тушунтиrsак бўлади, яъни бу йиллар оралиғида Марказий банк тижорат банкларига қайта молиялаштириш фоиз ставкасида кредит бермаган бўлсада аксарият имтиёзли кредитлар фоизи айнан қайта молиялаштириш фоиз ставкасига боғланган бўлади. Демак тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари фоизининг ўзгариши бевосита уларнинг бозор механизмида бераётган қисқа муддатли кредитлари фоизига таъсир

<sup>5</sup>Марказий банк расмий сайти [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) маълумотларидан фойдаланган холда муаллиф томонидан ўртача чораклик фоиз ставалар ҳисобланган.

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

этган. 2017-2018 йиллар оралиғидаги ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцияни кўрадиган бўлсак, бунда тижорат банкларининг Марказий банкдан кредит олиш механизмининг ишга тушганлиги турткни вазифасини бажарган. Аксарият ривожланган давлатларда тижорат банклари қисқа муддатли кредитларини айнан марказий банкдан олган кредитлари ҳисобига беради. Шундай экан марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг тижорат банклари қисқа муддатли фоиз ставкасига таъсири сезиларли бўлиб қолган.

**7-жадвал**

**Кредит бозоридаги қисқа ва узоқ муддатли фоиз ставкаларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>6</sup>**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Корреляция коэффициенти (<math>\eta</math>)</b>	
		<b>2013-2016 йиллар</b>	<b>2017-2018 йиллар</b>
1.	Қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан тижорат банкларининг <u>қисқа муддатли кредит</u> фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,81	0,91
2	Қайта молиялаштириш фоиз ставкаси билан тижорат банкларининг <u>узоқ муддатли кредит</u> фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,63	0,83
3	Пул бозоридаги фоиз ставка билан тижорат банкларининг <u>қисқа муддатли кредит</u> фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,71	0,89
4	Пул бозоридаги фоиз ставка билан тижорат банкларининг <u>узоқ муддатли кредит</u> фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқлик	0,56	0,83

Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг тижорат банклари узоқ муддатли кредитлари фоиз ставкасига корреляцияси 2013-2016 йилларда 0,63 ни ташкил этган бўлса, 2017-2018 йиллар оралиғида бу кўрсаткич 0,83 ни ташкил этган. Қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг тижорат банклари узоқ муддатли кредит фоиз ставкасига корреляцияси қисқа муддатли кредит фоизларига корреляцияси каби юқори эмаслигига сабаб тижорат банклари узоқ муддатли кредитларини Марказий банк кредитлари ҳисобига эмас, балки муддатли депозитлар ва айрим ҳолларда талаб қилиб олингунча бўлган депозитлардан беради. Шунда ҳам 2017 йилдаги Марказий банк пул-кредит сиёсатидаги эркинлик ушбу кредит бозорига ижобий таъсир этган.

**Давлат қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси.**

Марказий банк пул-кредит сиёсатининг бозор иқтисодиётiga тўла жавоб берадиган инструментларидан бири бу очик бозор сиёсатидир. Агар марказий банклар индикатив фоиз ставкасига эга бўлмаса очик бозор сиёсати орқали реал бозор фоиз ставкаларга таъсир кўрсатади. Аксарият марказий банклар очик бозор сиёсатини олиб боришида фақат давлат қимматли қоғозларидан фойдаланишади. Бизнинг марказий банкимиз ҳам очик бозор сиёсатини олиб боришида худди шундай турдаги қимматли қоғозларидан фойдаланишади. Жумладан, 1995 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-154-І-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасида “...Марказий банк давлатнинг қимматли қоғозлари, шунингдек Марказий банкнинг ўзи чиқарган қарз мажбуриятларини харид қилиши ва очик бозорда сотиши мумкин”лиги белгилаб қўйилган.

2017 йилга қадар бўлган даврни кузатадиган бўлсак, узоқ йиллар давомида давлат бюджет профицити кузатилган. Бу Молия вазирлигига ортиқча қарз олиш мажбурлигини билдиримайди. Шундай экан Молия вазирлиги давлат қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш хажми жуда кичик бўлган.

Жумладан, 1996-2011 йилларда Ўзбекистонда умумий қиймати 803,1 миллиард сўмлик, йиллик ўртача қиймати 50 миллиард сўм бўлган давлат қимматли қоғозлари муомалага чиқарилган. 2011 йил ҳукумат қарори билан давлат қимматли қоғозларини

<sup>6</sup>Фоиз ставкаларнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустакил ҳисобланди.

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

муомалага чиқариш ва олдин муомалада бўлган қимматли қоғозлар сўндирилган. Шундай экан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсати инструментларидан бири бўлган очик бозор операциясини олиб бориш кўлами жуда қисқарган.

Бошқа томондан олиб қараганда, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори етарли даражада ривожланмаганинги давлат қимматли қоғозлари ва Марказий банк ўзи чиқарган қарз мажбуриятлари фоизи рақобат асосида белгиланмаганинги ва улар паст даражада бўлиши тижорат банклари қизиқишига сазовор бўлмаган.

2018 йилдан бошлаб Молия вазирлигининг фискал сиёсатида кўп ўзгаришлар кузатилмоқда, жумладан муомалага қарз мажбуриятларини чиқариш борасида ҳам. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат ғазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1016-сонли қарори мамлакатимизда давлат қимматли қоғозлари муомаласини, улар бўйича савдони ривожлантиришда туртки бўлди. Ушбу қарорнинг 2 қисмида “...давлат қимматли қоғозлари чиқарилишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги номидан ва ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (фискал агент) томонидан «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖнинг савдо майдончаси орқали жойлаштирилади ва сўндирилади” деб белгиланган.

#### 8-жадвал

#### **Ўзбекистон Молия вазирлигининг муомаларга киритилган давлат қимматли қоғозлари ҳажми ва фоизи<sup>7</sup>**

<b>№</b>	<b>Аукционлар ўтказилган сана</b>	<b>Жойлаштирилган ДҚҚ суммаси (млрд.сўм)</b>	<b>Жойлаштирилган ДҚҚ сони (донада)</b>	<b>ДҚҚ ўртача ийлли к фоизи</b>	<b>ДҚҚ муомал а даври</b>	<b>ДҚҚ сўндириш санаси</b>
1	26.12.2018	184,1	197100	14,10	6 ой	26.06.2019
2	28.12.2018	203,1	200000	14,22	12 ой	27.12.2019
3	29.12.2018	204,9	200000	14,86	36 ой	24.12.2021
4	20.02.2019	60,9	60000	13,33	12 ой	19.02.2020
5	28.02.2019	40,7	40000	12,98	12 ой	27.02.2020
6	05.03.2019	30,02	30000	14,94	12 ой	04.03.2020
7	12.03.2019	40,16	40000	14,54	12 ой	11.03.2020
8	19.03.2019	81,46	80000	12,94	12 ой	18.03.2020
<b>Жами:</b>		<b>845,34</b>	<b>847100</b>	<b>13,99</b>	-	-

Шунга биноан Марказий банк томонидан муомала даври 6 ой бўлган давлат қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича 2018 йил 26 декабрда биринчи аукцион ўтказилди. 2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра бу каби аукционлар саккиз маротаба ўтказилган бўлиб, жами 845,34 млрд. сумлик 847100 дона ўртача ийллик 13,99 фоизда давлат қимматли қоғозлар муомалага киритилган. 2018 йил 1 чорак бўйича ЯИМ 64958,0 млрд сўм бўлганлигини ҳамда давлат қимматли қоғозларининг ЯИМга нисбатан 1,3% ни ташкил этганлигини инобатга оладиган бўлсак, Марказий банкнинг очик бозор сиёсатини олиб бориш кўлами тор эканлигини кузатсак бўлади.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти <http://cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/gosudarstvennye-sennyue-bumagi/> олинган маълумотлар.

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хулоса қиласиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор сиёсатини олиб бориш механизми етарли даражада ривожланмаган. Аммо ушбу механизмни ривожлантиришни бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнига қўйилган яна бир қадам сифатида кўриш керак.

**Марказий банкнинг олдида битта аниқ мақсад (таргет) бўлиши.**

1995 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-154-1-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонунга биноан Марказий банк бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадни икки томондан қараш керак. Биринчидан Марказий банк мамлакат ички иқтисодиётидаги инфляция даражасини тартибга солиб туриш бўлса, иккинчидан миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан алмашинув курси барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бизга маълумки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1990 йилларда асосий эътиборини мамлакатдаги гиперинфляцияни бартараф этишга қаратган эди. Мамлакатимизда инфляция даражаси 2003 йилгача 20% дан юқори даражада сақланган. 2003 йилда инфляция даражаси кескин пасайтирилиб 3,8 фоизга кейинги 2004 йили 3,7 фоиз бўлган. Бунинг натижасида Марказий банк иқтисодий климетни бир оз бўлсада яхшилади ҳам. Аммо инфляциянинг кескин пасайтирилиши (2002 йилда расмий маълумотга қараганда 21,6 фоиз бўлган) кўпгина хорижий валютада кредит олган тижорат банклари ва фирмаларнинг аҳволини ёмонлаштириди.

Инфляция даражасининг пастлиги узоқ йиллар давомида сақланиб келинди. Жумладан 2003 йилдан 2016 йилга қадар инфляция даражаси икки рақам билан ифодаланмайдиган бўлди. Айтишимиз мумкинки Марказий банк узоқ йиллар давомида мамлакатдаги инфляция даражасини эътибордан четда қолдиргани йўқ. 2017 йилдан иқтисодиётни янада эркинлаштириш, давлат харажатларининг оширилиши ҳамда алмашинув курсининг эркинлаштирилиши натижасида мамлакат иқтисодиётida инфляция даражасига босимнинг ошишига олиб келинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Пул-кредит сиёсатини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3272-сонли Қарори айнан ушбу инфляция даражасини пасайтириш ҳамда кўпгина ривожланган давлатлар сингани бизда ҳам Марказий банк олдида битта аниқ мақсад қўйиш учун яъни инфляцион таргетлашга ўтиш йўлини белгилаб берди.

**9-жадвал**

**Ўзбекистон Республика валюта биржасида Марказий банк томонидан амалга оширилган интервенция<sup>8</sup>**

(млн. АҚШ доллари)

<b>Давр</b>	<b>Тижорат банклар томонидан</b>		<b>Марказий банк томонидан</b>		
	<b>Сотиб олинган</b>	<b>сотилган</b>	<b>Сотиб олинган</b>	<b>сотилган</b>	<b>Соф интервенция</b>
2017 йил	1-чорак	1306,5	217,4	36,1	1125,2
	2-чорак	1380,7	335,8	104,0	1148,7
	июль-авг.	871,8	159,5	42,1	754,4
	сентябрь	475,0	826,7	372,9	21,2
	4-чорак	2183,0	1829,6	347,2	700,6
	<b>1 йилда</b>	<b>6217,0</b>	<b>3369,0</b>	<b>902,3</b>	<b>3750,1</b>
2018 йил	1-чорак	2022,3	1416,4	105,0	710,9
	2-чорак	2168,3	1857,5	238,0	548,9
	3-чорак	2566,5	1442,9	354,9	1478,6
	4-чорак	2775,5	1653,6	295,1	1417,0
	<b>1 йилда</b>	<b>9532,6</b>	<b>6370,4</b>	<b>993,0</b>	<b>4155,4</b>
					<b>3162,4</b>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени 2018 йил. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

**МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Марказий банк олдида мустақилликдан кейин яна бир мақсад доим бўлган. Бу миллий валютанинг хорижий валюта курсига нисбатан барқарорлигини таъминлаш ҳисобланган. Биз каби ривожланаётган давлатларда миллий валюта алмашинув курси доим марказий банклар олдида мухим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳатто 2017 йил 5 сентябрда миллий валюта курсининг эркинлаштирилиши ҳамда унинг эркин алмашинувини йўлга қўйилишига қарамасдан, Марказий банк доим интервенция ўтказиш орқали унинг алмашинув курсини эътибордан четда қолдиргани йўқ. Буни қўйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўрсак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан миллий валюта АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси пасайишнинг олдини олиш мақсадида 2017 йил 2847,8 млн. АҚШ доллари миқдорида интервенция амалга оширилган. Бу интервенциянинг катта қисми биринчи ва иккичи чоракларга тўғри келиб, мос равишда 1089,1 ҳамда 1044,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. 2017 йил сентябрь ойида миллий валюта конвертациясининг либераллаштирилиши натижасида фақат ўша ойда Марказий банк сотган валютасига қараганда сотиб олган валюта миқдори 351,7 млн. АҚШ долларга кўп бўлган. Аммо йилнинг қолган даврида Марказий банк кўпроқ валюта сотган.

2018 йилнинг биринчи ва иккинчи чоракларида умумий ҳисобда Марказий банк валюта интервенцияси 916,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, ўша йилнинг қолган икки чорагида халқаро вазиятларнинг ёмонлашуви натижасида миллий валюта алмашинув курси пасайишнинг олдини олишга ҳаракат қилган. Жумладан 2018 йилнинг учинчи ва тўртинчи чоракларида соф интервенция хажми мос равишда 1123,7 млн. АҚШ доллари ва 1121,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. Бундан кўрсак бўладики Ўзбекистон Республикаси Марказий банки миллий валюта курсини назоратдан четда қолдирмаган. Яъни 2017 йил ва 2018 йилларда Марказий банкнинг асосий мақсади валюта курсини таргетлаш ҳисобланган.

***Тижорат банклари баланс пассивида марказий банкдан олган кредитлар салмоғи.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йилдан бошлаб тижорат банкларига қайта молиялаштириш фоиз ставкасида кредит бериш амалиётини тўхтатган. Аниқроғи бу кредит хажми жуда сезиларсиз бўлган. Ундан олдинги даврда Марказий банк асосан йирик банкларга иқтисодиётнинг мухим соҳалари ва корхоналарига мақсадли кредит бериш билан шуғулланган. Ушбу соҳалар ва корхоналар мустақилликка эришгандан кейинги даврда мураккаб аҳволга тушиб қолганлиги учун давлат томонидан қўллаб қувватланган. 2017 йил июль ойидан бошлаб Марказий банк тижорат банкларига қайта молиялаштириш фоиз ставкасида кредит бериш амалиётини олиб бормокда.

**10-жадвал**

***Тижорат банклари балансида Марказий банкдан олган кредитларининг улуши<sup>9</sup> (трлн.сўмда)***

<b>№</b>	<b>Йиллар</b>	<b>Марказий банк кредитлари</b>	<b>Тижорат банклари жами пассиви (йил охирига)</b>	<b>Марказий банк кредитининг жами пассивдаги улуши (фоизда)</b>
1	2013	0,195	43,9	0,44
2	2014	0,119	56,2	0,21
3	2015	0,087	65,176	0,13
4	2016	0,064	80,362	0,08
5	01.2017-06.2017.	0,026	166,632	3,33

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти <http://cbu.uz/uzc/statistics/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

6	07.2017-12.2017.	5,515		
7	2018	17,851	214,420	8,33

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2013-2017 йил иккинчи чорагига қадар Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш хажми тижорат банклар пассивининг 1 фоизини ҳам ташкил этмаган.

2017 йил учинчи чоракдан бошлаб Марказий банк ривожланган давлатлар марказий банклари сингари тижорат банклари учун охирги инстанция вазифасини бажармоқда. Жумладан 2017 йилда Марказий банк кредитлари банклар жами пассивларидағи улуши 3,33 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич сезиларли тарзда ошиб 8,33 фоизни ташкил этган. Бу ҳолда Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг иқтисодиётга таъсири самарадорлигининг ошишига олиб келади.

### **Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк 1994 йилда миллий валютамиз мумомлага киритилгандан бошлаб мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бормоқда. Шу даврдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Марказий банк иккита бош мақсадни олиб бормоқда. Булар инфляция даражасини ва алмашинув курси барқарорлигини таъминлаш бўлмоқда. Инфляция даражасини пул массаси ўсишини таргетлаш орқали амалга ошириб келмоқда. 2021 йилга қадар Марказий банк факат битта мақсадга ўтишни режалаштироқда. Бу тўғридан-тўғри инфляцияни таргетлаш йўлидир.

Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг реал фоиз ставкаларга таъсирини икки босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқлигини келтирган эдик. Булар 2017 йилдан олдинги ва ундан кейинги даврлардир. Шундан кўриш мумкинки, 2017 йилдан олдинги даврда Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкаси реал бозор фоиз ставкаларга таъсири жуда суст бўлган. Демак Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасини ўша даврда индикатор фоиз ставка сифатида қабул қилиш керак эмас деган фикрга келдик.

2017 йилдан кейинги даврни кузатадиган бўлсак, Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасининг реал бозор фоиз ставкаларга таъсири сезиларли даражада ошиб бормоқда. Демакки, биз Марказий банк қайта молиялаштириш фоиз ставкасини кўрилаётган йиллар оралиғида индикатив фоиз ставка сифатида олишимиз мумкин.

Марказий банк индикатив фоиз ставкасининг муддатли депозит бозорига таъсири 2017-2018 йиллар оралиғида сезиларли бўлган. Асосан бу фоиз ставкасининг таъсири тижорат банкларининг юридик шахслардан жалб қилган муддатли депозитларига таъсири кучли бўлган. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банклари учун юридик шахсларнинг муддатли депозитлари банк пассивининг сезиларсиз қисмини ташкил этади. Улар учун асосан муддатли депозитлар ичida аҳолининг депозитлар аҳамиятга эга.

Қўйида биз Марказий банк индикатив фоиз ставкаси ва пул бозоридаги фоиз ставкани тижорат банклар кредит фоизларига таъсирини ўрганамиз. Шуни таъкидлаш керакки, йиллар давомида ушбу фоиз ставкалар асосан имтиёзли фоиз ставкаларга таъсири бўлган. Чунки имтиёзли фоиз ставкаларнинг аксарияти қайта молиялаштириш фоиз ставкаси боғланган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Марказий банк пул-кредит сиёсати трансмиссион механизми каналлари ичida фоиз ставка канали энг асосий ўринни эгаллайди. Ушбу каналдан кўпчилик давлатлар кенг фойдаланади. Биз юқорида фоиз ставка канали борасида олимларнинг фикрларини ўргандик ҳамда унга мос равишда мазкур каналнинг самарадорлигини

МАРКАЗИЙ БАНК ФОИЗ СТАВКА КАНАЛИНИНГ  
РЕАЛ БОЗОР ФОИЗ СТАВКАЛАРГА ТАЪСИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

аниқловчи омилларни келтирдик. Шу омилларнинг мамлакатимизда фоиз ставка каналига таъсирини статистик маълумотлар асосида ўрганишга ҳаракат қилдик.

Ушбу таҳлиллар натижасида қўйидаги муаммоларни аниқладик ҳамда уларни бартараф этиш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантиридик:

- Марказий банк томонидан пул бозоридаги фоиз ставкани аниқлаш усули билан Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан кунлик ҳисобланадиган UZIBOR ҳамда UZIBID кўрсаткичларининг бир бири билан мутаносиб келмаслигидир. Яъни Марказий банк пул бозоридаги фоиз ставкани аниқлашда тижорат банкларининг бир бирига берган кредитларининг ўртача фоиз ставкасини олади. Ўзбекистон банклари ассоциацияси эса кунлик тижорат банкларидан сўраган маълумотлари асосида UZIBOR ва UZIBID фоиз ставкаларини аниқлайди. Демак тижорат банклари Ўзбекистон банклари ассоциациясига бошқа маълумот бермоқда ҳамда банклараро кредитларини бошқа фоизда бермоқда. Бу ҳолатни бартараф этиш учун қимматли қоғозлар бозорини тacomиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек ушбу бозорда тижорат банкларининг қисқа муддатли қимматли қоғозлар савдосини янада ривожлантириш лозим. Чунки пул бозори бу қисқа муддатли қимматли қоғозлар бозори ҳисобланади. Тижорат банкларининг қисқа муддатли қимматли қоғозлари олди-сотдиси етарли даражада ривожланмаганлиги учун банклараро кредитларни ўзаро тор доирада бир-бири билан келишган ҳолда амалга оширади. Бу банклараро кредит фоизи реал бозор фоизини бермайди.

- Таҳлил натижасида яна бир кўзга ташланган муаммолардан бири бу давлат қарз мажбуриятларининг етарли даражада тacomиллашмаганлигидир. Давлат қимматли қоғозларининг савдоси 2018 йилнинг охирида йўлга қўйилди ва унинг кўлами ҳали жуда тор ҳисобланади. Давлат қарз мажбуриятлари бозорини янада тacomиллаштириш учун ушбу қимматли қоғозларни нафақат тижорат банклари ёки юридик шахслар балки аҳолининг ҳам сотиб олишига рухсат берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бизга маълумки бозор иқтисодиётида бўш пул маблағлари юридик шахсларга қараганда жисмоний шахсларда кўпроқ мавжуд бўлади ва уларнинг қўлидаги бўш пул маблағларини молия бозорига киритиш орқали биз юридик шахсларга қўшимча молиявий ресурс яратиб беришимиз мумкин. Шунингдек давлат қимматли қоғозлари савдосининг ривожланиши фонд бозорида корпоратив қимматли қоғозлар савдосини ҳам ривожлантиради. Бизнинг фикримизча қимматли қоғозлар бозорини ривожлантирувчи локомотив бўлиб давлат қимматли қоғозлари ҳисобланади. Шу билан бирга давлат қимматли қоғозларининг ривожланиши Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсатини ҳам ривожлантиради.

Юқорида келтирган муаммоларни жамлаган ҳолда пул-кредит сиёсатидаги фоиз ставка канали самарадорлигини ифодаловчи қўйидаги жадвални шакллантиридик.

**Трансмиссион механизм фоиз ставка канали самарадорлигини белгиловчи омиллар таҳлили натижаси**

- Марказий банкда аниқ бир индикатив фоиз ставканинг бўлиши;  
*2017 йилга қадар – мавжуд бўлмаган*  
*2017 йилдан – мавжуд*
- Давлат қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси;  
*Ривожланганлик даражаси паст*
- Марказий банкнинг олдида битта аниқ мақсад (таргет) бўлиши;  
*Асосий мақсад иккита*
  - валюта курсини таргетлаш
  - инфляцияни таргетлаш
- Тижорат банклари баланс пассивида марказий банкдан олган кредитлар салмоғи.  
*Етарли даражада эмас*

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Barth M. J., Ramey V., (2000) The Cost Channel of Monetary Transmission. National Bureau of Economic Research Working Paper. April 2000. No 7675.
- Bernanke B., Blinder, A., (1992) The Federal Funds Rate and the Channels of Monetary Transmission. American Economic Review 82: 901-921.
- Bernanke B.S., Gertler, M., (1995) Inside the Black Box: the credit channel of monetary policy transmission mechanism. The Journal of Economic Perspectives 9(4), 27-48.
- Дробышевский С.М., Трунин П.В., Каменских М.В. (2008) Анализ трансмиссионных механизмов денежно-кредитной политики в российской экономике Москва: ИЭПП, 87 ст.
- Frederic S. Mishkin, (1996) The Channels of Monetary Transmission: Lessons for Monetary Policy. NBER Working paper 5464.
- Friedman Milton, (1970) A Theoretical Framework for Monetary Analysis Journal of Political Economy, March-April №978, 193-238.
- Horvath B., Maino R., (2006) Monetary Transmission Mechanisms in Belarus. IMF Working Paper 06/246.
- Irving Fisher., (1963) The Purchasing Power of Money: Its Determination and Relation to Credit Interest and Crises / Rev. Ed. New York: reprints of Economics Classics.
- Леонтьева Е.А., (2013) Механизм кредитно-денежной трансмиссии в России – Москва. ст 37.
- Моисеев С.Р., (2002) Трансмиссионный механизм денежно-кредитной политики. Финансы и кредит., 38-51.
- Rotenberg J.J., Woodford M., (1998) An Optimization-Based Econometric Framework for the Evaluation of Monetary Policy: Expanded Version. NBER. Technical Working Papers No.0223, Cambridge MA.
- Saborowski C., Weber S., (2013) Assessing the determinants of Interest Rate Transmission through Conditional Impulse Response Function. IMF Working Paper. WP/13/23.
- Taylor J.B., (1995). The Monetary Transmission Mechanism: An Empirical Framework. Journal of Economic Perspectives, 9 (4), 11-26.
- Tobin James, (1978) Monetary Policies and the Economy: The Transmission Mechanism. Southern Economic Journal, January № 44, 421-431.
- Wicksell Knut, (1950) Lectures on Political Economy / Vol. 2. Edited by Lionel Robins. London. Routledge and Kegan Paul Ltd.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Н.П. Қорабоев, Ш.Р. Ҳамдамов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳуzuридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази, таянч докторантлари

Email: nuriddin.qoraboyev@mail.ru, shhamdamov@mail.ru

**Аннотация.** Мақолада иқтисодий ўсиш омиллари эконометрик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ҳозирги ҳолати ўрганилиб кейинги йиллар учун илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** Иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлиги, капитал, фойда, эконометрик модел, инвестиция.

**Аннотация.** В статье анализируются факторы экономического роста эконометрическими методами. Изучалось современное состояние экономического роста в Узбекистане, и были разработаны научно обоснованные показатели прогнозов на последующие годы. Определены основные направления экономического роста.

**Ключевые слова:** Экономический рост, производительность труда, капитал, доход, эконометрическая модель, инвестиция.

**Abstract.** There is analyzed in the article the factors of economic growth implementing econometric methods. The current status of economic growth in Uzbekistan was studied, and the scientific justification of prognostic indicators for the following years were developed. The main directions of economic growth are determined.

**Keywords:** Economic growth, labor productivity, capital, income, econometric model, investment.

### Кириш

Иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар замирида доимо капитал ётади. Макро даражада капитални жалб этишга асосий таъсир этувчи омил - мавжуд соҳа ёки тармоқнинг фойда меъёридир. Фойда қанчалик юқори бўлса, тармоқقا киритилаётган капитал ҳам юқори бўлади. Бу ҳол бирламчи жараён ҳисобланса, унинг давомийлиги мавжуд капитал омилидан фойдаланиш ҳолатидан келиб чиқади. Тармоқларга киритилган капиталнинг ўсиши ушбу тармоқда меҳнат унумдорлигини ҳам ўсишига олиб келади. Чунки, меҳнат омили самарадорлигига таъсир этувчи асосий кўрсаткич унинг капитал билан таъминланганлиги, яъни капитал интенсивлик кўрсаткичи ҳисобланади.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш лозим. Барқарор иқтисодий ўсиш саръатларини ошириш учун эса, иқтисодий ўсишнинг асосий омилларини аниқлаш ва айнан ўша омилларга кўпроқ аҳамият бериш эҳтиёжи юзага келади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кенг қамровли

вазифалардан бири: Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва уни янада яхшилашдан иборат<sup>1</sup>.

Иқтисодий ўсиш мавзусини атрофлича ўрганиш мақсадида иқтисодий ўсиш масалалари бўйича эксперт – Жорж Вашингтон университети (АҚШ) профессори Денни Лайпцигернинг қарашлари билан танишдик. Унинг фикрича Хитой, Корея ва Вьетнам каби мамлакатларда кузатилган юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ушбу мамлакатларда қашшоқлик даражасини кескин пасайтиришга имкон берди. Иқтисодий ўсиш йўқ бўлган шароитда эса аҳолининг турмуш тарзи яхшилаши кутилмайди<sup>2</sup>.

Саноқли давлатларгина барқарор равишда йилига 7 фоиз даражада иқтисодий ўсиш суратларига эришган. Бугунги кунда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар кутилган натижаларни берса, Ўзбекистон бундай мамлакатлар қаторига кириш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, бу савол фақат юқори иқтисодий ўсишга эришиш масаласи эмас, балки бу ўсишдан ким наф кўриши ҳақида ҳам бўлиши керак. Шундай экан, миллатнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий сиёsat балансини таъминлаш керак.

### **Тадқиқот мотодологияси**

Тадқиқотда эконометрик корреляцион-регрессион таҳлил, квадратлар усулидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Иқтисодий ўсиш ва унинг сифатини эконометрик моделларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларни амалга оширидик. Жумладан, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларнинг корреляцион-регрессион таҳлили асосида қўйидаги чизиқли тенглама ишлаб чиқилди (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

### **Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари<sup>3</sup>**

<b>Ўзгарувчилар (Variables)</b>	<b>Коэффициент (Coefficient)</b>	<b>Стандарт хатолик (Std. Error)</b>	<b>T-статистика (t-Statistic)</b>	<b>Эҳтимолл ик (Prob.)</b>
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иш билан бандлиқдаги улуси (LKB_BAND_UL)	1.567603	0.802594	1.953170	0.0711
ТШИнинг жами инвестициялардаги улуси (LTXI_INV_UL)	0.335860	0.044604	7.529795	0.0000
Мехнат унумдорлигининг ўсиши (LMUUS)	0.310587	0.062048	5.005566	0.0002
Константа (C)	0.573881	0.088178	6.508224	0.0000
R <sup>2</sup> (R-squared)	0.966084	Эҳимоллик қиймати (Prob(F-statistic))		0.000000

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли Фармони; <http://lex.uz/docs/3107036>;

<sup>2</sup> <https://kun.uz/37880963>

<sup>3</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди. <https://stat.uz/uploads/docs/Sns-1991-2017-uz.pdf>

F-статистика (F-statistic)	132.9299	Дарбин-Уотсон статистикаси	(Durbin-Watson stat)	1.586057
----------------------------	----------	-------------------------------	----------------------	----------

Боғлиқ ўзгарувчи (Dependen Variable): Иқтисодий ўсиш суръати (LGDP)

Метод (Method): Энг кичик квадратлар усули (Least Squares)

Танланма даврлар (Sample): 1996 - 2015

Қабул қилинган кузатишлар сони (Included observations): 15.

1-жадвалда келтирилган ҳисоб-китоб натижалари асосида қўйидагича кўп омилли регрессион моделга эга бўлдик:

$$\text{GDP} = 1.5676 * \text{kb\_band\_ul} + 0.310587 * \text{mu\_us} + 0.33586 * \text{txi\_inv\_ul} + 0.57388$$

GDP – ЯИМ (ялпи ички маҳсулот);

kb\_band\_ul - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иш билан бандлиқдаги улуши;

mu\_us - меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати;

txi\_inv\_ul - тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши.

Маълумотларни кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иш билан бандлиқдаги улуши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати кучли боғлиқликни ифодаламоқда.

Шунингдек, иқтисодий ўсиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар боғлиқлигини аниқловчи эконометрик тадқиқотларни бажардик (2-жадвалга қаранг).

Эконометрик тадқиқотлар асосида иқтисодий ўсиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тарзида қўйидагиларни санаб ўтамиш: ЯИМнинг ўсиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иш билан бандлиқдаги ва ЯИМдаги улушлари, экспортнинг ЯИМ даги улуши, истеъмол харажатларининг ўсиш суръати ҳамда капитал интенсивлик коэффициенти.

## 2-жадвал

### Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари<sup>4</sup>

Боғлиқ ўзгарувчи (DependentVariable): Мехрат унумдорлигининг ўсиши (LMU\_US)

Метод(Method): Энг кичик квадратлар усули (LeastSquares)

Танланма даврлар (Sample): 1996-2015

Қабул қилинган кузатишлар сони (Included observations): 15.

Ўзгарувчилар (Variable)	Коэффициент (Coefficient)	Стандарт хатолик (Std. Error)	T- статистика (t-Statistic)	Эҳтимоллик (Prob.)
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иш билан бандлардаги улуши (LKB_BANDUL)	1.452635	0.367862	3.948860	0.0075
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши (LKB_YAIM_UL)	0.845434	0.216116	3.911952	0.0079

<sup>4</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди. <https://stat.uz/uploads/docs/Sns-1991-2017-uz.pdf>

Экспортнинг ЯИМдаги улуши (LEXP_UL)	0.217030	0.072223	3.004988	0.0239
Иқтисодий ўсиш суръати (LGDP)	1.232300	0.026305	46.84669	0.0000
LIST_XAR_US	0.080687	0.006376	12.65399	0.0000
(LKAP_INT_XOR)	0.071401	0.037465	1.905808	0.1003
Константа(C)	-1.039812	0.051852	-20.05340	0.0000
R <sup>2</sup> (R-squared)	0 .998663	Эҳтимоллик киймати (Prob(F-statistic))		0.000000
F-статистика (F-statistic)	747.2138	Дарбин- Уотсон статистикаси	(Durbin- Watson stat)	2.220053

Мазкур тадқиқотлар асосида қуидаги регрессион моделга эга бўлдик:

$$mi_us = 1.452635 * kb_band_ul + 0.845434 * kb_yaim_ul + 0.21703 * exp_ul + 1.2323 * gdp + 0.080687 * ist_xar_us + 0.0714 * kap_int_xor - 1.0398$$

Иқтисодий ўсиш сифатининг ижтимоий мезонларидан бири бўлган кам таъминланганлик даражаси ўзгаришига таъсир этувчи омиллар боғлиқлигини аниqlаш бўйича эконометрик изланишлар қилдик (3-жадвалга қаранг). Улар асосида қуидаги регрессион тенгламага эга бўлдик:

$$kam_tam = -1.02877 * kb_band_ul - 0.06228 * iqt_faol_ah_us - 0.162498 * gdp + 0.33099$$

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодий ўсишнинг ижтимоий жиҳатига, яъни кам таъминланганлик даражасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганларнинг улуши, иқтисодий фаол аҳолининг ўсиши ва иқтисодий ўсиш даражаси таъсир қилмоқда.

Юқорида амалга оширилган тадқиқотларга мувофиқ, иқтисодий ривожланиш жараёнини акс эттирувчи уч хил усулдаги ёндашув ишлаб чиқилди. Амалга оширилган тадқиқот натижаларига, Халқаро ташкилотлар прогноз кўрсаткичларига ҳамда ички иқтисодий ўсиш омил ва манбаларидаги ўзгариш тенденцияларига асосланиб, ривожланиш истиқболларини ўз ичига олган уч хил усулга мос прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди (4-жадвалга қаранг).

### З-жадвал

**Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш сифати (кам таъминланганлик)га таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари<sup>5</sup>**

Боғлиқ ўзгарувчи (Dependent Variable): Кам таъминланганлик даражаси (LKAM\_TAM)  
 Метод (Method): Энг кичик квадратлар усули (Least Squares)

Танланма даврлар (Sample): 1996-2015

Қабул қилинган кузатишлар сони (Included observations): 15.

<sup>5</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди. <https://stat.uz/uploads/docs/Sns-1991-2017-uz.pdf>

Ўзгарувчилар (Variable)	Коэффициент (Coefficient)	Стандарт хатолик (Std. Error)	T-статистика (t-Statistic)	Эҳтимолли к (Prob.)
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иш билан бандликдаги улуши (LKB_BAND_UL)	-1.028765	0.494083	-2.082173	0.0594
Иқтисодий фаол ахолининг ўсиши (LIQT_FAOL_AH_US)	-0.062281	0.023365	-2.665533	0.0206
Иқтисодий ўсиш (LGDP)	-0.162498	0.031293	-5.192799	0.0002
Константа (C)	0.330995	0.059861	5.529366	0.0001
R <sup>2</sup> (R-squared)	0.700106	Эҳтимоллик қиймати (Prob(F-statistic))		0.001838
F-статистика (F-statistic)	9.338068	Дарбин-Уотсон статистикаси	(Durbin-Watson stat)	1.851995

Инерцион усул (1-усул). Ушбу усул асосида миллий иқтисодиёт жорий ривожланиш тенденцияларига мос ҳолда амал қиласди. Унда иқтисодий ўсишнинг омил ва манбаларидағи ўзгаришлар аввалдан амал қилган даражада қолиб, самарадорлик кўрсаткичлари ҳам амалдаги даражада ривожланади. Жаҳон иқтисодиётида эса ресурсларга бўлган талаб ва улар баҳосининг ўзгариши секин юз беради<sup>6</sup>.

Иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида капитал ва инсон омилиниң ўсиш суръатлари ҳамда уларнинг миқдорий ўзгаришлари қаралади. Самарадорлик кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир этувчи асосий омил хорижий инвестициялар бўлиб, техника тараққиёти улар асосида, яъни технологиялар трансферти йўналишида кириб келади.

Ушбу усулнинг асосий камчиликларидан бири иқтисодиётдаги самарадорлик кўрсаткичларининг сезиларсиз ўзгариши, капитал қайтимиning пасайиши ҳамда ушбу кўрсаткич бўйича хорижий инвестициялар ва миллий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўртасидаги фарқнинг ортиби бориши ҳисобланади.

Сценарийни режалаштириш усули (2-усул)<sup>7</sup>. Ушбу усул аввалги усул (1-усул)га қўшимча равишда иқтисодий ўсишда омил ва манбаларидан фойдаланиш самарадорлигининг ижобий тенденциясига асосланади.

Мазкур усул маҳаллий хомашё, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари жадал суръатларда ривожланиши билан бирга, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ортиши кўзда тутилади. Уларга қўшимча равишда, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларига йўналтирилган харажатларнинг кенгайиши ҳисобига инновацион фаолият ривожланади.

<sup>6</sup>Бубенникова, Алла Ильинична, Сценарно-аналоговые модели прогнозирования экономического роста, Санк-Петербург, 2010. <http://www.dissercat.com/content/stsenarno-analogovye-modeli-prognozirovaniya-ekonomicheskogo-rosta>

<sup>7</sup>Tao Wang , Forecast of Economic Growth by Time Series and Scenario Planning Method Modern Economy Vol.07 No.02(2016), Article ID:63729,11 pages, School of Economics, Jinan University, Guangzhou, China. [https://file.scirp.org/Htm/12-7201222\\_63729.htm](https://file.scirp.org/Htm/12-7201222_63729.htm)

## 4-жадвал

Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг таҳлили ва прогноз кўрсаткичлари<sup>8</sup>

Кўрсаткич номлари	Кўрсаткичлар					усул	Прогноз кўрсаткичлари				
	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил		2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
<b>Иқтисодий ўсиш ва унга омиллар қўшган ҳиссаси</b>											
Иқтисодий ўсиш	100	100	100	100	100	1	100	100	100	100	
						2					
						3					
Капиталнинг иқтисодий ўсишдаги улушки	22,9	32,9	28,8	30,9	31,6	1	31,9	31,9	32,6	32,6	32,7
						2	32,0	32,6	32,7	33,0	32,9
						3	33,6	33,5	34,0	33,9	34,5
Меҳнатнинг иқтисодий ўсишдаги улушки	22,9	24,4	23,8	22,2	24,0	1	23,8	23,7	23,4	23,2	23,0
						2	23,1	22,5	22,1	21,8	21,7
						3	22,1	22,1	21,8	21,5	20,3
Омиллар ялпи унумдорлиги (TFP)	54,6	43,2	47,6	46,0	44,4	1	44,3	44,4	44,1	44,2	44,2
						2	44,9	44,9	45,2	45,2	45,4
						3	44,3	44,4	44,2	44,6	45,2
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар даражаси</b>											
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улушки	22,8	23,6	23,2	23,3	23,8	1	23,4	23,4	23,5	23,8	24,0
						2	23,8	23,8	24	24,3	24,5
						3	25,1	25,4	25,8	26,0	26,0
Хорижий Инвестицияларнинг ялпи инвестициялардаги	21,5	20,4	20,3	20,2	20,1	1	20,2	20,2	20,5	20,8	21,5
						2	21,6	21,8	22,2	22,5	23,0
						3	23,0	23,8	24,0	24,5	25,0
<b>Иқтисодий ўсиш сифатининг самарадорлик кўрсаткичлари</b>											
Иқтисодий ўсишнинг капитал сифими (ICOR)	2,8	2,9	2,9	2,9	3,0	1	3,0	3,0	3,0	3,0	3,0
						2	2,9	2,8	2,8	2,8	2,8
						3	2,8	2,9	2,9	2,8	2,7
Иқтисодий ўсишнинг меҳнат салмоғи	10,6	8,4	7,6	7,8	9,5	1	9,9	9,9	9,8	9,6	9,6
						2	9,3	8,9	8,8	8,7	8,6
						3	8,4	8,4	8,2	8,0	7,6
Капитал қайтими	4,4	4,2	4,3	4,3	4,2	1	4,2	4,2	4,3	4,3	4,5
						2	4,7	4,8	5,1	5,1	5,3
						3	5,8	5,8	6,0	6,0	6,3

Ушбу усулнинг камчиликлари сифатида хорижий ва маҳаллий инвестицияларнинг қўшилган қиймат яратувчи тармоқларга ҳамда қишлоқ хўжалигига йўналтирилган улушининг кўпайиши натижасида ялпи талаб ўсиши ҳисобига инфляция ортиши мумкинлигини қайд этиш лозим.

<sup>8</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари, У.Мадрахимов илмий ишлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Фаол ривожланиш усули (3-усул). Ушбу усул аввалги усул (2-усул)дан фарқли равишда, нодавлат сектори улушининг кескин ортиши ҳамда маҳаллий инновацион тизимнинг кенгайишига асосланади.

Мазкур ривожланиш усули замирида жаҳон иқтисодиётининг жадал ривожланиши ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга бўлган талаб ортади. Жаҳонда нефт-газ ва хомашёларга бўлган талаб ва улар баҳосининг ўсиши кузатилади. Натижада, хорижий инвестицияларнинг ушбу соҳаларга янада кўпроқ йўналтирилиши ҳисобига қўшилган қиймат яратувчи тармоқларга нисбатан мазкур соҳаларда самарадорликнинг тез ўсиши мумкинлиги усулнинг салбий жиҳатидир.

### Тадқиқот натижалари муҳокамаси

Юқоридаги усуллар ичida миллий иқтисодиётимиз учун мақбули 2-усул бўлиб, мазкур усул асосида ривожланиш учун бугунги кунда модернизация жараёнларини изчил давом эттириш лозим.

Модернизация жараёни одатда иқтисодий нуқтаи назардан капитални янгилашни англатади. Бу ўз навбатида, инвестициянинг асбоб-ускуна ва машиналарга йўналтирилган қисми билан боғлиқдир. Машина ва асбоб-ускуналарга йўналтирилаётган инвестициялар улушини ошириш учун қўйидагиларни таклиф этамиз: давлат мақсадли инвестицияларининг ушбу соҳага йўналтирилган қисмини кўпайтириш; корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестициялар улушини ошириш; хорижий инвестицияларни ушбу йўналишга сарфланаётган қисмини ошириш бўйича чора-тадбирларни кенгайтириш; қимматли қофозлар бозорини ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар базасини кенгайтириш асосида корхоналар молиявий имкониятларини ошириш.

Юқоридагилар ўз навбатида, барқарор ўсиш давомийлиги ва сифатини янада оширишга хизмат қиласи. Мазкур тадбирлар самарадорлиги давлатнинг макроиктисодий сиёсатига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсати орқали иқтисодий ўсиш сифатини янада ошириш учун давлат харажатларини кенгайтириш асосида ялпи талабни рағбатлантириш лозим. Жумладан, қўйидаги тадбирларга харажатларни ошириш мақсадга мувофиқдир: илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга; информацион инфратузилмани ривожлантириш асосида кадрлар малакасини ошириш ва интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтиришга; ижтимоий инфратузилмани тақомиллаштиришга; кичик бизнес фаолиятига минтақалар хусусиятидан келиб чиқиб молиявий имтиёзлар беришга; қимматли қофозлар бозорини ривожлантиришга.

Зеро, давлат бюджети мақсадли харажатларининг ортиши ялпи талабнинг ўсишига олиб келади. Бу эса, ишлаб чиқариш соҳасига бўлган талабнинг ортиши ва улар томонидан таклифни, яъни якуний товар ва хизматлар яратишнинг ўсишига олиб келади. Мазкур жараён самарадорлигини таъминлаш учун иқтисодиётда монетизация даражасини ошириш, пул таклифини кенгайтиришга қаратилган монетар сиёсат юритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Хулоса ва таклифлар

Эконометрик тадқиқотлар асосида барқарор иқтисодий ўсишнинг уч йўналишдаги чизиқли регрессия моделлари ишлаб чиқилди. Ушбу уч йўналиш асосида олинган коэффициентларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш барқарорлиги ва сифатига кучли таъсир этувчи омиллар қўйидагилар эканлиги аниқланди: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши; хорижий инвестициялар; экспорт ва жамғарманинг ЯИМдаги улуси; меҳнат унумдорлиги.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш барқарорлиги ва сифатини оширишга меҳнат унумдорлиги даражаси кучли таъсир қилмоқда. Меҳнат унумдорлигининг соҳа ва тармоқлардаги ҳолати баҳоланганда, капитал интенсивлик меҳнат омили самарадорлигининг ижобий ўзгаришини таъминламоқда. Бунда инвестицияларнинг

такрор ишлаб чиқариш таркибида янги корхоналарни барпо этишга ҳамда технологик таркибида асбоб-ускуналарга йўналтирилган улушини оширишга эътибор бериш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли Фармони.

R.Carter Hill, William E. Griffiths, Guay C.Lim – “Principles of Econometrics” fourth edition, John Willey & Sons, Inc. 2010. Louisiana state University, USA.

У.Мадрахимов, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини ошириш йўллари, Автореферат, 2018 йил.

А.Вахабов, Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари. Бозор, пул ва кредит, 2011 йил, 06(169) сон, 40-бет.

Б.Валиев “Иқтисодий ўсиш назариясининг концептуал ёндашувлари” Biznes-Эксперт, 2014 йил, 1 сон, 18-бет.

Лавров Е.И. Қапагузов Е.А. Экономический рост. “Теории и проблемы” Учебное пособие, ОГУ, 2006г, 214с.

N.Gregory Mankiw, Macroeconomics, seventh edition, Harvard University, New York, USA, 2010.

Tao Wang , Forecast of Economic Growth by Time Series and Scenario Planning Method Modern Economy Vol.07 No.02(2016), Article ID:63729,11 pages, School of Economics, Jinan University, Guangzhou, China. 2016.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. 1991-2017.

**Гўзал ва ҳамиша муқаддас Ватаним, Ўзбекистоним!**

**Сени чин дилдан соғиниб, сенинг нафис ва ёқимли шамолингни ҳис қилиб, ўша серқуёш ва мусаффо осмон остида сенинг борлигингни кўзимдан кетказолмай юрганимни фақатгина мен ва сен биласан!**

Шундай, азиз Ватандош! Мазкур мақолани ёзишдан олдин жуда кўп ўйладим, қандай бошлаш ва қандай давом этиш ҳақида тушундим, шунда Ватанимга ўз номимдан мурожаат қилишга ва туйғуларимни унга баён қилишга қарор қилдим. Ўзим ҳақимда қисқача сўзлайдиган бўлсам, мен дунёning энг қадими шаҳарларидан бири бўлган ва муқаддас қадамжолари билан дунё ҳамжамиятинг эътиборига тушган, гўзал, муқаддас, ҳавоси ва нони билан дунёга машҳур Самарқанд фарзандиман! Бахтлилигим шунданки, бугун ватан номини бошқа юртда мадҳ этишга, Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаши туфайли чет элдаги таълим жараёнлари билан яқиндан танишишга менда имконлар бисёр.



факультети

талабасиман.

2018 – йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этилган танловда Самарқанд давлат чет тиллар институти тавсияномасига биноан иштирок этдим. Танловнинг ilk босқичида саралаш босқичларидан сўнг Институтимиз менинг номзодими танлади ва ҳужжатларни жамғармага юбориши. Бунда талаб қилинган ҳужжатлар ичida низом бўйича икки йилдан ортиқ иш тажрибаси ва IELTS

сертификати бўлиши керак эди, шу билан Жамғарма томонидан ҳужжатим қабул қилинди. Шундан сўнг танловнинг иккинчи ва учинчи босқичлари ўтказилди. Маълум бир босқичлардан сўнг биздан хориждаги ўқув юртларидан бирини танлаб унга ҳужжат топширишимиз талаб қилинди. Мен имкониятдан фойдаланиб турли университетларга ҳужжат топширидим ва

қисқа муддатда ҳозирда таҳсил олаётган ўқув юртим Лондон метрополитен университетидан шартли равища қабул қилинганинг тўғрисида жавоб хати олдим. Охирги босқичда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этилган эркин мулоқот (интервю) га қатнашдим ва унда турли соҳа мутахассислари мени хорижда боргандан кейинги бўлган мақсадларим ва тадқиқотим ҳақида турли савол жавоблар ўтказиши. Шундан сўнг маълум вақтдан кейин жамғарманинг магистратура босқичига ўқиш имконияти берадиган грант соҳиби бўлганлигим маълум бўлди. Бундан хабар топган Институт аҳли, оила-аъзоларим ва энг асосийси ўзим жуда хурсанд бўлдим, интилишларимнинг натижаси ва ўз мақсадим йўлидаги сай-ҳаракатлар самаралари юзага чиқа бошлаганидан баҳтиёр эдим. Ахир, бундай имкониятлар ҳар кимга ҳам берилмайди, шундай эмасми? Шундан кейин барча ҳужжатлар ва расмий ишлар ҳал қилинди ва жамғарма билан шартнома тузгандан сўнг Буюк Британияга йўл олдим.



2018-йилнинг сентябрь ойи охирида университетга етиб келдим ва “Инглиз тили ўқитиши” (MA Teaching English) йўналиши учун ташкил этилган очилиш маросимида иштирок этдим. Бу маросимда Лондон метрополитен университети ва бизнинг курсимиз ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлдим. Университет ҳақида айтиб ўтадиган бўлсам, Лондон метрополитен университети тарихи 1848-йилга бориб тақаладиган кучли таълим илдизларга эга олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Ўшанда, яъни 1848 йилда Лондоннинг руҳоний Бишопи Чарлес Жамес Бломфиелд ҳурматли кишиларидан бири бўлган.

Чарлес Макензи билан ҳамкорликда "Йошлар учун метрополитен кечки синфларини" ташкил этганлар ва ҳозирги кунимизга қадар университет жуда кўп тарихни бошидан кечирган. Олий ўқув даргоҳининг бугунги кундаги тамал тоши, 2002 йилнинг 1-августида Лондон гилдхол университети ва Буюк Британиянинг иккита университети ўртасида бирлаштирилган Шимолий Лондон университети бирлашиши билан қўйилган. Университетнинг ҳозирда учта кампуси бўлиб, улардан иккитаси, яъни Мургейт ва Алдгейт кампуслари 1848 йилдаёқ ташкил қилинган. Шунингдек, ҳозирги Холловей, яъни шимолий Лондон кампуси ўтган 100 йил мобайнида таълим олиш имкониятини кенгайтириш учун кучли обрўга эга замонавий, илғор марказга айлантирилган. 2006-йил октябрь ойида университет қошида "Илм-фан маркази" яъни 30 миллион фунт стерлинг инвестиция микдорида янги илмий марказ очилган. Бу илм-



фан маркази "Super Lab" мақомига эга. У Эвропанинг энг илғор фан-таълим муассасаларидан бири ҳисобланади ва рақамли аудио-визуал интерфаол ускуналар билан



жиҳозланган 280 та ишчи станцияларига эгадир. Ҳозирги кунда университетнинг илмий бўлимлари олтида мактабга ажратилган бўлиб, улар Гилдхол бизнес ва ҳуқуқ мактаби, ҳисоблаш ва рақамли медиа мактаби, гуманитар фанлар мактаби, ижтимоий касблар мактаби, ижтимоий фанлар мактаби ва санъат, архитектура ва дизайн мактабларидир. Университет қошида ташкил этилган кутубхонада 274, 337 китоблар, 59, 922 электрон китоблар, 42,135 электрон журналлар, шунингдек оммабоп кўнгил очар китоблар коллексияси ҳам талабалар учун хизмат қилиб келмоқда. Кутубхонада ўқиш жойлари гуруҳ бўлиб ишлаш ва жим ишлаш зоналарига бўлинади. Унда шунингдек, прожектор қурилмалари, катта экранли технобутлар, кўплаб компьютерлар ва Wi-Fi билан ишлайдиган гуруҳли ўқиш хоналари ҳам мавжуд бўлиб, кутубхона талабаларни тўрт соат жараёнида bemalol ишлатиш учун ноутбуклар билан ҳам таъминлаб бериш имкониятига ҳам эга.

Шунингдек, университет қошида бизнинг "Ёшлилар Иттифоқи"миз каби "Талабалар уюшмаси" ташкил қилинган бўлиб, унда 50 дан ортиқ жамиятлар ва клублар

талабалар учун хизмат қилиб келмоқда. Бундан ташқари университетда "Student Hub" –



Талабалар маркази бўлиб, у талабаларда туғилган барча саволжавоб, таклиф ва муаммоларни ҳал қилиб беради. Яъни, бу марказ талабалик ва ўқиш давомида учрайдиган барча расмий ишлар билан шуғулланади.

Олий ўқув юртида, талабаларни ўқиш давомида ва ўқишини тугатгандан сўнг иш билан таъминлаб берадиган "Employment zone" – бандлик маркази ҳам ташкил қилинган.

Бизнинг "Инглиз тили ўқитиш" курси тилларни ўқитиш соҳасида глобал ёндашувни таклиф этади. Шунингдек, ушбу курс тил педагогикаси, тилшунослик ва ижтимоий лингвистика соҳалари ҳақида чуқур билим беради. Биринчи семестрда учта модул бўйича дарслар олиб борилди. Биринчи модул, "Тил ўрганиш масалалари: маданиятлараро муносабат" деб номланган бўлиб, унда биз PhD даражасига эга бўлган ўқитувчимиз Гонзало

Перез Андраде билан ҳамкорликда замонавий глобал дарс амалиётига тааллуқли бўлган тил ўрганиш ва ўқитишнинг асосий масалаларини ўргандик. Бунда турли хил маданий шароитларда педагогик фикрлаш қандай ривожланганлигини ва бу таълим беришда ва айниқса, тил ўрганишга қандай таъсир қилишини кўриб чиқдик. Мазкур модул "Маданият", "билим", "ўрганиш" каби асосий тушунчаларни ўз ичига олган бўлиб, унда мен ўз билим ва тажрибаларимни баҳолашни ўргандим ва бу касбий ривожланишим учун муҳим бўлган таҳлилий, танқидий ва глобал нуқтаи назарни ривожлантиришга менга катта ёрдам берди. Иккинчи модул ҳам юқорида тилга олинган ўқитувчи томонидан ўтилди. Модулнинг номи "Глобал ижтимоий тилшунослик структураси" бўлиб, бунда биз тил ишлатиш, тилни танлаш, тилни режалаштириш, тилга бўлган муносабатлар ва тил сиёсати ҳамда ижтимоий тилшуносликнинг асосий терминлари ва назарий асосларини аниqlашга ёрдам берадиган янги тушунчалар ва принциплардан хабардор бўлдик.

Учинчи модул, "Тилшунослик ва Тил ўқитиш: тил ва унинг педагогик қўлланмалари таърифи" деб номланиб, бунда биз профессор ўқитувчимиз Клаус Фисчер билан ҳамкорликда тилшуносликнинг турли хил соҳалари бўйича умумий тушунчаларимизни ривожлантиридик ҳамда тил ва тилшуносликнинг асосий тушунчалари ва назарий тамойилларини тил ўргатиш



ва ўрганиш билан боғлаган ҳолда ўргандик. Ушбу модулнинг асосий мақсади ҳам аслида бизни тилшуносликнинг техник атамалари билан таништириш, шу билан бирга ўқитувчига тил ва тилшунослик ҳақидаги билимлар ўқитиш жараёнида қанчалик ёрдам беришини намойиш



курс учун алоҳида ташкил қилинган.

Биз мазкур тизим орқали адабиётлар ва модулларимиздаги янгиликлардан хабардор бўлиб борамиз ҳамда берилган кунлик топшириқларни бевосита масофали тарзда бажариб юклаб борамиз. Ўқитувчиларимиз эса уларни ўқиб бизга ўзларининг фикрларини беришади.

Биринчи семестр жараёнида, биз ўқитувчиларимиз билан биргаликда Халқаро тил анжуманида қатнашдик ва турли чет эл ўқув юртларидан келган талабалар билан танишдик.

Биринчи семестр бўйича олинган билимларни баҳолаш мақсадида профессор ўқитувчиларимиз бизга мақола ва презентация тайёрлаш топшириқлари бердилар. Биринчи модул бўйича 2100-3000 сўздан иборат бўлган Лондон ва университет ҳаётини ўзимизга ва таассуртларимизга боғлаган ҳолда қандай даража кашф этганигимиз ҳақида аuto этнографик эссе ёздиқ. Иккинчи модулда эса мен “Ўзбек, Турк ва Инглиз тилида хушмуомалаликнинг қиёсий таҳлили” бўйича 3500 сўздан иборат эссе ёздим ва бунда уч тил бўйича маданиятлараро боғлиқлик, хушмуомалаликнинг турли даражалари ва ўзбек тилида қандай намоён бўлишини батафсил тушунтирган ҳолда ёздим.

Шунингдек, учинчи модулнинг биринчи қисм топшириғи бўйича 15 дақиқадан иборат бўлган “Ўзбек ва инглиз тиллари қиёсий типологияси” номли презентация тайёрладим ва унда икки тилдаги асосий ўхшашлик ва фарқларни қиёслаб бердим. Шунингдек, иккинчи қисмда яна тадқиқот ишимни прагматика билан боғладим ва “Инглиз ва ўзбек тилида илтимос қилишнинг қоидалари ва прагматик билимни ривожлантиришдаги ўрни” мавзусида 2500 сўзда иборат эссе ёздим. Бунда мен тадқиқотчилар томонидан қилинган ишларни таъкидлаган ҳолда, ўзбек тилидаги илтимос қилиш қоидалари ва уларнинг структурасини инглиз тилида таржима қилдим ва уларнинг гап тартибини бевосита таҳлил қилиб қиёсладим. Барча модуллар бўйича ёзган

қилиш ҳамда талабаларни танқидий фикрлашини ривожлантиришдан иборатdir.

Университетнинг сайтида талабалар учун алоҳида саҳифаси бўлиб, унда кундалик янгиликлар ва турли семинар ва конференсиялар ҳақида маълумот беради. Ўзбекистондаги таълим тизимида бўлганидек, бу ерда ҳам Moodle га ўхшаган тизим мавжуд. У Weblearn деб номланиб, ҳар бир йўналиш ва

Биз мазкур тизим орқали адабиётлар ва



ишлиарим ва қилган презентациям яхши ва аъло баҳоларда баҳоланди ва натижалари университетнинг талабалар сайтида, Weblearn да эълон қилинди.



Иккинчи семестрда ҳам уч модул бўйича юқорида тилга олинган профессор ўқитувчилар билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Булардан биринчиси “Тилни баҳолаш ва тестлаш” деб номланиб, ушбу модул тилни баҳолашга хизмат қилувчи маҳаллий ва халқаро тест тизимларини чуқурроқ ўрганишга қаратилган бўлиб, биз унда иккинчи чет тили сифатида инглиз тилини тест қилиш масалалари бўйича асосий назарий масалаларни ва мавжуд мунозараларни жорий қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шу жумладан тест ва баҳолаш, форматив ва умумий баҳо ўртасидаги фарқларини ўрганиб чиқдик. Бу модул бизга тил тестларини танқидий таҳлил қилиш ва ўз нуқтаи назарларимизни қўллаш имкониятларини таъминлашга хизмат қилди.

Иккинчи модул “Тадқиқот методологияси” деб номланиб, унда тадқиқот қилишнинг усуллари, тадқиқотдаги долзарбилиги, унинг амалий ва назарий қонуниятлари, тил ва тилларни ўқитиш бўйича тадқиқотлар учун сифатли ёндашувларни кенгроқ ўрганиб чиқдик. Бунда бизга ўқитувчи ўзининг кенг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотда сўровнома тузиш, интервю олиб бориш ва олинган маълумотларни қандай таҳлил қилишнинг йўл йўриқларини батафсил ўргатди. Ҳозирги инновацион технологияларни тадқиқотда жорий қилишни ва унда турли ахборот дастурларини ишлатишни ўргандик. Бунга мисол тариқасида СППС ва Нвило дастурларини қандай ишлатишни компьютер лабараториясида бевосита кўриб чиқдик. Учинчи модул “Тил аудиториясини тушуниш” деб номланиб, биз унда тил аудиториясини тушуниш, ўқувчида тил ўрганишга бўлган қизиқишни ошириш, тил ўқитиш ва ўрганиш жараёнида танқидий фикрлашни ривожлантириш ҳақида турли мунозараларга бой бўлган дарслар олиб бордик. Шунингдек, ушбу модул бизга инглиз тилида 4 соатлик дарсни кузатиш имкониятига эга бўлган муассасага бориб дарсларни кузатишни талаб қилди ва биз бунинг учун Сайнт Гилес халқаро коллежига бориб дарсларни кузатдик. Бунда асосий мақсад қилиб ўқитувчини эмас балки ўқувчини кузатиш бўлиб, бизга берилган мавзулардан бирини танлаб, ўша мавзудан келиб чиқсан ҳолда ўқувчи билан ишлаш ва сўровнома тузиш, уни эса кузатиш журналига қайд қилиб бордик.




Ҳозирда иккинчи семестр бўйича олинган билимларни баҳолаш мақсадида ўқитувчиларимиз томонидан тайёрланган топшириқларни бажаряпмиз. Биринчи модулнинг баҳолаш тартиби бўйича иккита топшириқ бажариш керак эди, булардан бири диссертация учун танлаган мавзумиз асосида презентация тайёрлаш ва иккинчиси эса тадқиқот ишимиз учун тадқиқот таклифи ёзишдан иборат.



Иккинчи модул ҳам икки топшириқдан иборат бўлиб, унда биз халқаро тестлардан бирини танлаб, танқидий жиҳатдан ёндашган ҳолда модулда олинган билимлардан фойдаланиб оғзаки презентация тузишимиз ва сўнгра 2500 сўздан иборат бўлган тест билан боғлиқ мавзу танлаб эссе ёзишимиз



керак. Бунда мен, оғзаки презентацияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси сайтида жойлаштирилган намунавий CEFR тести B2 даражасини танқидий жиҳатдан ёритиб чиқдим ва мазкур тест намунасининг қанчалик тест топширувчиларга таъсири, ундаги материалларнинг танланганлик даражаси, ҳаққонийлиги ва бошقا тарафларини кўрсатиб бердим. Ҳозирги кунда, топшириқнинг иккинчи қисми бўйича иш олиб боряпман. Унда яна шу CEFR масаласини кўтариб чиқмоқдаман ва "Ўзбекистонда



ўқитувчиларнинг профессионал даражасини оширишда CEFR нинг фойдали тарафлари ва роли” ҳақида 2500 сўздан иборат бўлган эссе ёзяпман.

Шунингдек, учинчи модул бўйича еса кузатилган дарслардан келиб чиқсан ҳолда 5000 сўздан иборат эссе ёзишимиз керак. Унда иншонинг биринчи қисмида умумий жиҳатдан битта мавзу танланади ва унга кўра дарс таҳлили ёзилади. Мен бунда “Синфхонада дискус” мавзусини танладим ва унга мослаб иншонинг биринчи қисмини ёздим. Иккинчи қисмда эса танлаган ўқувчини кузатганим ҳақида унинг барча дарслар жараёни қанчалик ўзини тутиши, психологияси ва сўровномадаги жавобларидан келиб чиқиб ҳисобот ёзяпман.

Илмий иш ҳақида келадиган бўлсам, мен уни илмий раҳбар билан келишилган ҳолда “Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг профессионал даражасини оширишда CEFR нинг фойдали тарафлари ва роли” ҳақидаги илмий иш мавзусини танладик ва мен ҳозирда мазкур иш ҳақида иш олиб боряпман. Тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, Ўзбекистонда CEFR нинг кириб келганига анча йиллар бўлган бўсада, унинг ўқитувчилар касб маҳоратини оширишдаги ўрни уларни фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқсан ҳолда тадқиқ қилинмаганлигидадир. Турли ўзимизнинг тадқиқотчиларимиз томонидан 2013 йилдан бўён жуда кўп илмий ишлар олиб борилганига қарамай, бу мавзунинг ҳали очилмаган қирралари ва Ўзбекистон шароитида тадқиқот олиб боришга қаратилган тарафлари мавжуд ва мазкур лойиҳада мен ўқитувчиларнинг фикрини сўровнома ва интервю орқали олиб боришга қарор қилдим. Мазкур соҳа бўйича хориж тажрибасини ўрганиш асносида ҳозирда сўровноманинг эскизини тайёрлаяпман. Шунингдек, бу лойиҳа асосан онлайн тарзда олиб борилиши туфайли, мен сўровномани [www.surveymonkey.com](http://www.surveymonkey.com) сайти орқали онлайн линк ташкил қиласман ва уни турли ижтимоий сайтлардаги групҳар, email адреслар орқали ўқитувчиларга линкини юбораман ва буни аноним тарзда олиб бораман. Бундан мақсад уларнинг ҳаққоний фикрларини билиш ва тадқиқот ишининг ишончлилигини таъминлашдан иборат. Шунингдек, иштирокчилар ичидан маълум бир қисми интервюга таклиф қилинади, улардан ярми юзма-юз онлайн тарзда ва ярми email интервю тарзида ташкил қилинади. Тўпланган маълумотлар SPSS ва Nvivo дастурлари бўйича олдин кодлаб чиқилади ва сўнг таҳлил қилинади ва натижалар диссертацияда ёритиб чиқилади.

Хулоса сифатида шуни айтмоқчиман, авваламбор бизни ҳукуматимизга, Президентимизга, “Эл-юрт умиди” жамғармасига, шунингдек бизни шу ергача келишимизга ҳисса қўшганларга ўзим номимдан, қолаверса институтимиз ва оила-аъзоларим номидан чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Мазкур грант менга жуда кўп имкониятларни берди ва мен жуда кўп фан ва инновацион янгиликларни ўргандим ва буни яқин келажакда Ўзбекистон шароитида жорий қилишга хизмат қилишга тайёрман. Мен ўқиш давомида ўзимнинг имкониятларимдан келиб чиқиб, дарсларда фаол қатнашяпман, барча фанлар бўйича ишларни яхши ва аъло баҳоларда топширяпман. Бу ерда ўқиш менинг орзуйим эди ва мен бу мақсадимга “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эришдим. Бу берилган имкониятдан йўналишим бўйича барча билимларни

**Мусоева Азиза Ботировна**

эгаллаб, магистрлик дипломини қўлга киритиб юртимга ёруғ юз билан боришга ва Ватанимга хизмат қилишга ваъда бераман.

Менинг дунёларга алишмайдиган Ўзбекистоним! Сенга мурожаат билан бошладим ва худди шундай тарзда сўзимни тугатмоқчиман. Қайерда борсам ҳам сен менинг қалбимдасан, бу вужудимдаги қон ва жон фақат сен учун уради ва мен сенинг бир кичкина қисминг бўлиб, шу Ватан учун ва сенинг муқаддас исминг Ўзбекистон учун жоним ва бутун қалбим билан хизмат қилишга тайёрлигимни ва сени чин юракдан севишимни изҳор қилишда давом этавераман!

**Мусоева Азиза Ботировна**

**Буюк Британиянинг Лондон Метрополитен университети талабаси**

## Туризм-мамлакат тараққиётида...

Бугун Ўзбекистон ёшлар тарбиясида, хусусан мамлакат тараққиёти учун хизмат қиладиган малакали кадрларни тайёрлашда катта ислоҳотлар йўлидан бормоқда. Хусусан, 2018 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5545 сонли фармонига асосан мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилиши йўналишда муҳим бир даврни бошлаб берди.



Мен, Расулов Шоҳруҳбек ана шу жамғарманинг стипендианти бўлиш баҳтига сазовор ёшларданман. Бакалавр босқичини Тошкент Молия институтида битириб, 2018 - йили “Истеъдод” жамғармаси томонидан ўtkазилган танловда қатнашиб стипендияга эга бўлдим ва ҳозирда Лондондаги Нюкасл университетида магистратура дастури бўйича таҳсил олмоқдаман. Танлов ҳақида институтимиз орқали хабар топганман ва институтимизнинг бир нечта профессор ўқитувчилари ва талabalар қаторида мен ҳам танловда қатнашиш мақсадида ҳужжатларимни топширдим. Имтиҳонлар бир неча босқичдан иборат бўлиб, 2017 йил кузида

бўлиб ўтган. Натижалар 2018 йил бошларида эълон қилиниб ўқишга кетиш учун ҳужжатларни тайёрлашга киришганмиз. Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, жамғарма бизни нафақат молиявий томондан қўллаб қувватлади, балки маслаҳатлари билан, шунингдек хорижий университет билан амалга оширилувчи алоқалар давомида амалий ёрдам кўрсатди. Уларга бунинг учун жуда миннатдорман.

Мен ҳозирда таҳсил олаётган олийгоҳ - "Нюкасл Лондон университети"нинг асосий кампуси Англияниң Нюкасл шаҳрида жойлашган бўлиб, "QS" дунё университетлари рейтингида 141 ўринда туради (QS ranking, 2018). Университетнинг Лондондаги филиалида фақат бизнес йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади ва ўқиш дастурлари AACSB, AMBA, EQUIS каби халқаро ташкилотлар томонидан аккредитацияланган "Newcastle University Business School" томонидан тузилган (NCL, 2019).

Ўқитиш тизимиға келадиган бўлсак бу ердаги ўқиш жараёни худди меҳнат фаолиятига ўхшайди. Университетимиз биноси бу катта бир бизнес марказ – унга киришингиз билан ўзингизни талаба сифатида эмас, балки бир мутахассис сифатида ҳис қилишни бошлайсиз, табиий ҳол бу ердаги муносабат ҳам шунга яраша бўлади.

Дарсларни бошлаймиз. Ўқиш жараёнида назариядан сўнг албатта "case study" бўлади. Шундан бўлса керак, ҳеч бир янги маълумот талabalarda "Бу нима учун керак ўзи" деган саволни пайдо қилмайди. Асосан, фанларни баҳолаш учун эса сизга ҳақиқий бир ҳаётӣ, ўтилган барча мавзуларни қамраб



оладиган лойиҳа берилади. Масалан, "MSc International business management" дастури талabalарининг ҳаётӣ лойиҳалари. Бунда ҳар бир груп Университет томонидан ажратилган маблағни турли товар ва хизматларни Лондондаги машҳур "Spitalfield" бозорида реализация қилиш орқали 2 кун давомида кўпайтириши керак. Бу фаолият талabalарнинг бир фан бойича эгаллаган бир нечта назарий билимларни амалиётда кўллашга имкон беради. Тўпланган маблағ эса хайрияга йўналтирилади.


Шу каби лойиҳаларни қандай бажарганингиз, қилган таҳлилларингиз ва ёзган ҳисботингиз асосида баҳоланасиз. Бу метод талабанинг амалий ва назарий кўниқмаларини ошириш билан бирга уни масъулиятни ҳис қилишга ўргатади ва ҳақиқий мижозлар билан алоқа қилиш этикасини шакллантиради. Албатта, бу барча фанлар бўйича эмас, балки назарий билимларни амалиётда татбиқ эта олишни баҳолашнинг бир қисми холос.

Бу ердаги таълимнинг яна бир ва энг муҳим хусусиятларидан бири бу университетларда мавжуд бўлган ресурслар базасидир. Бу кутубхонанинг ҳажми ва ундаги китобларнинг сони эмас балки жуда кўплаб халқаро онлайн ресурсларга аъзолиги. Қолаверса, Буюк Британиянинг барча олий таълим муассасаларида талаба ва профессорлар ўртасидаги дарсдан ташқари мулоқот ва қўшимча таълим жараёни фақат ва фақат таълим муассасасининг онлайн платформаси орқали амалга оширилади.



Баъзи университетларда “Blackboard” номли портал баъзиларида “Moodle” деб номланиб биздаги университетларда мавжуд бўлган “Moodle” тизимидан мукаммаллиги, кўп функционаллиги, хавфсизлиги ва ишончлилиги билан фарқ қиласди. Функционаллиги, хавфсизлиги ва ишончлилиги билан фарқ қиласди.

Бу ўз навбатида талабаларга хоҳлаган жойдан туриб бу ресурслардан интернет орқали фойдаланишга имкон беради. Бундан ташқари, порталларнинг барчаси плагиатни аниқлашга мўлжалланган “Turnitin” номли тизим томонидан бажарилган ишлар бутун дунё онлайн илмий ресурс базалари билан солиширилади. Бу эса талабаларнинг плагиат билан шуғулланишига йўл қўймайди.



Умуман олганда, юқорида айтиб ўтилганидек, университет томонидан кўплаб халқаро илмий ресурслар базасига онлайн равишда кириш имконияти берилади ва бу жуда мукаммал илмий иш ёзиш учун ҳам етарли.

Мен айнан “MSc International marketing and management”, яъни, халқаро маркетинг ва менежмент йўналишида таҳсил оляпман. Бу соҳага қизиқиш менда Ўзбекистонда маркетинг тадқиқотлари олиб борадиган ташкилотдаги иш фаолиятим давомида пайдо бўлган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, йенгил ва оғир саноат, сервис ва туризм соҳалари жуда

A screenshot of a university's eLearning platform. At the top, there's a navigation bar with links for 'My Institution', 'Courses', 'Community', 'ePortfolio', 'University Library', and 'Careers'. Below this, a sub-navigation bar for the 'LBS8514: Marketing Research (18/19)' course shows 'Announcements', 'Overview', 'Contacts', 'Teaching Material', 'Assessment', 'Reading List', 'Qualitative Research Assignment', 'Discussion Board', and 'Help'. The main content area is titled 'Teaching Material' and lists three items: 'Module Handbook' (with a link to a .docx file), 'Semester 1 Lectures', and 'Semester 2 Lectures'.

катта истиқболларга эга. Лекин афсуски, халқаро миқёсда бизнинг миллий маҳсулотларимизни ҳали кўп мамлакатлар танимайди. Мамлакатни эса асосан ички бозор эмас ташки бозор бойитади ва танитади. Тўғри танланган маркетинг стратегияси бунда миллий маҳсулот ва хизматларимизни жаҳон бозорига олиб чиқишида муҳим функциялардан бирини бажаради. Мен ишонаманки, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясини қўллар экан, миллий маҳсулотларимизни жаҳон бозорига тақдим этишда ва миллий брендларимизнинг халқаро миқёсда ўрин эгаллашида халқаро маркетинг муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирда, мамлакатимизда олиб борилаётган туризм соҳасидаги кенг кўламли ишларни кўриб магистрлик диссертацияни айнан шу йўналишда ёзишга қарор қилдим. Диссертация мавзуйим “The factors that affect destination choice for travelling. Understanding people’s attitude towards tourism to Central Asian Countries in the example of Uzbekistan.”

Туризм иқтисодиётнинг энг йирик секторларидан бири ҳисобланиб 2018 йилда глобал ЯИМ нинг 10.4% ни ташкил қилган экан ва “World Travel & Tourism Council” (WTTC) нинг йиллик тадқиқоти натижасига кўра туризм соҳаси 2018 йилда ишлаб чиқаришдан кейинги (4%) иккинчи энг тез ўсувчи (3. 2%) иқтисодий сектор деб топилган экан (WTTC, 2019).

Барчамиз гувоҳи бўлаётганимиздек, мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда туризм соҳасида туб ислоҳотлар амалга ошириб борилмоқда ва улардан энг долзарб ва энг асосийси бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 5-январдаги ПФ-5611-сон фармонида белгиланган 45 та давлатга 30 кун мобайнида визасиз ташриф буюриш имконияти бўлди.

Демак Буюк ипак йўли юрагида жойлашган кўхна мамлакат дунёга янада кенгроқ қучоқ очмоқда. Аммо бунинг ўзи кифоя бўла олмайди. Ахир тўй бошлаган одам уйининг дарвозасини катта очиб қўйгани билан карнай-сурнай садолари бўлмаса меҳмонлар тезда топиб келавермайди. Шу сабабдан туризм соҳаси “карнай сурнайлар”, яъни, ўз маркетинг тарғибот ишларини ўта пухта стратегияга асосланган ва айнан “таргет” истеъмолчиларга керакли маълумотни етказишга қаратилган тарзда олиб бориши керак. Истеъмолчиларга нима кераклигини аниқлаш учун эса “таргет” бозорда маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши керак. Менинг диссертациям ҳам айнан шу мақсадга қаратилган ва бу юқоридаги катта саволлар тўпламишининг кичик бир қисмига жавоб топишга йўналтирилган. Албатта, ресурслар чекланганлигини ҳисобига ўта глобал ва аниқ натижаларга бирдан эришишнинг имкони йўқ бўлсада, тадқиқот орқали шу йўналишда кейинчалик ўқишимни тамомлагач, олиб бормоқчи бўлган изланишларимга мантиқий андоза шакллантиришга умид қиласман.

Ўзбекистонга қайтиб бориб эгаллаган билимларим асосида янада кенгроқ изланишлар қилишни, уларни амалда қўллашни ва улашишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Келажакда бундан кейинги эгаллайдиган илмий ва амалий билим - кўникумалар ва ҳомийлар ёрдамида мазкур соҳада профессионал даражада тадқиқотлар амалга ошириб улар асосида эффектив маркетинг стратегияларни ишлаб чиқиб, жаҳон бозорини миллий маҳсулотларимиз билан бойитишга ўз ҳиссамни қўшаман.

*Расулов Шоҳруҳбек*

*Лондондаги Нюкасл университети талабаси*

### 38 ёшда Европада профессор бўлган ўзбек тилшуноси

Улуғ немис адиби Гёте айтади: “Кимки бошқа тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди”. Ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз нафақат бир қанча хорижий тилларни ўрганди, дунё ёшларига ҳам ўзбек тилини ўргатиш бўйича эзгу ташаббус кўрсатди. Бугун унинг муаллифлигидаги тайёрланган 200 бетлик ўзбек тили дарслиги, ўзбек тилини ўрганаётган корейс талабалари учун ягона қўлланма.

“Буюк Келажак” эксперплари гуруҳи вакили, Жанубий Кореяning Пусан чет тиллар университети профессори, амалий тилшунослик фани доктори Азамат Акбаров 1977 йил Самарқанд шахрида таваллуд топган.

1999 йили Самарқанд давлат чет тиллар институтининг «инглиз филологияси» факультети имтиёзли диплом билан тугатган. 2001 йили эса ушбу олийгоҳнинг инглиз тили ва адабиёти йўналиши бўйича магистратурани тугатган. 2003 йили Швецияning Даларна университетида сиёsatшунослик йўналиши бўйича иккинчи магистр илмий даражасини қўлга киритган. 2009 йили Жанубий Кореяда инглиз тилшунослиги йўналишида докторлик диссертациясини ёқлаган. 1999-2001 йилларида Самарқанд давлат чет тиллар институтида фаолият юритган. 2004-2006 йилларида Жанубий Кореяning Пусан чет тиллар университетида Ўрта Осиё тадқиқотлари факультетида ўзбек тили, тарихи, маданияти йўналишида дарс берди.

Нақшбандий тариқатида яхши бир насиҳат бор: “Аждодларинг билан мақтанма”, бу ҳикмат замирида уларга муносиб бўлишга туртки, ундов бор. Бу ундов Азамат Акбаровнинг қулоғи остида ҳамиша жаранглаб туради. Ўқиш жараёнларида ҳам, ундан кейинги фаолиятида ҳам.

Ана шу доимий изланишлар унинг ҳаёт йўлларида турли муваффақиятлар қатори синовлар билан ҳам сийлади. Аммо ҳеч бир шароит уни ўз мақсадлари сари интилишдан тўхтата олмади:

« Инсон таълим олиш жараёнида ва ижтимоий ҳаётида юзлаб тўсиқларга учраб қоқиласди ва йиқиласди. Шундай бўлса-да, ҳаётнинг ушбу икки жабҳасидаги холатларни битта муаммо деб қарамасликка ҳаракат қилиш жуда муҳим. Хатога йўл қўйишимиз табиий ва ҳиссиётлар ва ақл орасида мувозанатга эришиш учун вақт ва сабр кераклиги сабабли баъзан хатоларимизни дархол тузата олмаймиз. Бундай холатларда инсон ўз эътиқоди ва ўзига бўлган ишончини, хусусан, кўп йиллар давомида аста-секинлик

билин эришган режа ва орзуларнинг ушалганлиги ҳиссини йўқотмаслиги лозим! Булар Худо берган ҳар куни ўзингиздан ғурурланишингиз учун атига бир неча сабаблар холос! Нью Йорк шахрида 1989 йилда туғилган Алия Сабур материлшунос олима. У 18 ёшида бундан 300 йил олдин ўрнатилган рекордни бекор қилган дунёдаги энг ёш профессор мавқеига эришган рекорд сохибаси хисобланади. Олдинги рекорд сохиби эса 1717 йилда Абердин Университети томонидан математика фанидан профессорликка тайинланган буюк Исаак Ньютоннинг шогирди Колин Маклорин бўлган. Бу факт инсоннинг барча оғир меҳнати саъй-харакатлари ўз иқтидор ва ақлий қобилиятарингиз даражасига эришишга ёрдам беришини намойиш этади. Мен ҳам кўп натижаларга эришдим, аммо мен учун энг муҳими, доцентлик ва профессорлик унвонларини чет мамлакатда олган энг ёш ўзбекистонлик олимлардан бўлганлигимdir. 38 ёшимда, менга тўла профессорлик унвони берилди, ва бу Ўзбекистон таълим муваффақиятининг яхши кўрсаткичидир. Мен 14та докторлик диссертацияси ва 40та магистрлик ишларига илмий раҳбарлик қилдим. Бу каби ютуқларимдан фахрланаман», -мана шу таскин унга ҳамиша мадад, куч бўлиб келган.

2009 йилдан 2016 йилгача Босния ва Герцеговина пойтакти Сараево шаҳридаги халқаро Бурч университетида “Инглиз тили ва адабиёти” кафедраси мудири, Педагогика факультети декани, ва ушбу университетнинг (2012-2016) илмий ишлар ва халқаро муносабатлар бўйича проректори лавозимида фаолият юритди. 2016 йилдан 2018 йилгача Ал Фаробий номидаги Қозоқ миллий университети умумий тилшунослик ва европа тиллари кафедраси профессори лавозимида ишлаб келди. 2018 йил сентябрдан бошлаб эса Жанубий Кореянинг Пусан чет тиллар университетида шарқшунослик факультети профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу билан, Азamat Акбаров фаолияти давомида халқаро андозаларга мос лойиҳалари билан дунё тилшуносларининг диққат-эътиборини жалб этди. 2014-2016 йиллари халқаро амалий тилшунослар ассоциясининг вице-президенти, 2014-2016 йиллари Босния ва Герцеговина амалий тилшунослар ассоциясининг президенти, 2016-2018 йиллари Қозоғистон амалий тилшунослар ассоциясининг президенти сифатида фаолият юритди.

Сўнгги 20 йил давомида 70 дан ортиқ давлатда ўтказилган илмий конференция, симпозиум ва семинарларда қатнашиб, 180 дан ортиқ мақола, 30 та китоб нашр қилди, 15 та лойиҳа устида ишлади. 10 дан ортиқ халқаро тилшунослик (амалий, когнитив) ва таржимонлик ассоциацияси аъзоси. Ҳозирги кунгacha 40 та магистр ва 14 та докторантга илмий раҳбарлик қилди.

Аҳамиятлиси, Азamat Акбаров қаерда бўлмасин ўз она ватани тақдирига, ундаги ислоҳотлар жараёнига даҳлдор эканини ёдидан чиқармади. Ўзбекистоннинг халқаро имиджини яхшилаш жараёнида иштирок этишни ўз фарзандли бурчи деб билди. Ижтимоий ахборот тармоқларидан бири бўлган Дарё.uz колумнисти сифатида доимий

равишда ўзгаришларга муносабатини билдириб борди. Хусусан, унинг «XXI асрда ўзбек халқининг янги тимсолини дунёга қандай тақдим этиш мумкин», «Дипломнинг мавжудлиги ишга жойлашишини кафолатламаслиги керак», «Таълим мамлакатни ўзгартириш керак», «Тил миллат кўзгуси» каби таҳлилий мақолалари ўқувчилар эътирофига сазовор бўлди.

Айни кунларда у “Хорижий тилларни ўргатиш ва амалий тилшунослик” <http://jftal.org/> халқаро илмий-назарий журнали бош мухаррири, 2011 йилдан бугунгача 9 марта ташкиллаштирилган “Хорижий тилларни ўқитиш ва амалий тилшунослик” халқаро конференциясининг ташкилий қўмитаси раиси ҳамdir.

Мазкур конференция бу йил илк маротаба Ўзбекистонда ташкил этилди. 2-3 Май кунлари И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида чет тилларни ўқитиш ва амалий тилшунослик соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тўққизинчи халқаро анжуман мавзуси «Кўптилли шахснинг ижодий истиқболлари: кўптиллилик омилининг чет тилини ўрганиш жараёнига таъсири». Унда икки кун давомида чет тилларни ўқитиш ва амалий тилшуносликнинг долзарблиги, таржима муаммолари, кўптиллиликнинг мухим омиллари каби масалалар таҳлил этилди.

“FLTAL-2019” ишида бу гал 35 мамлакатдан тил ва маданиятлараро таълим ва тилшунослик соҳасида эксперт бўлган жами 300 нафардан ортиқ етакчи мутахассис иштирок этди.

Халқаро анжуман қамрови анча юқори, буни унда ташкил этилган 16 йўналиш бўйича 58 семинар, 20 намунали дарслар ва “OXFORD UNIVERSITY PRESS” нашриётининг китоблари кўргазма-савдоси ҳам акс эттирди.


Азamat Акбаровнинг таъкидлашича, халқаро анжуманнинг мамлакатимизда ташкил этилиши дунё ҳамжамияти олдида ўз нуфузини эгаллаб бораётган Ўзбекистондаги ислоҳотлар билан боғлиқдир.

## ФОТОГАЛЕРЕЯ

## Жамғарма фаолиятидан лавҳалар







Ўзбекистон, Тошкент ш.,  
Амир Темур - 13 уй



uzbridge@eyuf.uz



[www.uzbridge.eyuf.uz](http://www.uzbridge.eyuf.uz)